

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЬАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**«РЕЖИССЁРЛИК САНЬАТИ» (турлари бўйича) йўналиши**

**“РЕЖИССЁРЛИК САНЬАТИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР  
ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР”**

**Модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

- Тузувчилар:** “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди М.Б.Умаров
- Тақризчилар:** “Мусиқали, драматик театр ва кино санъати ” кафедраси профессори, Ўзбекистон санъат арбоби Ж.О.Махмудов
- Миллий рассомлик ва дизайн институти  
Санъатшунослик кафедраси санъатшунослик фанлари номзоди доцент И.Абдурахмонов

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кенгашининг 201 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	19
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	19
V. ТЕСТЛАР .....	124
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	124
VII. ГЛОССАРИЙ .....	135
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	139

## I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

### Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, қўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га қўйидагилар киради:

**«Режиссёрлик санъати»** (турлари бўйича) йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, қўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

**«Режиссёрлик санъати»** (турлари бўйича) йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

**«Режиссёрлик санъатида инновацион ёндашувлар ва хорижий тажрибалар»** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- режиссура санъатидаги инновацион ёндашувларни, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этишни;
- режиссура санъатидаги педагогик методларнинг замонавий ёндашувларини;
- жаҳонга машҳур режиссёrlар ижодини таҳлил қилишни;
- миллий режиссуранинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишни;

•режиссура педагогикасидаги янги адабиётлар ва тенденциялар таҳлилини **билиши керак**.

**Тингловчи:**

- ижодкорнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлай билиши;
- XX аср режиссурасидан хабардор бўлиши;
- замонавий режиссурадаги янги тенденциялардан хабардор бўлиши;
- педагогнинг ўз ижодий фаолиятини замон талабларига хос тарзда **мослаштириши керак**.

**Тингловчи:**

- хорижий адабиётларни таҳлил қилиши ва таълим жараёнига тадбиқ этиши;
- илғор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиши ва модул асосида дарсларни **ташкил этиши керак**.

**Тингловчи:**

- машғулотларни илғор педагогик инновацион ёндашувлар, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- педагогик фаолият давомида тадқиқотлар олиб бориш **компетенцияларига эга бўлиши лозим**.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**«Режиссёрлик санъатида инновацион ёндашувлар ва хорижий тажрибалар»** модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари кўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақллий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини кўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

**“Режиссёрлик санъатида инновацион ёндашувлар ва хорижий тажрибалар”** модули мазмуни ўқув режадаги “Оммавий маданиятга қарши курашда ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг тизимли таҳлили”, “Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш”, “Режиссёрлик маҳорати фанларини ўқитишида илғор тажрибалардан фойдаланиш”, “Режиссёрлик санъатида инновацион ёндашувлар ва хорижий тажрибалар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг қасбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик фаолияти устида ишлаш, ихтисослик фанларини ўқитишда замонавий методларини ўрганиш; асарларни илмий тахлил этиш, соҳа мутахассислигини ривожлантириш ва такомиллаштириш компетенцияларига эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот			
1.	<b>ДРАМАТУРГИЯДАГИ ЯНГИ ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ</b>	4	4	2	2			
2.	<b>САҲНАВИЙ АСАРНИНГ РЕЖИССЁРЛИК ТАҲЛИЛИ</b>	6	6	2	4			
3.	<b>МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ДРАМАТУРГИЯСИ ВА РЕЖИССУРАСИ</b>	4	4	2	2			
<b>Жами:</b>		<b>14</b>	<b>14</b>	<b>6</b>	<b>8</b>			

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-МАВЗУ. ДРАМАТУРГИЯДАГИ ЯНГИ ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ**

Драматургия томоша санъатининг асосидир. Театр санъатига багишланган илмий рисолалардаги характер яратиш масалалари. “Саҳнавий характер” борасида соҳа мутахассисларининг илмий қарашлари. Драматург томонидан асар ғоясини очиш учун персонажга берган характерини бадиий образ даражасига олиб чиқиши, ёрдамчи воситалар: декорация ва жиҳозлар. Характер яратиш мавзусида юртимиз адилларининг илмий қарашлари. Драматурглар, режиссёrlар, актёрлар ва театршуносларнинг саҳнавий характер яратиш масаласидаги изланишлари ва спектаклнинг бадиий яхлитлиги.

### **2-МАВЗУ. САҲНАВИЙ АСАРНИНГ РЕЖИССЁРЛИК ТАҲЛИЛИ**

Режиссёр ўз талқинини аниқлаш учун асарнинг жанрини ўрганиши ва муаллифнинг ҳаётий ҳақиқатга муносабати. Ёзувчининг тасвириланаётган ҳаётий ҳақиқатга муносабати - песа жанри. Жанр тушунчаси, асарнинг ёки томошанинг турларга бўлиниши.

Трагедиянинг барча томоша санъати турларидан устун эканлиги, комедия, драма, мим, понтамим, рақс, қўшиқ ва қўғирчоқ ўйини каби йўналишлардан фарқи. Трагедия, драма ва комедияга ажраган йирик турларга умумий муносабат. Трагедия – драматик асар турларидан бири. Трагедия драманинг – дардли кураш ифодаланган ҳаракатнинг энг қадимги тури эканли. Грек драматурглари Эсхил, Софокл, Еврипид трагедиялари инсон изтиробларини бадиий тасвири. XVII аср бошларида яшаб ижод этган буюк инглиз драматурги В.Шекспир трагедиялари.

А.С.Пушкин трагедиялари – “Тош меҳмон”, “Мотсарт ва Салери”, “Қизғанчик ритсар” ва “Борис Годунов”.

Ўзбек драматургиясида трагедия жанри – Фитратнинг “Абул Файзхон”, Ҳамзанинг “Ишқ қурбонлари”, Туроб Тўланинг “Нодирабегим”, Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” номли тарихий-фожиавий песалари.

Комедия драматик асарнинг бир тури сифатида. Ҳамзанинг “Майсарапнинг иши” комедияси. Комедиянинг моҳияти, ва унинг аҳамияти..

XX аср драматургияси комедиянинг янги тури. Миллий комедиялар Абдулла Қаҳҳорнинг “Шохи сўзана” комедияси..

Юмор маъноси. Юмористик асарда турмушдаги ва айрим кишилардаги баъзи бир камчиликлар енгил танқид остига олиниши. Н.В.Гогол “Ревизор” асаридаги персонажлар, сатирик тарзда, нафрат ва ғазаб билан

тасвирланиши. Шаҳар ҳокими – Сквозник-Дмухановский образи, унинг амалдорларидағи шұхратпарастлик, пораҳүрлик, худбинлик қайғули сатирик юмор билан тасвирланиши. Сайд Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” комедияси.

### **3-МАВЗУ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ДРАМАТУРГИЯСИ ВА РЕЖИССУРАСИ**

Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилиниши туфайли мамлакатда ижтимоий ҳаёт янги тараққиёт йўли. Миллий давлатчилик ақидалари қайта тикланиши. Истиқлол шарофати билан миллий драматургиянинг янги тарихи. Мажбурий ижод усулларидан халос бўлиш, саҳна асарлари қадриятлар, миллий урф-одат ва маросимлар талаблари асосида яратилиши

Драматургларимиз энг аввало улуг сиймолар ижодига бағишлиланган мавзуларда саҳна асар яратиши. Театрларимиздаги ўзгаришлар, хусусан янги саҳна кошоналарининг бунёд бўлиши, эскиларини замон талаблари асосида таъмиглаш ва жиҳозлаш, авлодлар алмашиши. Театр ходимларининг янгиликка интилиши, драматург, режиссёр ва актёрларнинг фаоллиги ва уларнинг бирлиги.

Турли танловлар, ижодий изланишлар, фестиваллар драматургияга ва саҳна санъатига таъсири. Театрлар томошабинларни янги замон руҳида тарбиялайдиган маънавият маскани ролини бажариши, спектакл яратища драматург, режиссёр, композитор, рассом, актёрлар қаторида чироқ устаси ҳам, пардозловчи ҳам, декорация устаси ҳам, тикувчию овоз режиссёри ҳам фаол қатнаша бошлаши, санъат ситези – спектакл.

#### **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

#### **1- МАВЗУ. ДРАМАТУРГИЯДАГИ ЯНГИ ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ**

Режиссура назариясининг пайдо бўлиши. Ҳозирги замон режиссурасининг асосий элементлари. Режиссура билан В.Шекспир, Молер, Волтер каби буюк алломаларнинг изланишлари. И.В. Гёте, Дени Дидро, Ж.Б.Молер, Волтер ва Риккоб, Лессингларнинг режиссура ҳақидаги илмий-амалий изланишлари. Режиссёрнинг мақсади катарсис – томошабинни поклаш.

#### **2-МАВЗУ. САҲНАВИЙ АСАРНИНГ РЕЖИССЁРЛИК ТАҲЛИЛИ**

Драма – юонончада “ҳаракат қилмоқ” маъносини англаради. Драматик асарларда мураккаб ва жиддий конфликтлар асар иштирокчиларининг қизғин кураш жараёнида тасвирланиши. Персонажлар ижобий ва салбий сифатлари.

Бош қаҳрамон илгари суроғтган ғоя халқ орасида афоризм даражасига кўтарилиган фикрларда изоҳланган. Масалан, Ҳамзанинг “Бой ила ҳизматчи”, Горкийнинг “Тубанликда”, Треневнинг “Любов Яровая” ва К.Яшиннинг “Тор-мор” драмалари.

Режиссёр учун песаларнинг уч асосий жанрга бўлиниши: “Гамлет”ни комедия, “Чайка”ни драма жанрида саҳналаштириши.

Ҳозирги замон режиссёrlари талқини. Спектаклда қайси жанр бўёқлари асосий ўринни эгаллаши ва томоша ғоясини очишда фаол қатнашса, шу жанрга оид бадиий шакл яратилади.

Асарнинг бадиий хусусияти, жанрини аниқлаш. Муаллифнинг услубини аниқлаш – персонажлар характерлари ўзига хослигини ва факат асарга хос бўёқларни аниқлашдир. Услуб кенг маънода ёзувчи ижодидаги ғоявий бадиий хусусиятлар бирлиги, тор маънода ифода усулининг бадиий баёнидир.

### **З-МАВЗУ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ДРАМАТУРГИЯСИ ВА РЕЖИССУРАСИ**

Ўзбек театрининг пойдеворини қурган сиймолари Мунаввар қори Абдурашидхонов (1878-1931) ижоди. Истиқлолнинг ilk кунидан бошлаб ўзбек драматургиясида кетма-кет буюк аждодларимиз ҳаёти, фаолиятини ёритувчи пеша ва спектакллар юзага келиши: Соҳибқирон Амир Темур, унинг давлат бошқаришда тутган сиёсати, маънавий дунёсини очишга жазм этиб ёзилган асарлар етакчи ўринга чиқиши. Қашқадарё театри саҳнасида Тўра Мирзонинг «Амир Темур» (реж. Б.Назаров, 1991), шу муаллифнинг Фарғона театри саҳнасида «Амир Темур ва Тўхтамиш» (реж. М.Юсупов, 1996), А.Ориповнинг Миллий академик драма театрида «Соҳибқирон» (реж. О.Салимов, 1996), Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида А.Икромовнинг «Амир Темур» бир пардали операси (1996), шу композиторнинг «Тановар» рақс театрининг бадиий раҳбари Й.Исматова билан ҳамкорликда яратган «Темурий маликалар» хореографик лирик қисса, Аброр Ҳидоятов номидаги драма театри саҳнасида Муртазо Бафоев мусиқаси асосида Б.Йўлдошев, Г.Брим саҳналаштирган «Ипак йўли» пластик спектакл, Сурхондарё театрида Қилич Абдунабиевнинг «Амир Темур ва Йилдирим Боязид» (реж. М.Равшанов, 1995), Жиззах театрида О.Ёқубовнинг «Фотихи Музофар» асарларининг саҳналаштирилиши. Темур ва темурийлар мавзусига эътибор.

Мустақилликнинг йигирма саккиз йиллик қисқа тарихи давомида республика театрлари, шу жумладан, Миллий академик драма театри репертуаридан тарихий мавзудаги асарлар муттасил ўрин олиб келди. Ана шундайлардан бири Й.Муқимов, Ҳ.Расулнинг македониялик Искандарнинг юртимизга бостириб келиши ва унга қарши Спитамен бошлиқ тарихий халқ

қўзғалонини ривоятнамо романтик руҳ билан саҳналаштирилган «Муқаддас Тахтизар» спектакли (реж. А.Исмоилов, 2003) пухтагина режиссёрлик ечими асосида тимсолларнинг жонли ижросида эришилган ютуқлар.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (loyihalар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

SWOT таҳлил:

S – strength (кучли)

W – weakness (зайф)

O – opportunities (имкониятлар)

T – threatens (хатарлар)

Таҳлил қилиш учун 2x2 ўлчамдаги матрица тузилади:

S	W
O	T

*Намуна театрнинг рақобатли SWOT таҳлили*

	Манфаатли омиллар	Манфаатсиз омиллар
<b>Ички мухит омиллари</b>	<b>S – кучли томони.</b> 1. Юқори малакали ходимлардан иборат жамоа. 2. Бошқа санъат муассасалари билан ўрнатилган манфаатли алоқалар. 3. Спектакль саҳналаштиришда инновацион шаклларни кўллаш.	<b>W – зайф томонлари</b> 1. Бошқарув жараёнининг салбий томонлари (сусткашлик). 2. Режиссёrlик мутахассислиги бўйича юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги
<b>Ташқи мухит омиллари</b>	<b>O – имкониятлар.</b> 1. Репертуарлари бўйича театрнинг таниқлилик даражаси. 2. Деярли кучли рақобатнинг мавжуд эмаслиги. 3. Халқаро Фестивалларда қатнашиш имкониятлари.	<b>T – хатарлар.</b> 1. Объектив санъат талабининг пасайиб кетиши. 2. Ички рақобат: мутахассис кадрларнинг бошқа иш жойига ўтиб кетиши. 3. Ташқи рақобат: Кўплаб театр ва студияларнинг мавжудлиги.

## **Хулосалаш (Резюме, Веер) методи.**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустакил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### **Методни амалга ошириш тартиби**

- тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;
- тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисимлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;
- ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;
- Навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу.

### **Намуна:**

Театр аудиториясини сегментлаш					
Саҳнавий ечим бўйича		Актёрлик маҳорати бўйича		Режиссёрик ёндашуви бўйича	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

## “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш Босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-bosқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-bosқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-bosқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил эчим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобилечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-bosқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## **«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади: Ф –фиқрингизни баён этинг, С – унга сабаб кўрсатинг, М – мисол келтиринг, У- умумлаштиринг.

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна**

**Фикр:** “Театр брендини шакллантиришда доимий ташриф буюрувчилар ҳатти харакати таъсир этади”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

## **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катақдаги тұғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мүмкін.

### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

➤ тингловчи машғулотта қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунини ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунланғач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларнинг мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурухли тартибда);
  - тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
  - белгиланган вақт якунига етгач тингловчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиггиради ёки слайд оркали намойиш этади;
  - ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<b>Сценарий</b>	италиянча сўз бўлиб, кинода, телевидениеда театрларда кўйиладиган песалар оммавий томошалар дастури, режаси, сюжет, схемаси. Кириш пайти, чиқиш вазиятидир.	
<b>Жанр</b>	асарда акс эттирилаётган воқеликни ўзига хослиги ва унга нисбатан муаллиф (драматург, бастакор, композитор, рассом ва ҳоказо) муносабатининг характеристики билан шартланган композитсион тизим бирлиги.	
<b>Трагедия</b>	грекча трагос-ечки ва оде- қўшиқ сўзларидан олинган бўлиб, фожеа маъносини англатади. Келиштириб бўлмас кучлар ўртасидаги конфликтга асосланиб, қаҳрамоннинг ўлими ёки кескин мағлубияти билан тугаши.	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

## **Вени Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айланга тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

## **“Блиц-ўйин” методи.**

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнимкамларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларини ўз фикрлари билан гурухдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Түғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «түғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-МАВЗУ. ДРАМАТУРГИЯДАГИ ЯНГИ ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Режа:**

- 1.1. Драматургия томоша санъатининг асосидир.**
- 1.2. Режиссура назариясининг пайдо бўлиши. Режиссёрнинг мақсади катарсис – томошабинни поклаш.**

*Калим сўзлар: драматургия, томоша санъати, театр, режиссура, катарсис.*

#### **1.1.ДРАМАТУРГИЯ ТОМОША САНЪАТИНИНГ АСОСИДИР**

Адабиётшунослар драматурглар яратган ёрқин характерларни таҳлил қилишда жуда катта ва бой тажрибага эга. Л.Н.Толстой ибораси билан айтганда — “характер яратишда бетакрор ҳисобланган Шекспир тўғрисида терандан-теран рисолалар ёзилган. Унинг ижоди ҳақида 11000 жилд ёзилган ва шекспиршунослик деган бутун бошли бир илм соҳаси майдонга келган”. Бу 111 йил аввал айтилган фикр эди. Бугун характер масаласи билан қизиқадиган илм соҳалари кўпайиб кетди. Адабиёт, театр, педагогика, психологиядан сўнг физиология, медитсина, космонавтика, сотсиология, политология каби соҳалар ҳам бу масалага ўз нуқтаи назаридан аниқлик киритишга интилмоқда.

Театр санъатига бағишлиланган илмий рисолаларда характер яратишга бағишлиланган маҳсус тадқиқотлар саноқли. Улар орасида Аристотел “Поетика” асарида бошлаб берган нуқтаи назар қисқа ва лўндалиги билан ҳамон ҳайратга солади. Станиславскийнинг тадқиқотлари “Характер ва характерлилик” номли маҳсус бобда изоҳланган. Беш жилдли “Театр санъати энциклопедияси”да “саҳнавий характер” мавзуси қисқача ёритилган. М.Чехов саҳнавий характер яратишдаги ўз изланишлари ҳақида актёр техникасига бағишлиланган мавзуларда ойдинлик киритган. В.Блок “Станиславский системаси ва драматургия муаммолари” номли тадқиқотида бу мавзуга қисқача тўхталган. Ўзбек тилида X.Муҳаммаднинг “Ссенарийнавислик маҳорати” номли дарслигига ҳам характер яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Лекин бу борада биронта магистрлик ёки докторлик диссертациясини мисол қилиб келтириш қийин. Сабаби аниқ. Долзарб мавзуни ёритиш учун драматург, режиссёр ва актёрнинг ижодий ҳамкорлигига кечадиган жараённи ҳамда саҳна қонун-қоидаларини яхши билиш керак. Бу уч бирлик бир-бирини тўлдиради, бойитади, ижодий ҳамкорликда бадиий шакл топади, уни актёр ижросида шакллантириб ролнинг образи даражасига олиб чиқади. Шунинг учун саҳнавий характер яратиш мавзуси ўзининг илмий тадқиқотисини сабр билан кутмоқда.

Саҳнавий характер яратиш мавзуси санъатшунослик, айниқса, театршунослик фанининг долзарб илмий мавзуси бўлиб қолмоқда. Бу мавзу масаласи очиқ қолганлиги учун, спектаклнинг бадиий яхлитлиги масаласи ҳам ўз тадқиқотчисини кутмоқда. Чунки, актёр яратган ролнинг характери образ даражасига кўтарилилмас экан, спектаклнинг бадиий яхлитлиги тўғрисида фикр айтиш қийин бўлади. Актёр — драматург томонидан асар гоясини очиш учун персонажга берган характерини бадиий образ даражасига олиб чиқолмаса, ёрдамчи воситалар: декорация ва жиҳозлар кераксиздай; мусиқа актёр айбини ёпувчи воситадай; ёки узук-юлуқ жойларни ямаб турган ямоқдай тус олади. Бундай “томушадан” кейин спектаклни “таҳлил” қилиб, оммавий кўрик учун тавсия қилган мутахассисга, айниқса театршуносга тахсинлар айтишдан бошқа илож қолмайди.

Характер яратиш мавзуси Озод Шарафиддиновни ҳам бош масала сифатида безовта қилганлиги сабаб, “Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида” номли таржималари учун танлаб олган муаллифлар мавзусида бу ғоя ёрқин намоён бўлади. Биз улуғ адибларнинг қарашларини театр санъати билан боғладик. Театр аҳлининг, айниқса, ёш тадқиқотчилар нуқтаи назарини шу мавзуга қаратиш мақсадида, улардан айрим фикрларни териб олиб, бир тизимга келтиридик. Чунки токи драматурглар, режиссёrlар, актёрлар ва театршунослар саҳнавий характер яратиш масаласига жиддий ёндошмас эканлар, спектаклнинг бадиий яхлитлиги ҳақида сўз юритиш мушкуллигича қолаверади.

Атоқли Норвегия адиби Даг Сулстад — “романда характер яратиш – моҳиятини ўзаро мустаҳкам боғлаган учта унсур ташкил қиласи. Булар – воқеалар мухити, характерлар ва уларнинг ҳаракатидир”, дейди. Саҳнавий характер яратишда ҳам агар бирон унсур эътиборсиз қолса бадиий яхлитлик пайдо бўлмайди. Агар воқеа мухити пайдо бўлмаса, характерлар маънавий моҳиятини йўқотади, натижада актёрлар ҳаракати мантиқсиздай кўриниб, таъсир кучи сусаяди. Демак, театр санъати билан шуғулланадиганлар саҳна қонун-қоидаларини, унинг имкониятларини бошқалардан кўра кўпроқ ва яхшироқ билмоғи заруратга айланади. Бунинг учун саҳна усталарининг заковати ва таълим даражаси юқори бўлмоғи зарур. Чунки характер доим персонажлар тақдирни билан боғлиқ ҳодиса. Актёр заковати саҳнада содир бўлаётган воқеага аниқлик киритувчи ҳамда персонажлар ҳаракати орқали характерларни зиёлантирувчи омил сифатида намоён бўлади ва ижрова ҳам уч унсур уйғунлиги томошабинни воқеа иштирокчисига айланишига имкон яратади.

Характернинг ҳаётийлиги ҳар қандай асарнинг умрбоқийлигини таъминловчи асосий омилдир, дейди атоқли инглиз адабиётшуноси Жон Голсуорси. Унинг характер яратишга доир фикрларини жамлаб қўйидагича изоҳлаш мумкин. Характер яратишга қодир иқтидор эгаси, ўз ҳаётий тажрибаси жамланган “омбори” — онг остидаги тарқоқ парчаларни

ташқарига олиб чиқиб, уларни алохіда қобилият билан гурухлаштириб, бир бутун қилиб, яхлит феъл-авторга айлантира олади. Онгимиз бу омборда ётган хазинадан жуда чегараланған тарзда ва қатъий танлов асосида фойдаланади. Демак, характер яратиш иқтидори онг остидаги хазинадан түғри ва унумли фойдаланиш қобилиятидир. Бундай иқтидор эгаси ҳаёт уммонидан зўр ғайрат билан, жуда катта қимматга эга бўлган майда-чуйда марваридларни териб олади. Улар орасидан энг зарурларини танлаб олиб бир персонажга жамлаш орқали характер яратишга мұяссар бўлади. Бу характерда ижодкорнинг ўз шахсиятига тегишли ранглар бўлиши мумкин. Ўз ҳаёти билан яшаётган ва тақдири учун курашаётган характерга ижодкор шахсиятига тегишли ранглар қанча кам аралашса, персонажнинг табиийлиги ва ҳаётийлиги шунча ёрқин бўлади.

Характер яратиш жараёнида драматург эркинлигини баъзан қандай тўсиқлар чегаралаб туради? Агар драматург бутун диққатини характер яратишга жамласа, лекин воқеалар тартибини ўз ғоясини очишига мос равища қуриб чиқмаса, характер жанр қоидаларига мос бўлмаса, демак саҳна талаблари бажарилмаган бўлади. Драматургни чегаралаб турадиган яна бир жиҳат — замон ва макон доирасидаги персонажларнинг ҳаракатидир. Бу ҳаракат — воқеа, жанр, характер ва асар ғояси мантиғига хос бўлиши зарур. Энг хавфлиси — “бу характерни ким жонлантира олади”, деган ҳавотир билан персонаж тақдирини чегаралашдир. Натижада, тажрибаси ошган драматург у ёки бу актёрга мўлжаллаб характер яратади. Актёр имкониятини инобатга олиб характер яратиш асарнинг бадиий қимматини чеклаб қўяди. Характер ўз ҳаёти билан яшаб, ёрқин ривожланмайди ва мўлжалга олинган актёр даражасидаги қолипга тушиб қолади. Мўлжалга олинган актёрдан кўчирилган нусхага айланади. Энг ёмони, уни ижро қилаётган актёр ижод қилишдан тўхтаб, ақл, куч-кувват сарф қилмай, аввалги характерларидан нусха кўчиради. Бундан драматург учун бирон наф бордир, лекин актёр учун нима фойдаси борлиги ёки зарари тўғрисида театршунослар лом-лим демайди.

Саҳнавий характер яратиш: актёрнинг янги имкониятларини очадиган; ижодий фаолиятида “портлаш” содир қиласидиган; изланишларида кескин бурилиш ясайдиган; театр санъатидаги энг ёрқин воқеликдир. Характер яратиш бадиий ижоднинг бош масаласи, драматургнинг ҳамда актёрнинг олий мақсади бўлса, унинг зарурати нимадан иборат? деган савол туғилади. Ижодкорлар яратган характерлар: одамзотни фаол ва тўғри яшашга даъват қилмоқ учун; унинг қобилиятларини очмоқ учун; эртанги кунга ишончини рағбатлантирмоқ учун; унга ато этилган ҳаётни тўлақонли идрок этишга кўмаклашмоқ учун; у дуч келадиган тўсиқларни матонат ва заковат билан енгишга ўргатмоқ учун зарур. Драматург ана шундай юксак мақсадларга асосланиб ижод қилса, ўзи яратган характерларда қалбининг энг теран жойларида ардоқлаб юрган бойлиги — фикрини, ғоясини, туйғуларини

ишонч билан актёрлар ижросига ҳавола қилса, сахна ижодкорлари бу персонажларни истаган бадиий шаклда намоён қилишсин. Сахнадаги персонажлар ҳаёти актёрларнинг қалбида, гавдасида, хатти-ҳаракатларида жонлансин ва томошабинлар туйғуларида яшасин.

Характер яратиш масаласига поляк адабиётининг ёрқин намояндаси Ян Парандовский қандай ёндашганлигига назар ташлайлик. У 1951 йилда ёзган “Сўз кимёси” асарида қуидаги фикрларни изоҳлайди. Драматург ёки сценарист деган иборалар кунда қўлланиладиган энг оддий сўзлар қаторидан ўрин олди. Бу сўзлар ёзувчининг энг юқори ижодий чўққига эришган – муаллиф, деган фахрли унвон даражасига кўтарилганлиги белгиси эканлигини унутдик шекилли. Муаллиф деган унвонга — ўз асарлари билан ҳалқнинг маънавий бойлигини кўпайтирган, ҳалқ учун гўзаллик бобида янги худудларни очишга эришган ёзувчиларгина тақдирланишга муносиб бўлишган. Сўнгги авлодлар унинг маъносини торайтириб, инглиз тилидан олинган “тўқима яратувчи” даражасига тушириб қўйди. Аслида лотинчада “аукстор” сўзи “аудеге” феълидан келиб чиқади ва бирор нарсанинг микдорини кўпайтиromoқ, оширмоқ деган маънони билдиради.

Ижоднинг бирон турида драматургиядагидек инсон типлари – характерлар ва қасб-хунарларнинг хилма-хиллиги кўринмайди. Уларда – худоларнинг ердаги вакиллари, авлиёлар, қироллар, бизга ўхшаганлар, тубан одамлар, жамиятдаги барча табақа вакиллари ўз характерига эга ҳолда бирон воқеада иштирок этиши мумкин. Улар драматург яратган персонажлар бўлиб, ижодкор режасига асосан шаклланган хаёлот дунёсининг маҳсулидир. Драматург ўзининг қувончини, кўнгил ёлқинларини, газабини, ташвишларини, орзу-умидларини, бебаҳо туйғуларини, улуғвор фикрларини асардаги персонажлар характерига мос равишда, мақсадга мувофиқ тақсимлайди. Уни ром қилган ғоя – персонажлари характери ва ҳаракатида намоён бўлади ҳамда жамият манфаатларига хизмат қилишга даъват қилиб туради. Драматургнинг пухта ўйлаган режаси персонажларни ўз жанрига хос шаклдаги бадиий ечим сари етаклайди. Асар ғояси томошабинга айтмаса бўлмайдиган заруратга айланади. Бу зарурат эвазига характерлар кучли таъсир этиш кудратига эга бўлади.

Мутафаккирни бундай фикрга келишига Л.Н.Толстойнинг 1903 йилда ёзилган “Шекспир ва драма тўғрисида” номли танқидий мақоласидаги қуидаги фикрлари туртки бўлгандир. “...ҳамма театрларни тўлдириб ташлаган, кўнглига драматик асар ёзиш хоҳиши келиб қолган ҳар қандай одам томонидан қаторасига ёзib ташланаётган асарлар машҳур бўлмоқда... Драманинг аҳамиятини юзаки тушуниш оқибатида майдонга келаётган асарларда тасвирланган хатти-ҳаракатлар, вазиятлар, характерлар ички мазмундан маҳрум. Санъатнинг муҳим соҳаси бўлмиш драма бизнинг давримизга келиб, бачканга ва маънавиятсиз овомнинг эрмаги бўлиб қолди. Бундай тубан кетища энг сўнгги нуқтага етиб борган драма санъатига, унга

мос бўлмаган юксак қиммат ҳамон ёпиштирилмоқда. Драматурглар, актёрлар, режиссёrlар ва театрлар ҳақида жуда жиддий қиёфада ҳисоботлар босаётган матбуот –буларнинг ҳаммаси алланечук, муҳим ва ҳурматга сазовор иш қилаётганига тугал ишончлари комил”, дейди улуғ ёзувчи.

Буюк ёзувчини театрлар диний мавзулардан воз кечиб, ижтимоий масалаларига берилиб кетгани ташвишга солади. Буни унинг қуийдаги фикрларидан англаш мумкин. Инсоннинг маънавий қиёфаси ва маданий онгини мукаммаллаштиришда турли фаолият қирралари қатнашади. Бу фаолият қирраларидан бири санъатdir. Санъатнинг қисмларидан бири драма бўлиб, эҳтимолки, у бошқалари орасида энг таъсирчанидир. Драма бадиий яхлит шаклдаги улуғ ғоялари билан инсоннинг руҳий ва маънавий камолига хизмат қилсин. Кўнглида одамларга айтадиган гапи бор кимсагина — инсоннинг худога, дунёга, жамики мангу ва худудсиз абадий нарсаларга муносабати тўғрисида муҳим гап айта олсагина драма ёзмоғи мумкин. Бундай инсоннинг зийрак назар билан тўқиб чиқарган воқеалар тизимидағи ва ундаги иштирокчилар характеристидаги ҳаққонийлик руҳиятимизга ҳукмронлик қилсин.

Афлотун йўқлиқдан борлиқقا ўтишни яратадиган, янгилик туғиладиган жараённи — ижод деб атаган. Демак ижодкор, борлиқни яратганинг яратгани каби шаклу-шамойили нусхасига ўхшаган уйғунликни — иккинчи табиатни пайдо қиласи. Шундай экан, ҳар бир санъат асари дунёнинг яхлитлигини тасдиқловчи манифестdir, дейди замонимизда “Қалб фотографияси” мақоласи билан машҳур бўлган Александр Генис. Унинг фикрича, — “ёзаман” деб ният қилинган китоб шарга ўхшаган бир нарса бўлади, ёзилгани эса чизғичдай яхлитdir. У қабариқ бир ниятнинг, бағоят ноёб қалбнинг икки ўлчамлик заруриятиdir. Адабиётнинг ривожланиш манбаида театр ётади. Чунки театр илк бор инсон шаҳсиятини ҳар хил ролларга, ниқобларга, қўғирчоқларга ва характеристларга ажратиб ифодалашга имкон берди. Биз бу муқаддас даргоҳни фикрлар ва туйғуларни тўқиб чиқарадиганларга, уни томошага айлантирадиганларга ишониб топшириб қўйганмиз. Улар яхши ғояларни ва сара туйғуларни ифодалайди.

Поэзия — юончада ясамоқ, яратмоқ тушунчасини англатадиган фаолият билан драматурглар шуғуллана бошлади. Улар ўз даврининг донишмандлари эди. Донишманднинг вазифаси, — деб уқтиради Конфусий, — ташқи нарсалар орқали ички нарсани билишдир. Ташқи ва ички нарсанинг уйғунлиги эса драматург яратган характеристларда ёрқин намоён бўлади.

Узок умр кўрадиган характеристлар аллақачон йўргакдан чиқкан ва ўз яратувчиларидан халос бўлиб ҳам улгурган. Ёзувчининг бу дунёда одамларга кўнгилхушлик бахш этишдан бошқа ҳам бирон вазифаси бўлса, у характерист яратиб инсонларни ўйлашга ва ҳис қилишга мажбур қилсин, дейди Жон Голсуорси. Ёрқин характеристга эга персонажлар узок умр кўриб, авлоддан авлодга мерос бўлиб келмоқда. Улар — эдип, Медея, Отелло, Гамлет, Лир,

Хлестаков, Катерина, Васса Железнева, Навоий, Улугбек, Бобур, Лайли ва Мажнун, Фарход ва Ширин, Отабек ва Кумуш, Тошболта, Ўткурий, Қўчқор, Аломат, Мўмин, Фармон биби, Сулаймон ота каби ўнлаб саҳна асарлари қаҳрамонлариdir. Узоқ умр кўриб келаётган персонажлар: индивидуал характерли; ўз тақдири учун курашадиган — юкли; кўп қиррали; ҳаракатлари мақсадли; фикрлари салмоқли; етакчи хатти-ҳаракатлари ёрқин бўлишини қобилиятли драматурглар англаб етди.

Драматург томонидан персонажларга берилган ташвиш — юкнинг аҳамияти тўғрисида Станиславский шундай дейди — “Бирон муаммони ҳал қилишга бел боғлаган персонажнинг руҳий юки, вужудини қамраб олган ташвиши бўлмаса, актёрлар аниқ вазифани бажариш ўрнига, бўшлиқни тўлдирадиган “ўйин” билан банд бўлади. Улар саҳнадан чиқиб кейинги кўринишда пайдо бўлгунга қадар, кулис ортида ҳам ўз “ўйин”ларини давом эттирадилар. Дарди, ташвиши бор — юкли характерларни ижро қилаётган актёрлар руҳияти кулис ортида ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо билан банд бўлади. Чунки, ҳар бир характернинг ўз ҳаёт тарзи, режаси, ҳал қилиши лозим бўлган ташвиши бор.

Асар қаҳрамонлари кескин шароитга тушиб қолсаларгина, шу муҳитдаги ҳаракат уларнинг ички моҳиятини — характерини юзага чиқаради. Кескин шароитдаги тўқнашувда персонаж қайси нуқтаи назарни ҳимоя қиласи — умуминсоний ғояними ёки бузғунчи фикрими, шунга қараб томошабин уни ижобий ёки салбий характер деб қабул қиласи. Бу курашда “буғун мен голиб бўламанми”, деган ташвиш ҳар икки характерни талқин қилаётган актёрга аниқ вазифаларни ҳал қилиш мақсади билан яшашга замин яратади. Бу ташвиш персонажларни спектакл якунигача, яъни ечимга қадар тарқ этмайди. Уларнинг ўй-хаёли, вужуди, туйғулари саҳнада ҳам, кулисда ҳам шу масалани ҳал қилиш билан банд бўлади. Тўқнашув диалектик равищда, курашнинг кескинлашиб бориши эвазига шиддатли тус олмаса, характерлар интилиши ривожини томошабин ҳис қилмаса, томоша тезда зерикарли бўлиб қолади. Демак, характернинг бадиий яхлитлиги, ролнинг ўз ечимига мантиқан ва изчил интилишига замин яратади.

Шундай песалар борки, улар ўзларидаги персонажларнинг характери билан шуҳрат топган. Бунга энг аввал ШЕКспир асарларини мисол қилиб кўрсатиш зарур. Шекспирга хос фазилатлар орасида энг улуғи, унинг бекиёс даражада тилни билиш маҳоратидир. У аввало шоир — у характер ярата бошлагунга қадар ҳам шоир эди. Шекспир саҳнанинг талабларини амалий жиҳатдан актёр, драматург ва режиссёр сифатида билмагандан бундай ёрқин характерлар ярата олмасди.

Шекспирнинг “Гамлет”ида юқорида кўрсатилган умумий жиҳатлар мавжудлиги учун уни ижро қилган актёрлар муваффақиятсизликка учрамаган. Улар баъзан трагедия даражасига кўтариilmай, драмага айланиб қолган бўлса ҳам, ҳаттоқи, ҳаваскорлар ижроси ҳам томошабинларда яхши

таассурот қолдирган. Сабаби, Гамлетда моҳирона яратилған индивидуал харәктер бор. Бу харәктер ҳар қандай даражадаги актёрнинг маҳоратини бир поғона ўстиради. Бунинг сабабини мутахассислар таъкидлаганидек, агар Шекспир актёр бўлмаганида, саҳна амалиётини яхши билмаганида, театр учун харәктер муҳим аҳамият касб этишини англаб етмаганида, ўз персонажларига бу қадар ёрқин индивидуаллик бағишлий олмасди. У ўзи ёзган асарларини ўзи саҳналаштириш жараёнида хар бир персонаж харәктерини янада такомиллаштириб, образ даражасига кўтара олмаган бўларди.

Юқоридагиларни умумлаштириб шундай хулосага келиш мумкин. Агар муаллифлар ўз маҳорат ва хафсалаларини харәктер яратишга сафарбар қилиб, персонажларнинг фикрларини, туйғуларини, иштиёқларини, ожизлик ва фазилатларини намоён қилиш учун уларнинг “ичак-чавоқларини ағдар-тўнтар қилиб кўрсатмаганларида”, уларда индивидуал харәктер бўлмаганида, бу ҳаракат фақат ёзувчиларнинг ўзигагина қизиқарли бўлиб қолаверарди.

Харәктер яратиш масласига ойдинлик киритмоқчи бўлган алломаларнинг фикрларини жамлаб, уларни илк бор бу муаммога илмий ёндашган Аристотел қарашлари билан таққосласак, мавзунинг нақадар долзарблигини ва асрлар давомида муҳим бўлиб келаётганини янада чуқурроқ ҳис этишимиз мумкин. “Поэзия” — яратиш маъносини англатса, “Поетика”нинг муаллифи — “яратиш қонун-қоидалари” деган маънони қамраб олишини назарда тутган бўлса, ажаб эмас. Агар шу нуқтаи назардан “Поетика”га ёндашсак, унинг моҳияти ёрқинроқ намоён бўлади ва муаллиф мақсадини англашга кўмаклашади. Аристотел атиги 44 саҳифалик “Поетика” асарида трагедия инсоният яратган барча томоша турлари ичida энг мукаммали эканлигини исботлайди. Агар Гомердан кейин ҳеч ким, ҳеч нарса ёзмаганда ҳам, одамлар адабиётнинг руҳий кучини, сўзининг қудратини, қаҳрамонлик нималигини бир умрга англаб ўтарди. Лекин одамлар ижод қилишда давом этиб-хорни, мимни, pointamimni, дифирамбни, комедия, драма ва трагедияни яратди. Аллома томоша турларининг, ҳатто санъат соҳаларининг барчаси таъсир қилиш ёки ҳайратга солиш билан якунланишини ва фақат трагедиягина ҳайратдан юқорироқ бўлган босқич — ларзага солиш қудратига эга эканлигини англаб етди ҳамда ўз фикрини назарий асослай олди.

Трагедия муҳим ва тугал воқеадир. У яхлитликка эга бўлиши учун олти унсурдан иборат бўлиши шарт. Улар — фикр (фоя), фабула, харәктер, сўз (тил), томошавийлик ва мусиқийликдир. Биз харәктер мавзусига тўхталишдан аввал трагедияни ташкил қилувчи унсурлар бир-бирига узвий боғлиқ эканлигига қисқача тўхталамиз. Демак, муаллиф ўз фоясини ифодалаш учун фикр (фоя)ни томошага айлантирувчи фабулани, яъни воқеалар тизимини қуриб чиқиши лозим. Чунки, муаллифнинг таъкидлашича воқеанинг ўзи томошадир. Воқеалар тизими, яъни фабула асар фоясини очиб

тугал ва муҳим томошага айланади. Ҳар қандай воқеада инсонлар иштирок этади ва улар ўз характерига эга бўлади. Муаллиф танлаб олган воқеалар тизимида ўз характерига эга персонажлар иштирок этади. Улар характери асар ғоясига мос, воқеалар тизимига хос бўлиши лозим. Бу персонажлар ўз фикрларини ва мақсадини сўз (тил) орқали изоҳлайдилар. Уларнинг сўzlари ҳам асар ғоясини очишга хизмат қиласи ва воқеага мос ҳамда характерга хос бўлиши шарт. Воқеаларни саҳнада ифодалаш мумкин бўлсин ва уларнинг ишонарли ҳамда ҳаётйлиги асарнинг томошавийлигини таъминласин. Мусиқийлик деганда — ҳар бир воқеанинг ўзига хос муҳити, темпи, ритми бўлиши, шунингдек, воқеага хос сўз (тил)нинг ҳам оҳангি, темпи, ритми каби тушунчалар томошанинг мусиқийлигини таъминлайди. Томоша турлари ўзига хос ифодали ҳаракатлар орқали –характерларни, эҳтиросларни ва воқеаларни қайта жонлантиради. Драматурглар эса муҳим ва тугал воқеада муайян шахсларни тасвирлайдилар. Тасвирланган шахслар — яхши ёки ёмон одамлар бўлиши мумкин. Негаки одамлар характеридаги иллатлари ёки яхши фазилатлари жиҳатидан фарқланади. Трагедияда — биздан яхшироқ, драмада — биздек, комедияда — ҳозирги вақтда яшаётганлардан ёмонроқ кишилар тасвирланади. Бу жараёнда энг муҳими акс эттириувчи персонажларнинг характери қайта гавдалантирилишидир. Бундаги уч тафовут — нимани, нима билан, қандай тасвирлаш муҳим аҳамият касб этади.

Аристотел характерни даставвал иккига ажратади. Биринчиси, шоир яъни драматургнинг инсоний характери. Ижодкор ўз характеридан келиб чиқиб трагедия, драма ёки комедия ёзиши мумкин. Иккинчиси, у яратган асардаги персонажлар ўз характерига эга бўлиши ва улар трагедияда яхши, драмада биз каби, комедияда эса персонажларни масхаралаб эмас, балки кулгули нарсага бадиий пардоз бериб, бизга нисбатан тубанроқ кишилар ифодаланишидир.

Трагедия тарихан таниқли шахсларнинг қилмиши тасвири бўлиб, бу қилмиш муайян характер ва фикрлар тарзига эга бўлган қаҳрамонлар томонидан амалга оширилади. Ўз фикрига ва характерига эга фаол шахслар ўз ҳаракати билан муваффақиятга ёки муваффақиятсизликка учрайди. Баҳт ёки баҳтсизлик инсон характери билан боғлиқ ҳаракат орқали содир бўлади ва бу қилмиш дейилади. Характер персонажларга фазилат баҳш этади. Фазилатли инсон бирон қилмиши билан воқеада иштирок этади ва баҳтли ёки баҳтсиз бўлади. Характерлар воқеада иштирок этаётган персонажларнинг мақсадли ҳаракати орқали намоён бўлади. Трагедия воқеасиз яшай олмайди. Чунки унинг қалби — воқеа, воқеада иштирок этувчилар ўз характерига эга ҳолда бу “қалбда”, яъни воқеа ичида яшайди.

Характер — инсон майлида ниманидир намоён бўлиши, ниманидир афзал деб билиши ёки ёқтираслигидир. Асадаги қаҳрамон ниманидир маъқуллаши ёки ёқтираслиги аниқ ифодаланмаса, унинг нутқида характери гавдаланмайди. Характер яратишда тўртта мақсад кўзда тутилиши лозим.

Қаҳрамон аввалло, олижаноб бўлиши керак. Агар у қандайдир мақсадга интилса, характерга эга бўлади. Яхши мақсадларни кўзлаган одам олижаноб характерга эга бўлади. Қолаверса, характерларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиши керак. Сўнгра, характерлар ҳаётий ва ҳаққоний бўлиши лозим. Шунингдек, характерлар ўзига хос изчилликка эга бўлиши талаб қилинади. Улардаги изчилликни доимо заруратдан ёки эҳтимоллардан излаш лозим. Яъни кимдир, қайсиdir характератни зарурат туфайли ёки эҳтимолда тутилганидек бажарсагина характер ечимга эга бўлади. Характерларда мантиққа зид ҳеч нарса бўлмаслиги керак. Одамларнинг ўзига хос хусусиятларини тасвирлашда энг яхши намуналардан ўрнак олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Гомер ўз асари бошидан бошлаб қаҳрамонларининг характерини оча бошлайди. У ҳар бир персонажни ўзига хос характер билан кўрсатади ва ҳеч кимни характерсиз тасвирламайди. Ҳаракат суст, характерлар ва фикрлар ўткир бўлмаган қисмларда тилга (сўзга) алоҳида сайқал берилиши керак. Ҳаддан ташқари ялтироқ сўзлар характерларни ва фикрларни хиралаштиришини унутманг.

Санъат асари ҳаётдаги нусхадан кўра аълороқ бўлиши зарур. Чунки унда мақсад ва ғояни очишга интилиш бор. Санъатда қўпинча ғайритабиий нарсаларнинг юз бериши табиийдир. Сабаби, у тафаккур яратган маҳсулдир. Демак, характер яратувчига билдириладиган эътиrozлар тўрт хил бўлади. Улар:

- муҳим бўлмаган нарсани тасвирлагани учун;
- ақлга зид нарсани тасвирлагани учун;
- ўз фикрига зид нарсани тасвирлагани учун;
- санъат қоидаларига зид ҳолда тасвирлагани учун, каби эътиrozлардан иборат.

Драматурглар персонажлар характерини ёрқинроқ ифодалашда бадиий воситалардан бири бўлган ташқи белгилардан ҳам фойдаланади. Масалан, ташқи кўринишдаги бирон нуқсон, чандиқ ёки хол, ҳеч кимда йўқ исм ёки анжоми каби белгиларни бошқалар таниб қолиши кўзда тутилади. Бундай ўзига хослик характер моҳиятини белгиламайди. Драматург бундай ташқи белгилар ёрдами билан персонажнинг мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишига ёрдам беради.

Яхши ёзилган трагедия театрга муҳтоҷ эмас, у ўқувчини ўз мукаммаллиги билан ларзага солиб, руҳан ва маънан поклай олади. Агар трагедия саҳналаштирилиб — иқтидорли актёрлар ижроси, мусиқа ва театр жиҳозлари билан бойитилса, одамлар жуда катта лаззат оладилар. Булар Аристотелнинг назарий қарашлари эди.

Енди саҳнавий характер яратиш амалиётига қисқача тўхталсак. Драматург асари адабиётшунослар дуосини олгандан сўнг, нашрга ёки театрга саҳналаштириш учун тавсия қилинади. У режиссёр ёки изланишдаги актёрнинг эътиборига тушади. Мана шу муҳим жараёндан асарнинг иккинчи

ҳаёти –саҳнавий амалиёти бошланади, яъни бўлгуси спектаклнинг режаси пайдо бўлади. Бу ҳодиса театр санъатида воқеликка айланиши ёки навбатдаги тадбир сифатида эътироф этилиши мумкин. Ҳаваскорлик ёндашуви натижасида навбатдаги ўртахол, характерсиз томоша пайдо бўлади ёки профессионал ёндашув натижасида миллатнинг маънавий, маданий ва бадиий мулкига айланадиган спектакл туғилади.

Станиславский сахнавий характер яратиш борасида бир қатор амалий тавсиялар берган. У аввало, характернинг мағзини (зерно) ташкил қилувчи жиҳатни бирон ҳайвон феълига қиёслашни маслаҳат беради. Масалан — тулкидай айёрлигини, буқаламун (хамелион)дай ўзгариб туришини, қуёндай кўрқонлигини, чўчқадай очопатлигини, маймундек серҳаракатлигини, шердай ботирлигини, итдай вафодорлигини аниқлаш актёрнинг характер устида ишлашига ойдинлик киритишини таъкидлайди. Шунингдек, персонажнинг ташқи кўринишини, гавдасини қандай тутиши, қадам ташлаши, кийиниши, диди ҳақида ҳам ўйлаб кўриш ижодий изланишни тезлатишини уқтиради. Характерликнинг яна бир жиҳати персонажнинг касби-кори билан боғлиқ ҳатти-харакатларни ўзлаштириш ҳам характерни англашга қўмаклашади. Персонажнинг фикрлаш тарзи ҳамда сўзлаш усули ҳақида ўйлаб кўриш лозимлигини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Шамсиддин Дунасарийнинг “Одамни билиш илми” рисоласида инсоннинг танаси ва бадан аъзолари ҳаракатига, юзининг тузилиши ва рангига, нафас олиши, овози, кўринишига қараб унинг кимлигини аниқлаш мумкинлигини айтади. “Ташқи белгилар ҳақида” бобида одамларнинг хулқатвори ҳайвонлар турларига қиёслаб ўрганилади.

Сахнавий амалиётга ҳам тўхталган Аристотел “Поетика” якунида трагедияни баъзан танқидга учрашига актёрлар ижроси сабаб бўлишини ҳам изоҳлайди. Агар ижрочилар, яъни актёрлар томошабин тушунмай қолади деб:

- ўзларидан бирон нарса қўшмаса;
- bemaza актёрларга ўхшаб мумкин қадар кўп ҳаракат қилишмаса;
- масҳарабозларга хос имо-ишоралар, қиликлар қўшишмаса, трагедия доим юқори мавқега эга бўлиб қолади. Демак, бу танқидлар драматургга эмас, балки актёрлик санъатига дахлдор. Амалиётда ўз вазифаларини тўғри бажармаётган, характер яратолмайдиган иқтидорсиз актёрларнинг ҳаракатини инкор этиш керак, дейди Аристотел.

Кечинма санъати талабларига жавоб берадиган ижодкорлик туйғусини тўғри тарбиялаш ҳамда персонажлар характерини ўзлаштириш жараёни тажрибада синаб кўрилди. Характер таҳлили персонаж тўғрисида уч босқичли маълумот жамлашдан бошланади ва у қуидаги тартибда бажарилади. Биринчиси, муаллифнинг персонажларга берган тарифи — жинси, ёши, касби, яшаётган муҳити ҳақидаги маълумотлар песадан ва унинг ремаркаларидан териб олинади. Иккинчиси, персонаж ҳақида бошқалар

томонидан билдирилган фикр, таъриф ва изоҳлар териб ёзилади. Учинчиси, персонаж ўзи-ўзи ҳақида айтган ўй-фикрлар, монологлар териб кўчирилади. Жамланган материал асосида персонажга характеристика ёзилади. Бу характеристикада у нимани ёқтириши, ёқтираслиги, мақсади, нимадан кўркиши, нима учун курашаётганлиги, бу курашда устун ва заиф томонлари аниқланади. Энг муҳими муаллиф ўз гоясини очиш учун бу персонажга нима учун шундай характер бергани англаб етилади. Шундан сўнг воқеалар тартибида, яъни картина-картина персонажининг бажарадиган вазифалари, мақсадга мувофиқ хатти-харакатлари белгиланади. Сўнгра ролнинг интилиши (перспектива), тугун, ривож, авж, кескин бурилиш (перипетия) жойи ва ечими аниқланади.

Алломаларнинг характер масаласидаги фикрларидан қуйидаги хulosага келиш мумкин. Асарнинг мазмуни қанчалик салмоқли ва одамлар ҳёти учун муҳим бўлса персонажлар характеристи шу қадар юксак бўлади. Демак, характеристлар ўзига хос бадиий шаклга эга бўлиши учун: воқеалар тизими; персонажлар феъл-авторига мос сўз (тил); табиий ва таъсиран тугун; воқеалар ривожи; авж ва мантикий ечимга эгалиги эътиборда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Жонли ҳиссиёт орқали персонажлар туйғуларини ифодалаб, тасвирланаётган воқеа ва ғояга мос характер яратибина муваффақиятга эришиш мумкин. Саҳнавий характер яратишдек машақатли ва мураккаб жараёнга театр аҳлини, ёш драматурглар, режиссёрлар, актёрлар ҳамда театршунослар диққатини қарата олсак мақсадимизга эришган бўламиз. Чунки спектаклнинг бадиий яхлитлигига ва томоша гоясини ифодаланишида актёрлар талқин қилган характерлар муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, миллий драматургия тарихини таҳлилий ўрганиш, улуғлар яратган характерларни театрлар қандай талқин қилганлиги хусусида тадқиқотлар олиб бориш ҳақида ўйлаб кўриш заруратга айланди. Ёш ижодкорлар учун амалий қўлланма сифатида ўзбек драматургларининг сара асарлари тўпламини нашр қилиш ўзбек саҳна санъатини янги бадиий босқичларга кўтарилишига замин яратади.

Актёрлар саҳна фуқаросига айланиб, характер яратиш борасидаги ўз бурчларини адо этмасалар, бу масала баҳс-мунозараларга айланиб бораверади. Чунки, уларнинг характер яратишга эътиборсизлиги саҳнада, дубляжда, сериалларда, кино ва телевиденияда, ҳатто клип ёки рекламада ҳам тобора ошкор бўлиб бормоқда.

Саҳнавий характер яратишнинг назарий ва амалий жиҳатларини машаққат билан ўзлаштирган актёрлар ўз ролларини образ даражасига олиб чиқа оладилар ва бадиий яхлит спектакллар яратилишига ўз ҳиссаларини кўшиб, уларни миллатнинг маънавий ва маданий мулкига айлантирадилар.

### **1.3. Режиссура назариясининг пайдо бўлиши. Режиссёрнинг мақсади катарсис- томошабинни поклаш**

Ҳозирги замон режиссурасининг асосий талаблари илк театрчилик ҳаракати билан бир вақтда вужудга келган. Қадимда театр ташкилотчилари, томошани бошқарувчилар, спектакл муаллифлари – драматургларнинг ўзлари бўлган. Кейинчалик драматургия ва актёrlик санъати ҳамда режиссура билан Шекспир, Молер, Волтер, Бернард Шоу каби буюк алломалар шуғулланганлар. Жумладан, улуғ немис шоири ва драматурги И.В.Гёте театр санъати назарияси ривожига катта ҳисса қўшган. Д.Дидронинг “Актёр касби парадокси”, Ж.Б.Молернинг “Версал экспроми”, Волтер ва Риккобннинг “Хатлар”и, И.В.Гётенинг “Вилгельм Мейстер”, Лессингнинг “Гамбург драматургияси” каби қатор асарлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу мутафаккирлар ўз асарларида театр санъатини қандай йўллар билан ривожлантириш муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама муҳокама этиш билан бир қаторда, режиссура санъати аҳамиятини ҳам атрофлича баён этиб кетганлар.

ХIX асрнинг охирларигача режиссёр вазифасини кўпинча драматургларнинг ўзлари, ёки тажрибали актёrlар, саҳна қонунларини унчамунча билган ижодкор кишилар бажариб келган. Улар репетитсияни ташкил этиш, ижодий интизомни кузатиш билан бир қаторда, ўз тажрибаларидан келиб чиқиб саҳна тизими, мантиқий ечими ва манзараларини, профессионал таъбир билан айтганда, мизансаҳналарни ҳам ҳал қилишган. Бу даврларда драма — махсус саҳна истилоҳи сифатида, “акт” – ҳаракат, яъни персонажлар интилишининг бошланиши, ривожи, авж ва перипетия орқали ечимга келиши жараёнидаги хатти-ҳаракатлар мажмуини, бадий яхлитликни англатган.

Драматургияни бадий яхлит томошага айлантириш борасида мустаҳкам билимга эга бўлган мутахассислар кам бўлган. Нихоят, XX аср бошларига келиб саҳнага Европада – Кронек, Рейнхардт, Антуан, Руссияда – Ленский, Станиславский, Немирович-Данченко каби режиссёрлар кириб келиши театрчилик ҳаракати ва саҳна санъатида катта бурилиш ясади. Булардан сўнг Москва шаҳрида ижод қилган Вахтангов, Меерхолд, Таиров каби улуғ алломалар режиссура касбини юксак санъат даражасига кўтардилар.

Германиядаги Герсог Майненген труппасига раҳбарлик қилган Людвиг Кронек театр санъатида янги бир йўл яратди. У режиссёр сифатида факат ташкилотчи бўлиб қолмай, спектаклнинг таркибий қисми бўлган саҳна безаги, декоратсия, либос ва бутафориялардан кенг ҳамда ўринли фойдаланди, саҳнавий ансамбл масаласига катта эътибор берди. Театр тарихида “Майненгенчилар” деб ном олган бу машхур театр жамоаси, ўз труппасида атоқли актёrlари бўлмаса ҳам, бадий баркамол спектакллари

билан томошабинларни лол қолдира олди. Бунинг асосий боиси – спектаклларни мустаҳкам актёрлар ансамбли ижро қилгани ва персонажларнинг томоша жараёнида яқдил бўлиб жипслашганлигига эди. Улар яратган “Мария Стюарт”, “Шейлок”, “Орлеан қизи”, “Вилгелм Телл”, “Қароқчилар”, “Гамлет”, “Қийик қизнинг қуиши”, “Ромео ва Жулетта”, “Қонли тўй” каби бир қатор машҳур спектаклларда тарихий ва бадиий ҳақиқатлар юксак маҳорат билан акс эттирилган бўлиб, айниқса, саҳна безаклари, либослар, бутафориялар, тарихий жойлар ифодаси, миллий урф-одатлар шу қадар аниқ ва бадиий тасвирланганлиги ҳайратга соларди.

Людвиг Кронек (1837-1891) – машҳур немис актёри ва режиссёри, Майненген театрининг директори, бошқарувчиси эди. Унинг интилишида театр санъатида – ансамбл истилохи ўзига хос мустасно мазмунга эга бўлди. Ансамбл – спектакл ижро чилиарининг бир-бирини чуқур тушуниб, бир-бириниң фикру мулоҳазаларини самимилик билан қабул қилиб, ишнинг умумий манфаати йўлида бир ёқадан бош чиқариб ижод қилишини англатади. Бундай ижодий жамоа “бош қаҳрамон”, “машҳур актёр” тушунчаларидан воз кечиб – спектакл учун ҳамма бирдай жавобгар деган ақидага амал қиласди. Шунинг учун мустаҳкам ансамбл ижодий манфаатларнинг асосий қалитларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, труппа – тушунчалиси ҳам театр санъатида жамоа бирлигини англатди ва “театр жамоаси”, “театр труппаси” каби истилоҳлар билан ёнмаён ишлатилади. Профессионал режиссура бу давр учун улкан янгиликлардан бири эди. Саҳнадаги ҳақиқий қулф-қалитлар, улкан дарвозаларнинг очилиб-ёпилгандаги шовқини, ҳаракатларнинг мусиқа билан ҳамоҳанглиги томошбинларга алоҳида бир ҳаяжонли рух баҳш этса, жанговар жисмлар – қилич, қалқон ва найзалар томошабин қалбини ҳаяжонга солиб, жанговарлик ва қаҳрамонлик туйғуларини берарди. Спектаклдаги тарихий аниқлик, ҳаётий ашёларнинг бўрттириб кўрсатилиши, тарихий-етнографик ҳақиқатни саҳнавий бадиий ҳақиқатга айлантира олиши режиссуранинг қудратини намоён қиласди. Кронек ва унинг театр кашф этган инқилобий воситалар ёрдамида саҳнада жонли характерлар яратилди, давр руҳини бунёд этган пеша муҳити – атмосфераси топилди, спектаклнинг ҳиссий нафаси ва нафосати кашф қилинди. Бу – театр санъати тарихида чикакам интеллектуал бурилиш – бадиий кашфиёт эди. Шунинг учун Кронекнинг профессионал режиссураси чуқур ўрганиш зарур бўлган ва ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган муҳим манба бўлиб қолади.

Майненгенчилар, театр тарихида биринчилардан бўлиб оммавий саҳналарни яратиш асоси ва йўналишини бадиий кашф этди. Бугина эмас, Людвиг Кронек саҳналарни воқеалар силсиласига ажратиш, уларнинг бир-бирига хос мазмуний ва талқиний изчиллигини топиш, ҳатто ҳар бир воқеага хос пластика, грим, ритм ва шовқин излаш, талқиний ифодаларни яратиш каби масалаларга ҳам катта эътибор бериб, режиссурани профессионал

юксаклик даражасига қўтарди. Кронек режиссурасининг буюклигини улуг реформатор Станиславский алоҳида эътироф этган. Унинг таъбири билан айтганда – Кронек машхур артистларнинг ёрдамисиз, фақат режиссёрлик воситалари ёрдами билан буюк драматургларнинг ниятларини бадий ифодалашга қодир эди. ”Орлеан қизи”даги қуидаги режиссёрлик талқинига аҳамият беринг – нимжон, ожиз, довдираған Қирол катта тахтда ўтирибди. Унинг озғин оёқлари осилиб, ерга тегмаяпти. Тахт теварагида хижолат тортган ва бор кучи билан Қирол обрўсини сақламоқчи бўлган сарой аҳллари туришибди. Қирол давлати емирилаётган шундай вазиятда – хушбичим, довюрак ва ҳаддан ташқари сурбет инглиз элчилари кириб келишади. Голибларнинг таҳқирлашини ва баландпарвоз сўзларини совуққонлик билан тинглаш мумкин эмас. Элчилар бояқиши Қирол, шаънига номуносиб, камситадиган фармон берганда, фармонини бажаришга шайланган мулозим, одоб қоидаларига риоя қилиб, таъзим бажо келтирмоқчи бўлади. Лекин таъзим қилаётib тўхтаб қолади, ерга қараб қўзига ёш оладида, одоб қоидасини унутиб, ҳамманинг олдида йиғлаб юбормаслик учун, югуриб чиқиб кетади.

Мулозим билан бирга томоша зали ҳам йиғлайди, режиссёр ўйлаб топган воқеа – содир бўлган даврнинг моҳиятини очиб, томошабинда катта таассурот қолдиради. Модомики шундоқ экан, бўлажак режиссёрнинг энг муҳим вазифаларидан бири буюк кашфиётчи режиссёр Людвиг Кронек ижодини мукаммал ўзлаштириб, унинг оқу-корасини ажратиб олишликдан иборатдир. Чунки Кронек режиссураси К.С.Станиславский ижоди шаклланишида янги, муҳим бир давр бўлиб ҳизмат қилган эди.

Людвиг Кронек театрда ижрочилар ансамблини вужудга келтирилиши, труппанинг ҳамма аъзолари спектакл яратиш жараёнида фаол қатнашишлари зарур эканлигининг исботи эди. Режиссёр барча актёрларни пеша билан чуқур танишиб чиқишига, уни идрок этишига, песада қўтарилиган муаммолар талқинига ўз муносабатларини аниқлаб ва таъкидлаб олишга мажбур этарди. У труппа актёрларини барча репетитсияларда ўтиришга мажбур қиласи ва шу йўл билан жамаовий ижод жараёнида ҳамфирлилик нечоғли муҳим эканлигини таъкидларди. Бундан ташқари у репетитсияларда спектакл учун зарур бўлган мавзуларда маъruzалар ўқир, машхур олимлар билан учрашувлар ташкил этар ва ҳар бир актёрнинг ақлий, ҳиссий ва психологик жиҳатдан ролни чуқур идрок этишига катта аҳамият берарди.

Кронек асосан жаҳон классик драматургиясига мурожаат этар ва Шекспир, Шиллер, Гёте асарларини ҳар бир драматургнинг ўзига хос бўлган спектаклининг ритмини топишида ҳамда режиссуранинг бошқа барча элементлари билан боғлиқлигини таъмишлашда ҳам намуна эди. Аниқроғи, спектакл темпо-ритмига маҳсус эътибор бериб, уни онгли равишида томошанинг жабҳаси сифатида эътироф этилиши ҳам Кронекнинг кашфиётларидандир. Ана шундай қатор-қатор кашфиётлар эгаси ва

истедодли режиссёр эканлиги туфайли, мақтовлар эвазига у труппанинг якка ҳокимиға айланди. Режиссёр театрнинг бадиий хукмрони бўлиши зарур эканини исботлашга ҳаракат қилди.

Мейненгенчиларнинг Европа ва Россияга қилган гастроллари эса театр оламида мутлақо янги оқим, профессионал режиссура пайдо этилганлигини намойиш қилди ва театр санъати оламида ўзига хос ўзгариш ясади. Ғарбий Европадаги мейненгенчилар таъсирида Германияда яна бир режиссёр – Макс Рейнхардт, Англияда – Гордон Крег, Франсияда – Андре Антуанлар театр санъатини янада юқори босқичларга кўтарди. Бу режиссёrlар театр санъатида ўз даври унинг кашфиётчилари эдилар. Улар Кронекнинг натурализмга берилиб кетган талқин услубига қапши чиқдилар. Маълумки, мейненгенчилар театри ва Кронек режисурасида майший, натуралистик ҳақиқатларга катта ўрин берилган бўлиб, актёрларнинг ижодий мустақиллиги поймол этилар, улар режиссёр чизиб берган чизикдан чиқишига ҳаққи йўқ эди. Станиславский таъкидлаганидек – “режиссёр кўп нарсанинг уddасидан чиқса ҳам, якка ҳоким эмас, асосий иш актёрлар қўлида, режиссёrlар уларга ёрдам бериши, йўл-йўриқ кўрсатиши керак, Кронек эса актёрларга даҳшат солиб турар, унинг актёрлари ўз ижодий имкониятларини кўрсата олмас эди”, дейди.

Макс Рейнхардт (1873-1943) – ўзининг изланишлари билан энг аввало, актёр устидан режиссёrlарнинг хукмронлигига, якка ҳоким зулмига қарши ўт очди. У кўп театрларда актёр ва режиссёр сифатида фаолият кўрсатиб келган. Театрчилик соҳасида катта билим ва тажрибага эга бўлган бу немис театр санъати арбоби ҳамда режиссёри ўз ижодида актёрлик маҳорати ва саҳна нутқи маданиятини юксалтиришга жуда катта аҳамият берди. Унинг ўз тадбирича, актёр – бу шоир, бунёдкор шахс бўлиб, у театрдаги асосий ижодкор сиймодир. Шунинг учун ҳам у майший натурализм, сохта декламатсия, ёлғондакам актёрлик ўйинларига қарши чиқиб, театрда актёрлик санъати хукмронлигига эришди. У театрга – театрни, саҳнанинг, ҳақиқий эгаси бўлган актёрни, унинг маҳоратини, фантастикасини, пластикасини олиб кирди.

Рейнхардт саҳна воқеалари талқини хусусида катта изланиш ва экспериментлар йўлидан бориб, турли услуг ҳамда ритмларни қўллаши, айниқса, оммавий саҳналарнинг ритмик ранг-баранглиги ва уларнинг ўзаро мустаҳкам алоқадорлиги, спектаклда мусиқа, шовқин, нур жилоларига катта мавқеъ ажратди. У спектакл безакларида саҳнанинг тўрт девори – рамкаси қонуниятини бузиб, табиат манзаралари, халқ сайиллари ва карнавалларининг кенг қамровли, ифодали намуналарини яратди.

Макс Рейнхардт театрида – актёрлик маҳоратига, унинг тинимсиз ривожланишига, бадиий имкониятларнинг узлуксиз тарбияланиб боришига жуда кенг йўл очди. Натижада, унинг тарбиясида жаҳон театри тарихида ёрқин ижодий излар қолдирган – Г.Ейзолдт, А.Моисей, А.Вассерман,

В.Краус, э.Яннинг каби машхур немис актёрлари етишиб чиқди. Режиссёр-педагог Рейнхардт бу актёрлардан виртуоз – олий даражали маҳорат, пластика, жест – қўлларнинг ифодали ҳаракати, пантомима, рақс, акробатика талаб қиласиди ва саҳна ижодкорлари ана шундай юксак профессионал маҳорат эгаси бўлишига интиларди.

Саҳнада актёрларнинг bemalol ҳаракат қилишлари учун Рейнхардт бадиий безак – декоратсияларга ҳам талай янгиликлар киритди. Баҳайбат тахта, темир конструкцияли декоратсиялар ўрнига юмшоқ матога чизилган гўзал ва ифодавий манзаралар, турли рангдаги проJECTорлар орқали нурли ифодалар бунёд этишга асосий эътиборини қаратди. Буларнинг барчаси, ифодали ва ғоят ўринли қўлланиладиган музика ҳамда поэзиялар билан биргалиқда ғоят таъсирчан, бадиий баркамол атмосферани пайдо қиласиди. Шунинг учун ҳам унинг режиссураси жаҳондаги илғор театрлар ҳаракати орасида намунавий даражага кўтирилди.

Рейнхардт режиссурасининг назарий-амалий аҳамияти, ўз даврига хос ибратли хусусиятларидан яна бири, унинг репертуар сиёсати билан боғлик. Гап шундаки, у жаҳон драматургияси хазинасидаги энг сара дурдоналарни топа олди ва уларни профессионал даражада саҳналаштириди. Жумладан, у катта зафарлар билан саҳналаштирган асарлар орасида буюк Вилям Шекспирнинг бир қатор песалари, Гёте, эсхил, Софокл, Еврипид, Аристофан асарлари, шунингдек, Л.Толстой, М.Горкий, А.Чехов драмалари мавжуд эди.

Бироқ эффектли режиссёрлик топилмаларига берилиб кетган Макс Рейнхардт, ўзининг кейинги изланишларида музика ва шовқинга, нур ҳамда рангларга ўралишиб қолиб, воқеаларни келтириб чиқарувчи туб масалаларни унутиб қўйди. Натижада, унинг спектаклларида шаклга эътибор, томошавийлик кучайиб, асар мазмунидаги хатолар яққол кўзга ташланиб қолди. Шунинг учун ҳам улуғ рус режиссёри Н.Горчаков – Рейнхардтдаги ана шу адашиш босқичини, “режиссурадаги формалистик бир давр”, деб атади. Шунга қарамай, Макс Рейнхардт изланишлари профессионал режиссура санъатининг энг ёрқин, ибратли ва кашфиётларга бой, муҳим бир даврини ташкил этади.

Англиялик режиссёр, рассом, актёр ва театр назариётчиси Гордон Крег (1872-1954) режиссура оламида ўзига хос ёрқин из қолдирган ибратли воқеликлардан бири ҳисобланади. Гап шундаки, катта тажриба мактабини ўтаб, баркамол режиссёр даражасига эришган Гордон Крег саҳнада реалистик талқин услубига қарши ўт очди ва “соф санъат” назариясини олға сурди. Унинг ижодий тажрибалари ҳақида, жумладан, К.С.Станиславский қуидагиларни ёзади – “Крег билан танишиб, илиқ сухбат қиласиди, гўё ўзимни у билан анчадан бери танишдек ҳис этдим. У ўзининг севган асосий принциплари, ҳаракат санъатидаги изланишлари ҳақида ҳаяжон билан гапиради. Крег янги спектаклнинг эскизларини менга кўрсатди: улар

аллақандай чизиқлар; олдинга интилган булатлар; учётган тошлар бир-бирига қўшилиб, шиддат билан баландга интилишни вужудга келтирадар эди. Булар келажакда, ҳали бизга маълум бўлмаган аллақандай янги санъатнинг руёбга келишига ишонч ҳосил қиласди”.

Крэгнинг фикрича, ҳар қандай санъат асари жонсиз материаллардан – тошдан, мармардан, бронздан, полотнодан, қоғоз ва бошқалардан ишланиб, абадий равишда бадиий формага солинган бўлиши керак. У шу фикрига таяниб, жонли актёрларнинг доим ўзгариб турувчи танаси (гавдаси) саҳна учун ярамайди, дерди. Айниқса, чиройли актрисалардаги ноз-карашмаларни жуда ёмон кўрарди. “Аёллар театрни ҳалок қиласди”, дерди у.

Рассомдан чиққан режиссёр бўлгани учун актёрларсиз, қўғирчоқлар ва ниқоблар ўйнайдиган театрни орзу қиласди. Шунга қарамай, у Салвини, Дузе, Ермолова, Шаляпин, Москвин, Качалов каби талантлари барқ ураётган актёрлар ижросини кўрганида бутунлай ўзини йўқотиб қўяр, болалардек сакраб, ўрнидан туриб, югуриб саҳна олдига бориб, уларни самимий табриклар эди. Унинг ижодий табиатидаги ана шу зиддият амалий ишлари жараённида кўпинча ҳалакит берарди. Тасаввуридаги барча қарама-қаршиликлардан қатъий назар, у актёр театри учун эмас, балки режиссёр театри учун курашувчи ижодкор эди.

Станиславскийнинг эслашича, Гордон Крэг баланд қоматли, оппоқ соchlари патила-патила бўлиб силкиниб турувчи, гўзал бир шахс эди. Шу билан бирга, у ҳар қандай актёрга ўз ҳукмини қатъий ўтказувчи, уларни худди жонсиз қўғирчоқдек истаган жойидан олиб, истаган жойга қўювчи диктатор режиссёр эди.

Маълумки, Крэг Москвада саҳналаштирган “Гамлет” спектаклида К.С.Станиславский, Л.А.Сулержирский ва Қ.А.Маржанов (Маржанашвили)лар унга ёрдамчи бўлиб ҳизмат қилганлар. Шунинг учун, Крэгнинг “Гамлет” спектакли талқини устидаги изланишлари ҳакидаги Станиславскийнинг эсдаликлари қимматлидир. Жумладан, ўша жараённи тасвирлаб айтадики, “Крэг ихтиёрига берилган репетитсия хоналаридан бирида, саҳнанинг – макети қурилди. Инглиз режиссёрининг кўрсатмаларига биноан бу макет – саҳнага электр чироқлари ва постановка учун зарур бўлган мосламалар ўрнатилди. Крэг саҳнага чиққанда театрчилик аналаридан воз кечиб, турли тузилишдаги ишлатилиши қулай бўлган кўчма пардаларга – ширмаларга мурожаат қилди. Улар архитектура формаларига – бурчаклар, токчалар, кўча ва жин кўчалар, заллар, кафеларга айланиб, бўлғуси спектакл кўринишларига ишора қиласди.

Кўчма пардалар билан нималар қилиниши кераклигини Крэг ҳали белгилаб чиқмаган эди. Рассом – режиссёр тош, металл, ишловсиз ёғоч, пўқак материаллар, металлар билан ишлашга, жуда бўлмаганда, дағал бўз ишлатишга ҳам рози эди, аммо картон ишлатишга мутлақо қарши бўлган. Крэг фабрикада ва қўлда ишланган ясама буюмларни ёқтирасди. Биз учун

күчма пардалардан яхшиси йўқ эди. Улар табиий, кўзни қамаштирумайди, у ёқдан, бу ёққа кўчиришга қулай, бундан ташқари, бу усул архитектура жиҳатидан тасвирий имкониятларга эга бўлганлигидан, уни ҳар хил ёритганда ранг-баранг шуълаларнинг ўйини вужудга келарди. Нихоят, пардалар янгича шакл олгач, қаердандир шуълалар тушиб, улардаги нақшларни жонлантириб юборди, томошабин эса рассом томонидан ишораларда ифода этилган узоқ бир маконга тушиб қолгандек бўлди.

Гордон Крегнинг режиссёр-рассом ва режиссёр-саҳналаштирувчи сифатида амалга оширган антиқа ижодий кашфиётлари ҳамма давр ва ҳамма замон режиссёrlари учун улуғ бир мактаб бўла олади. Айниқса, унинг оддий, йилтироқ қоғозларни матога ёпиштириб, уни турли рангдаги прожектор нурлари орқали жилолантириши ва сехрли ранглар оламини ташкил этиши ёки рангларнинг актёрлар либоси, мизансаҳнаси ҳолатига мутаносиблиги орқали чукур рамзий маъноларни ифода эта олиш санъати чинакам ибрат мактабидир. Бошқача айтганда, Станиславский каби жаҳон театри тарихида катта бурилиш ясаган реформатор учун ҳамда ёш режиссёrlар учун ҳам катта сабоқ мактаби бўлган. Крег ижодини чукур ўрганмасдан туриб профессионал режиссёрлик даъвосини қилиш дилетантликдан бошқа нарса эмас.

Рейнхардт ва Крег XX асрнинг бошларида профессионал режиссура – театр санъатининг асосларидан бири ва энг муҳим ижодий кучи эканлигини исботлаб, спектакл яратиш борасида, саҳна асарининг ғоявий мазмунини очишда бу куч ҳиссаси ғоят улкан эканлигини ўз ижодлари асосида намойиш этдилар. Станиславский ўша даврлардаёқ икрор бўлганидек, режиссура – театр санъатини чукур фикр ва мазмун манбаига айлантирган, театрнинг жамият олдидаги вазифаларини аниқланган, спектаклнинг ғоявий мазмунини чукурлаштирган санъат эди. Режиссурага – актёрларнинг бадиий савияси ва маданиятини профессионаллик даражасига кўтариш учун интилган бир қатор санъаткорлар кириб келди. Улар Франсияда – Антуан, Россияда – Станиславский, Немирович-Данченко ҳамда Вахтанговлардир. Бу улуғ санъаткорлар театр оламига турли йўллар, турли тақдир ва турли мактаб оқимлари орқали кириб келган бўлсалар ҳам, умумий бир муштарак ижодий хусусиятлари билан тизимли яхлит бадиий йўналишни ташкил этадилар. Улар саҳна асарининг ғоявий мазмунини талқин этишда, режиссёр топилмаларини намоён қилишда, асосий ижодий қудрат эгаси – актёр ҳазрати олийлари эканлигини эътироф этишди ва саҳналаштиришни санъат деб билишди.

Театрнинг асосий мақсадини актёрлик санъати орқали рўёбга чиқариш тизимини чукйп илдиз отишига профессионал режиссура сабаб бўлди. Режиссурунинг ижтимоий аҳамиятга эгалигини тан олиш билан ютуқларга эришиш мумкинлигини амалиёт исботлади. Рус театри тарихи ва режиссураси, хусусан, ҳозирги кун тушунчамиздаги профессионал режиссура

хусусида фикр юритиладиган бўлса, Станиславскийгача бўлган босқичларда Малий театрнинг актёри ва режиссёри А.П.Ленскийнинг (асли исми – Вервитсиотти 1847-1908) номини зикр этишга тўғри келади. У узоқ йиллар давомида актёр бўлиб театрда фаолият кўрсатиб – Гамлет, Отелло, Бенедикт, Петруччо, Дон Жуан, Уриел Акоста, Чатский, профессор Кругосветлов ва А.Н.Островский песаларидағи деярли барча етакчи образларни яратиб, шуҳрат қозонида қайнаб чиқкан эди. Бу санъаткор – ўз актёрлик фаолиятида ёлғондакам декламатсия ва натурализмга қарши бўлган саҳна ҳақиқати, яъни бадиий ҳақиқат учун курашди. Шу жиҳатдан унинг назарий, амалий ва педагогик илми Станиславский системасига муайян асос бўлди. А.П.Ленский режиссёрнинг вазифаси, фақат муаллиф воқеалари тизимини ва ремаркасини – у киради, чапга ўтади ёки стулга ўтириб йиғлай бошлайди кабиларни актёрларга бажартиришгина эмас, балки ижодкорлар ансамблини ташкил этишдир, дейди. Саҳнада берилган шарт-шароитларда етарли тарзда, тўғри яшашга эришиш шарт эканлигини таъкидлайди. Афсуски, жуда кўп обектив ва субектив сабаблар, баъзан буйруқбозлик орқали план топшириш каби, дилетантона ва аҳмоқона амру фармонлардан келиб чиқувчи зиддиятлар туфайли, у ўзининг қатор-қатор реформаторлик ғояларини амалга ошира олмади. Шунга қарамай, у режиссура ва умуман театрчилик ҳаракатида реалистик мактабнинг асосчиларидан бири сифатида қолади.

Буюк франсуз режиссёри, актёри ва театр реформатори Андре Антуан (1858-1943) фаолияти ҳам бўлажак профессионал режиссёр учун катта мактабдир. У театрда катта тажриба мактабини ўтаб, саҳна сирларининг оқу қорасини актёр сифатида ўз вужудида синаб кўргач, режиссёр сифатида дадил реформаларни амалга ошира бошлади. Жумладан, ўша давр франсуз театр репертуарида “одат” бўлган мелодрамалар ва мешчанлик драматургиясига қарши ўт очиб, буюк файласуф эмил Золя ва унинг муҳитидаги драматургияни, аникрофи, “натурализм”ни, ҳозирги давр тушунчасида – ҳаётий ҳақиқатни барча дарду аламлари билан таҳлил эта бошлиши жуда катта инқилоб эди. Унинг томошаларида одат тусига кириб қолган “қаҳрамон”, ”ошиқ”, “маъшук” каби спектакллардан-спектаклларга кўчиб юрувчи персонажлар эмас, балки оддий дехқонлар, майда буржуа ва ишчилар синфи саҳнага чиқа бошлади.

Спектаклларнинг актёрлик талқини масаласида Андре Антуан замонасида одат тусига кириб қолган шартли декламатсия услубига қапши – саҳнавий, ҳаётийликни олға сурди. У ролларни одатга айланган қолиплар талабида талқин этиш ўрнига, персонажларнинг психологик дунёсини очиш, оддий мақсад учун курашиш руҳида тарбиялади. Оммавий саҳналар талқинида эса шунчаки саҳнани тўлдириш учун чиқариладиган “статистлар”дан бутунлай воз кечди ва саҳнада пайдо бўлувчи ҳар бир кишининг “автобиографияси”, ўз вазифаси ва муайян мақсади очилиши масаласига катта эътибор берди. Шунингдек, у ҳар бир спектакл учун

декоратсия тайёрланиши, махсус либослар тикилиши орқали саҳнада ҳақиқий ҳаётни акс эттирилишига эришди.

Андре Антуан ўз даврининг улуғ мутафаккирларидан бири тарзида – театр репертуари жаҳоннинг илғор драматургиясига асосланиши зарурлигини таъкидлади. Жумладан, Ибсен, Тургенев, Гауптман, Бриё, Ансе, Гюго каби алломалар асарларига алоҳида эътибор берди. Бу ҳаракатларнинг аксариятида бош қаҳрамонлар ролини ўзи ижро этиб, саҳнада натуралистик образ яратишнинг юксак намуналарини кўрсатади. Бу мисоллар бўлажак режиссёрнинг келажакда санъат оламида ўз йўлини, ўзининг “овози”ни топиб олиш учун даъватдир. Андре театр билетларининг нархини арzonлаштириш, саҳна санъатидан камбағал меҳнаткашлар оммаси ҳам баҳраманд бўлиши зарур эканлиги масаласини ўртага қўйиб, баҳоли қудрат буни ижобий ҳал этди, бу тажриба ҳам ибратлидир.

Европа саҳна санъати тажрибаларидан таъсирланиб рус театрода улкан реформа ўтказган санъаткор – актёр, режиссёр, педагог ва театр назариётчиси Константин Сергеевич Станиславский ўз фаолиятини ҳаваскорлик саҳнасидан бошлади. У биринчи роллари ва спектаклларини уйида, 14 ёшида бошлади. Кейинчлик Москвадаги “Адабиёт ва санъат” иттифоқида давом эттириди. Бўлажак буюк санъаткорнинг ilk роли ва тажрибалари ўша замон театрчилик анъаналаридан, гастролга келган чет эл труппаларининг спектакллари таъсиридан келиб чиқсан. Албатта, Станиславскийнинг ижодий услуги шаклланиши жараёнида мейненгенчилар театрининг таъсири катта бўлди. Унинг ижодида театр санъатининг бунёдкорлик қудратига бўлган ишончи, актёрлар ва режиссёрлар учун аҳамиятга эга бўлган вазифаларни таҳлилий ҳал қилиш масаласи етакчилик қилди. Ана шу масалалар кейинчалик унинг бутун ҳаётий ва ижодий йўлининг бош мезони бўлди. В.И.Немирович–Данченко каби улуғ сафдоши билан 1898 йилда тил топишиши оламга МХТ – Москва бадиий театри каби даргоҳ барпо этилишига олиб келди. Бу театр масалалари асосини икки муҳим омил ташкил этди. Биринчиси, театр санъатида халқ ва замон ҳаёти акс эттирилиши, иккинчиси, театр жамият тараққиётига ҳизмат қилиши зарур, деган ақида эди. Булар икки ижодкорнинг принциплари эди. Бу мураккаб муаммоларни амалга ошириш учун янгича театр, янгича тарбияланган актёрлар ва уларнинг бошини қовуштириб турадиган янгича дунёқарашли раҳбар, ғоявий йўлбошли – режиссёр ҳазрати олийлари талаб қилинарди. Мана шу принципларга асосланган МХАТ – Москва Бадиий Академик театри улуғ ижодкорлар Станиславский ва Немирович–Данченко раҳнамолигида 40 йил мобайнида, изланишда фаолият юритади ва бир неча муҳим босқичларни бошидан кечиради. Изланишлар натижасида янги услуг – актёрлик мактаби, режиссёрлик ва бадиий талқин талаблари каби кашфиётлар дунёга келди ҳамда профессионал театрчилик ҳаракатида “Станиславский системаси” номи билан машхур бўлган тизим яратилди.

Станиславский ўз изланишларида барча илғор фикрли санъат арбблари – актёрлар, режиссёrlар, рассомлар, композиторлар, директорлар, труппа раҳбарлари, продюссерлар, саҳна ҳамда нур усталари каби маҳсус малакали мутахассисларнинг ютуқларидан кенг фойдаланди ва уларнинг ижодий тамойиллари ҳамда инқирозларидан зарурий хулосалар чиқарди. У театр санъатида жаҳон маданияти учун муштарак аҳамиятга эга бўлган муҳим муаммоларни ҳал этиб берди, ҳал этилмай қолганларини эса кейинги авлод вакилларига вазифа қилиб қолдирди. Д.И.Менделеевнинг кимёвий элементлар жадвали кейинги олимлар томонидан тўлдирилиб боргани, Мирзо Улугбекнинг “Зижи кўрагоний” тизими бутун дунё олимлари томонидан тан олиниб, янги кашфиётлар билан бойитилиб борилаётгани каби Станиславский системасида ишора қилинган, аммо ҳал этилмай қолган кўпгина саҳнавий талқин муаммолари кейинги давр мутафаккир актёрлари, режиссёrlари, драматург ва рассомлари, санъат арбблари томонидан бойитилиб ижобий ҳал этилди ва ҳал этилмоқда.

Таъкидланганидек, Станиславский театр санъатининг билимдони сифатида ҳаётнинг барча жабҳаларини чуқур билгани туфайлигина ўз системасининг қонунийлигини исбот эта олди. Унга ўзга санъат арббларини ишонтириб, изланишларини амалга оширишда атрофига маслакдошлари ва шогирдларини жамлаб, уларни илҳомлантириди. Унинг шогирдлари – режиссёrlар Е.Вахтангов, В.Меерхолд, драматург А.Чехов ва бошқалар, ўзларнинг ранг-баранг фикрлари билан Станиславский системаси мазмунини оширидилар ва ривожлантиридилар, янги қирраларини очдилар.

МХАТ студиясида таълим олаётган ёшлар тарбиясига раҳбарлик қилиш топширилгандан сўнг Е.Б.Вахтангов, “система” бўйича машғулотлар олиб борган. У система талабларидан чиқмаган ҳолда, уни ривожлантириб, янги саҳна шаклларини ахтара бошлади. Натижада, муаллифнинг услубидан, песанинг жанридан келиб чиқиб, буларга мос актёрнинг ижро услубини, спектаклнинг янги шаклини, ифода воситасини топиш ва бу билан спектаклнинг бадиий қимматини ошириш, муаллиф фикрини ҳамда режиссёр топилмасини бугунги кун талаблари билан боғлай олиш орқали бадиий яхлит, таъсири томошалар яратишга эришди. Вахтангов театр санъатининг моҳиятини улуғлаб, спектаклнинг ғоявийлигига, образларнинг тиниқлигига, саҳнавий ҳақиқатга интилиб, майшийликка, штампларга, қарши курашди.

Вахтанговнинг шогирди Б.Е.Захава, – “устоз саҳнавий ҳақиқатга интилиб, саҳнада жонли ҳаёт барпо қиласади”, деб ёзади. Бунинг учун театрдан ҳар қандай шартлиликни хайдаш, актёрлардан фақат ҳаётий ҳақиқатни ва театр ифода воситалари билан бадиий ҳақиқатни барпо қилиш талаб этиларди. Вахтанговнинг саҳнавий реализм ҳақидаги фикрларини ўқувчилари бундай эслайдилар – “Реализм – ҳаётдан ҳамма нарсани ола бермай, фақат ғояни очишга хизмат қиласиганини танлаб олади, керакли

воқеани яратиши учун ундан фойдаланади ва шартли ифода воситалари ёрдамида, ҳаётин белгилар, күрганлари асосида ҳақиқий ҳис-туйғу яратади.

Театр ҳақиқатини Вахтангов қуйидагича тушунади – театрда ҳаётнинг айнан ўзи акс эттирилмайди, уни биз учун мұхим бўлган бирор ғояни очиб берадиган томони, худди ҳаётдагидек таъсирли, ишончли намоён қилинади. Театр ифода воситалари билан яратилган таъсирли буёқлар, бадиий шакл, ёрдамида иккинчи реаллик – бадиий ҳақиқат яратилади. Ана бу санъатдир. Бундай бадиий ҳақиқат томошабин онги ва қалбида чукур из қолдиради.

Театр, аввалом бор, бу томоша, у қизиқарли, чиройли ва сирли бўлмоғи керак. Театр томошаси – томошабин кўз олдида яратилган янги ҳаёт, янги ҳақиқат, театр ҳақиқати, образлар дунёси. Характерлар дунёси ва спектакл шуниси билан ҳаётдагидан фарқ қиласи. Шундай қилиб, ҳаёт ҳақиқати ва саҳна ҳақиқати алоҳида тушунча, бадиий ҳақиқат бу – театр, драматург, актёрлар, ва режиссёр ғояси ифодасидир.

Немирович-Данченко саҳна реализмининг актёр ижросидаги асосий манбаларини, туб асосларини амалда ва назарияда кўп тадқиқ қиласи режиссёр эди. У театр санъатига анча барвакт қадам қўйган ва драматургияда, адабиётшуносликда, педагогикада фаолият юритиб, танилиб улгурган эди. Унинг песалари Россиянииг кўп театрларида саҳналаштирилган бўлиб, баъзи бирларини муаллифнииг ўзи саҳнага қўйган эди. Кейинчалик эса Немирович-Данченко фақат педагогика билан шуғулланиб, Москвадаги филармония билим юртида актёрларни ўқитган. Икки ижодкорнинг учрашувидан кейин ташкил топган МХТ театрида Немирович-Данченко бадиий раҳбарлик килди ва у тарбиялаган катор актёрлар ушбу театрнинг асосини ташкил этди. Немирович-Данченко режиссурага адабийлик ва эмотсионаллик, сотсиал-ғоявийлик бунёд қилишда уч асос, уч ҳақиқат бор, деган тушунчани олиб кирди. Улар – сотсиал, ҳаётини театр ҳақиқатидир. Фақат шу уч ҳақиқат орқали саҳнанинг бадиий санъати юксалади, деган эди назариётчи.

Немирович-Данченко театр санъатига машҳур режиссёр сифатида А.П.Чеховнинг “Чайка” спектакли билан кириб келди ва театр реформатори сифатида танилди. “Чайка” спектакли рус театр тарихида янги оқим, янги драматург, янги актёрлик ижросини, янги режиссуруни барпо этди. Бу спектакл – ижро усули, саҳна атмосфераси, ифодавий саҳна безаги ва режиссураси билан томошабинларни ҳамда саҳна билимдонларини лол қолдириди. Спектаклдаги агмосфера, актёрларнинг рухияти, бадиий шакл ва ҳаётийлик кутилмаган ҳодиса эди. Чехов дунёсини тўғри тушуниш ҳамда унга мос саҳна ифодасини ва актёрлик ижросини топиш – бу гениал режиссёрикдан нишона эди. У режиссурада барча театр шартлиликларидан ўз ўрнида фойдаланиб, асар рухини, инсон психологиясини, замон кайфиятини ва драматург фикрини ёрқин ифода эта олди.

Саҳна асарига асосланган томошада “ғоявийсизлик” илгари сурилишини ёки бўлишини Немирович-Данченко кўз олдига ҳам келтира

олмаган. Спектаклнинг яхлитлигини, унинг бадий қимматини фақат гоявийликгина вужудга келтиради. Бу фикрларни у Россия учун энг оғир йилларда ҳам театр санъатининг асоси деб билди ва шунинг учун курашди.

1905 йилдаги тўнтариш мағлубиятидан кейин тазиқ кучайиши ва рус зиёлилари орасидаги тушкунликни сезган Немирович-Данченко, МХАТ театри артистларига қарата – “Бизнинг театр дунёдаги энг ажойиб театр. Бизнинг ишимиз янада юксалиши учун ғоямизнинг мустаҳкамлиги, чуқурлиги барча майда-чуйдаларни бартараф этади, руҳимизни тетик қиласди ва артистларимиз ижодини юксакликка олиб чиқади”, деган эди.

Ижтимоий ҳаётдаги кескин ўзгаришлар ва унинг таъсирида ижтимоий онгнинг тез ўсиши театрда ҳозиржавобликни тақозо этарди. Буни жуда яхши сезган Немирович-Данченко халқнинг ташвишларидан, илғор фикрдаги томошабин талабидан, ҳаётдан орқада қолмаслик учун курашди. Театрнинг баъзи репертуарлари, унинг эстетик принциплари талабига жавоб беролмас эди. “Тўнтариш бизнинг санъатга бўлган муносабатларимизни ўзгартирди, уни кучли ва мардонавор қилди, – деб ёзади Данченко, – МХАТ ҳар доим ўз фикрлари билан томошабин онгини сугориб келган эди ва шундай бўлиб қолиши керак. Энди театр репертуарини йирик ижтимоий-сиёсий муаммолар ва ғоялар ташкил этиши керак. Янги бадий шаклларга илғор фикр керак. Демак, ғоя бадий асарнинг қон-қонига, унинг баданига табиий равишда сингиб кетган бўлиши керак, деган эди.

Актёрларга эса ўз қаҳрамонининг табиий ҳис-туйғуларини қандай ўзлаштиришни, унинг ўзига хос хусусиятларини топишни ва мантиқий хатти-ҳаракат асосларини боғлай билишни тушунтиради. Шу билан бирга актёрлар фақат песада берилган шарт-шароитдан келиб чиқиб рол мантиғидаги органик хатти-ҳаракат билангина олға боришдан ташқари, актёр-инсон, шахс сифатида шу образга, ўз муносабатини, муаллиф ва режиссёр муносабатларини ҳам мужассамлаштиришини талаб қилган. Шундагина давр нафаси, муаллиф ғояси, режиссёр режаси, актёрнинг эмотсионал муносабати орқали образнинг негизи намоён бўлади.

“Талқин”, “ролининг мағзи – уруғ”, “иккинчи план”, деган атамалар Немирович-Данченко томонидан театр истилоҳларига киритилди. Унинг режиссураси асосини чуқур аналитик реализм, ўз принципларига содиқлик, ҳар хил оқимларга эргашавермаслик ташкил этади. У ўзи топган, амалиётда исботланган далиллардан четга чиқмай, шу йўлни чуқурлаштиради, янги ифода воситаларни ва методларни ахтарди. Шунинг учун унинг ишлари ҳар доим асосланган, чуқур текширилган ва меёрига етказилган бўларди. Айниқса, актёрлар билан шошмай ишлар, эринмай ўргатар ва уларнинг янги янги қирраларини очар эди.

Муаллиф ғоясига жуда содиқ бўлган ҳолда, асарни чуқур таҳлил қилас, унинг янги қирраларини очар ва синчковлик билан репертуар танлар эди. Театр санъатига А.Чехов, Л.Толстой, М.Горкий, М.Достоевский каби

драматургларнинг асарини олиб кириб, улар ёрдамида Москвин, Качалов, Книппер-Чехов, Тарханов, Леонидов каби буюк актёрларни рўёбга чиқарди. Пушкин, Грибоедов, Гогол, Шекспир, Ибсен каби муалифлар ҳам забардаст драматург эканликларини исботлади.

Немирович-Данченко ўзининг сахнавий реализими, бадиийлиги, гоявийлиги сахнавий кайфияти, подтекст, актёр темпераменти, уч ҳақиқат, режиссёр бурчининг уч қирраси ҳақидаги фикрлари асосида актёрларнинг янги авлодини тарбиялади. Театрнинг инсон онгини тарбиялаш ҳақидаги фикрлари билан актёр маҳоратини оширди.

Профессионал режиссура санъати ривожланишига муҳим ҳисса қўшганлардан яна бири В.Меерхолддир. Бу буюк режиссёр томонидан кашф қилингай янги принциплари қўйидагича. У шу дамгача томошабиндан парда билан яшириб келинган сахна ичкарисини дадиллик билан очиб ташлади. Унинг театрида парда йўқ, сахна билан томоша зали бир-бирига бирлашган, бутун бинони ташкил этади. Актёр бу бинонинг тўридаги кўчма сахнада ўйнайди. Қоронғуликдан шуъла, нур фақат актёрга туширилади ва у доим томошабиннинг дикқат марказида туради. Меерхолд ўз постановкаларида актёр ва режиссёрга ҳамиша халақит бериб келган сахна пештоқини ўзгартиришга муваффақ бўлди ва бу услугга ўз дикқатини жалб қилишга ҳаракат қилди.

Актёрлик техникаси соҳасида қўлга киритган ютуқлари ҳам ҳайратда қолдиради. Унинг театрида серқира, ижодкор актёрнинг майдонга келгани шубҳасиз, лекин у ҳали том маъно билан улуғ актёр эмасди. Меерхолд – актёри – муаллақчи, ашулачи, раққос, декламатсиячи, акробат, конферанс, сиёсий ташкилотчи ва серқирра ижрочи эди холос.

Бундай актёрнинг қўлидан ҳамма иш келади – у кўшиқ айтади, декламатсия қиласи, фортепиано ёки скрипка ҳам чалаверади, рол ўйнайди, фокстротга танса тушади, муаллақ ошади, оёғини тикка қилиб қўлларида юраради, трагедияда ҳам, водевилда ҳам ўйнай олади. Табиийки, бу нарсаларни у мутахассисдек эмас, ҳаваскордек бажаради, чунки масхарабоз ундан яхшироқ муаллақ ошади, рақсларни ижро этувчи ҳам ундан яхшироқ бажаради, ёки профессионал пианиночи ёхуд скрипкачи актёрлардан кўра яхшироқ чалади.

Натижада, режиссёр актёрларнинг қадди-қоматини ҳар тарафлама созлашга, театрга жуда зарур бўлган гавда ва овозни талаб даражасида ушлаб туришга, тасвирий воситаларни топишга, ижрони юксак даражага кўтарилишига эришди. Бу сахнавий янгилик ва ихтиrolарни кашф этганларнинг изланишларига, таланти кўп қиррали эканлигига, жасорати, зийраклиги, эпчиллиги ва дидига, сахна талабларини яхши билишларига тан бериш керак.

Актёрнинг бадан тарбияси театр санъатининг асосий масаласи бўлгани учун, тўғри тарбияланган бундай гавда инсон руҳининг ҳаётини бадиий

шаклда, ҳаракатда ифода этишга хизмат этади. Аммо бадан тарбияси актёрнинг шунчаки мақсадига айланса, персонажнинг руҳий интилишига ва ички ифода шартлиликлариға шикаст етказа бошлайди. Бадан зўриқсан пайтидан бошлаб, руҳий вазифани бажарадиган вужуднинг ашаддий душманга айлананади, дейди Станиславский.

Меерхолд тасаввури, ғоят ёрқин саҳнавий ҳақиқатни яратиш учун фантастикага ҳам эрк берган эди. Бу жараёнда унинг ҳис-туйғулари жуда ўткир ва сезувчан ишлар, шунинг учун ўйлаб топган ҳақиқатлари барча учун мажбурий деб ҳисобларди. У саҳнада ҳеч кимни бошқача ўйлашга ва бошқача бажаришга йўл қўймасди ва барчани ўзи топганларига шакшубҳасиз ишонтиришга эришарди. “Мен топган ёки очган ҳақиқат ҳақиқий бўлмаса ҳам ҳақиқатига нисбатан нисбийдир”, – дер эди ва деспот – қаттиққўл, қайсар режиссёр сифатида чизган чизигидан чиқишига изн бермасди.

Шунга қарамай, у буюк ижодкор сифатида заковатли режиссёrlар хаёлига келмайдиган ажойиб шаклларни кашф этарди. Улар нечоғлик ҳаётий ёки сунъий бўлса ҳам, ўз саҳнавий-бадиий ифодавийлиги, мажозий сермазмунлиги ва оригиналлиги билан барчани ҳайратда қолдирарди. Бундай ғайриоддий тасаввур фақатгина Меерхолдга хос фазилат бўлиб, у ана шу мутлақо ҳукмронлиги туфайли мўжизалар яратарди. Шунинг учун топилмалари, “ҳақиқатлари”, бадиий ва гоявий ифодалари ҳаммага ҳам бирдай манзур бўлавермасди ва катта баҳсларга сабаб бўларди. Бироқ ҳеч ким баҳсли қарама-қаршиликларга қарамай кашфиётлар буюк ижодкор шахсига мансублигини инкор этмасди. Шунинг учун ҳам унинг талқинидаги “Дон Жуан”, “Маскарад”, “Тристан ва Изолда”, “Мистерия–Буфф”, “Клоп”, “Ҳаммом”, “Ақллилик балоси”, “Кренский тўйи”, “Айик” каби спектакллар театр санъати тарихида ёрқин из қолдириди.

Хулоса қилиб айтганда, театр санъатида профессионал режиссурунинг амалиётчилари ёрқин намоён бўлди ва бу соҳани санъат даражасига кўтарди. Улар ўз назарий қарашлари билан режиссура санъатини ривожлантириб, саҳнанинг етакчи бадиий бўғинига айлантиридилар. Шунинг учун драматург, актёр ва томошабинни бир-бирига узвий боғлайдиган режиссёр санъаткор сифатида эътироф этила бошланди.

### ***Мавзуни мустаҳкамлаши учун саволлар***

1. Адабиётшунослярнинг ҳарактерга муносабатини аниқланг.
2. Арасту “Поетика” асарида ҳарактер масаласига алоҳида тўхтамалганми?
3. Станиславскийнинг саҳнавий ҳарактерга муносабати қандай?
4. Саҳнавий ҳарактерни спектаклнинг бадиий яхлитлигидаги ўрнини аниқланг.
5. Драматурглар ўз асарини ўзи саҳналаштирганлиги сабабини изоҳланг.
6. Профессионал режиссура қандай пайдо бўлди?

7. Станиславскийнинг режиссурадаги новаторлиги нимада?
8. Немирович-Данченко режиссурасини изоҳланг.
9. Меерхолд режиссурасининг ўзига хослигини аниқланг.
10. Вахтанговнинг театроналик режиссурасини изоҳланг.

### **Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари\***

#### **Асосий адабиётлар**

1. Аристотел. Поетисс. – Невбайпорт: Фосус публишинг, 2006
2. Усмонов Р. Режиссура. – Т: Фан, 1997.
3. Исломов Т. Тарих ва саҳна. – Т.: F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.
4. Ризаев Ш. Саҳна маънавияти. – Т.: Маънавият, 2000.
5. Абдусаматов X. Драма назарияси. – Т.: F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. 2017 йил
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. 2017 йил
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда қурамиз. 2017 йил
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидийтаҳлил, қатъийтартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон, 2016
6. Раҳмонов М. Ҳамза. (Ўзбек давлат академик драма театри тарихи.) Биринчи китоб (1914 – 1960 йиллар). – Т.: F. Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
7. Раҳмонов М., Тўлахўжаева М. Т., Мухторов И. А. Ўзбек миллий академик драма театри тарихи. – Т., 2003.
8. Турсунбоев С. Театр тарихи. – Т.: Билим, 2005.

#### **Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyo.net](http://www.Ziyo.net)
2. [kitobxon.uz](http://kitobxon.uz)
3. <http://www.teatr.ru>
4. <http://www.uzbekteatr.skm.uz>

## **2-МАВЗУ. САҲНАВИЙ АСАРНИНГ РЕЖИССЁРЛИК ТАҲЛИЛИ**

**Режа:**

- 2.1. Бадиий асар мавзу ва ғоясини аниқлаш.**
- 2.2. Режиссурадаги бадиий талқин.**
- 2.3. Актёр - режиссёр ғоясини ифодаловчи ижодкор.**

*Калим сўзлар: саҳнавий асар, жанр, муаллиф ғояси, саҳнавий ечим, драма, комедия, трагедия, юмор*

### **2.1. БАДИИЙ АСАР МАВЗУ ВА ҒОЯСИНИ АНИҚЛАШ**

Режиссёр ўз талқинини аниқлаш учун асарнинг жанрини ўрганишдан бошласа мақсадга мувофиқ бўлади. Муаллифнинг ҳаётий ҳақиқатга муносабати аниқ бўлгач, уни ифодалашга мос материал танлашга киришади ва ўзига хос ҳис билан шаклга солишга ҳаракат қиласи. Ёзувчининг тасвиrlанаётган ҳаётий ҳақиқатга муносабати пеша жанрини белгилайди. Баъзан драматурглар таъсирланган воқеаларига ўз муносабатини белгилай олмай қолади ва борини ёзиб қўяқолади. Жанрни тўғри аниқлаш бўлғуси спектаклнинг мазмуни, ғоясини ва муаллифнинг ўзига хос услубини англаш учун воситадир.

Жанр франсузча сўз бўлиб – “тур”, “хил” маъносини англатиб, асарнинг ёки томошанинг турларга бўлиншидидир.

Аристотел “Поетика” асарини ёзган пайтда “жанр” деган атама ишлатилмаган эди. Трагедиянинг барча томоша санъати турларидан устун эканлигини асослаш учун, уни комедия, драма, мим, pointamim, рақс, қўшиқ ва қўғирчоқ ўйини каби йўналишлар билан қиёслайди. Натижада, барчаси содир бўлган воқеага билдирилган муносабат туфайли улар ўзига хос турларга мос ифода воситаларига эга эканлигини аниқлайди. Трагедия, драма ва комедияга ажраган йирик турларга қуйидагича нуқтаи назар умумий муносабат эканлигини илк бор асослайди. Трагедия қаҳрамони мендан хар томонлама юксак, ижтимоий келиб чиқишида, мақсадида ва ҳаракатида. Драманинг қаҳрамони мен каби – унинг фикрлари билан баҳслашиш мумкин. Комедиянинг барча персонажлари менга нисбатан тубан, шунинг учун улар ҳаракати устидан кула оламан.

Трагедия – драматик асар турларидан бири бўлиб, унда иложсиз вазият, ҳалок этувчи оғир ва тенг бўлмаган кураш негизида бош қаҳрамоннинг ҳарактери ҳамда ҳалокати сабаби очиб берилади. Трагедия драманинг – дардли кураш ифодаланган ҳаракатнинг энг қадимги туридир. У қадимги Гретсияда вужудга келган ва “Ечки йифиси” номи билан худо Дионис шарафига ўтказилган байрамдаги ҳалқ томошасидан олинган. Дионис шарафига қурбонлик учун эчки олиб келишар экан. Бу маросим рақс тушиш,

Диониснинг изтироблари ҳақида хорнинг ривоят айтиши ва қурбонликка аталган эчкининг туйғулари ҳақида хорнинг қайғули қўшиқ айтиши билан якунланган.

Кейинчалик трагедия аввалги хусусиятини ўзгартириб, инсонлар изтироби ҳақидаги маҳсус театр томошасига айланган. Грек драматурглари эсхил, Софокл, Еврипид трагедиялари инсон изтиробларини бадиий тасвиrlай олгани учун машхурдир. Антик театр кишининг изтироблари тасвири билан томошабинлар қалбига даҳшат солар ва гўё кишининг тақдири ҳамда қилмишини бошқариб турувчи ғайритабиий кучга қарши курашиш бефойда деган тушунчани уқтиради. ХВИ асрнинг иккинчи ярмида ва ХВИИ аср бошларида яшаб ижод этган буюк инглиз драматурги В.Шекспир трагедияларининг бош қаҳрамонлари жамиятдаги мавжуд кучли қарама-қаршиликларни ёрқин бадиий шаклда очиб ташлаган. Шунинг учун ҳам унинг трагедиялари бутун дунёда шухрат топди.

А.С.Пушкин ҳам трагедия жанридан фойдаланиб ўзининг ўлмас кичик трагедиялари – “Тош меҳмон”, “Мотсарт ва Салери”, “Қизғанчиқ ритсар” ва “Борис Годунов” трагедиясини яратди.

Кейинги давр драматургиясида трагедия ўз моҳияти билан ўтмишдагилардан тамомила бошқача бўлиб, унда ҳаёт ҳақиқати ва оптимистик мазмун ўз ифодасини ёрқинроқ топади. Бундай трагедиядаги бош қаҳрамон халқ иши учун курашувчи, лозим бўлса, бунинг учун онгли равиша ўзини ҳалок қилувчи қаҳрамондир. Шундай қилиб, трагедия қаҳрамонининг ҳалокати, унинг маънавий тантанасига, ғалабасига айланади. Ўзбек драматургиясида ҳам трагедия жанрида ижод намуналари бор – Фитратнинг “Абул Файзхон”, Ҳамзанинг “Ишқ қурбонлари”, Туроб Тўланинг “Нодирабегим”, Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” номли тарихий-фожиавий песалари бунинг ёрқин ифодасидир.

Комедия юонончада “қувноқ томоша”, кулгули қўшиқ маъносини англатади. Унда ҳаётдаги кулгили ҳодисалар тасвир этилади, ижтимоий ва оиласвий можаролар, кишилар характеристидаги баъзи бир қусурли хусусиятлар очиб ташланади. Комедия драматик асарнинг бир тури сифатида қувноқ халқ томошалари заминида вужудга келган. Қадимги греклар шароб, ҳосилдорлик ва шодлик маъбуди Дионис шарафига атаб, карнаваллар уюштирган. Унда қўшиқ айтганлар, рақсга тушганлар, мим ва понтамимларда эскирган формалар устидан янги ғоя ғалабасини кулгули акс эттирганлар. Қонуний тараққиёт қапшисида умри тугаган тўсиқларни комедияларда намоён қилишган. Чунончи Ҳамзанинг “Майсарапининг иши” комедиясида ўзини пок, бегуноҳ қилиб кўрсатган қози, муфти ва зодагонларнинг ахлоқ ва одоби сатира орқали кўрсатилиб, уларнинг майший бузук ниятлари замиридаги зиддият очиб ташланади. Зотан, комедиянинг моҳияти, В.Г.Белинский айтганидек ҳаёт ҳодисалари билан ҳаёт моҳияти ва унинг аҳамияти ўртасидаги қарама-қапшиликлардан иборатdir.

ХХ аср драматургияси комедиянинг янги турини вужудга келтириди. Миллий комедияларда кишилар ўртасида ва турмушкида сақланиб қолган эскилик сарқитлари кулги билан фош этилади. Масалан, Абдулла Қаххорнинг “Шохи сўзана” комедиясида ёшларнинг шиддатли характери, янги ерлар очиш ва пахтадан мўл ҳосил олиш учун олиб борган курашидаги камчилик ва иллатлар ёритилади. Комедия ўз навбатида тасвирланаётган ҳаётий ҳақиқатга муаллифнинг муносабати ва унинг ғоявий йўналиш турларига қараб сатира, гротеск, буффонадага ажралади.

Юмор – лотинчада “намлиқ” маъносини англатади. Юмористик асарда турмушдаги ва айрим кишилардаги баъзи бир камчиликлар енгил танқид остига олинади. Бу асарда муаллиф танқид қилинаётган обектнинг йўқ бўлиб кетишини истамайди. Енгил кулгу – юмор орқали, унга ҳатто ачинади ва ундан камчиликларнинг тузалишини истайди. Шуниси билан юмор сатирадан фарқ қиласи. Юксак савиядаги юмор баъзан аччиқ кинояга, Н.В.Гогол сўзи билан айтганда, “кўз ёши аралаш кулги”га айланаб кетади. Унинг “Ревизор” асаридаги персонажлар, сатирик тарзда, нафрат ва ғазаб билан тасвирланган. Шаҳар ҳокими – Сквозник-Дмухановский образи, унинг амалдорларида шуҳратпарастлик, пораҳўрлик, худбинлик қайгули сатирик юмор билан тасвирланган. Сайд Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” комедияси ҳам юмористик драматургиянинг ёрқин намунаси бўла олади. Юқорида келтирилган драматургия турлари баъзи элементларини ўзида уйғунлаштирган ва уларнинг оралиғида турган жанр – драмадир.

Драма – юонончада “ҳаракат қилмоқ” маъносини англатади. Драматик асарларда мураккаб ва жиддий конфликтлар асар иштирокчиларининг қизғин кураш жараёнида тасвирланади. Унда персонажлар ижобий ва салбий сифатларга ажралади. Бош қаҳрамон илгари сураётган ғоя халқ орасида афоризм даражасига кўтарилиган фикрларда изоҳланган. Масалан, Ҳамзанинг “Бой ила ҳизматчи”, Горкийнинг “Тубанликда”, Треневнинг “Любов Яровая” ва К.Яшиннинг “Тор-мор” драмаларида ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг шиддатли кураши ёрқин акс эттирилган. Трагедия ва комедиялардагидек драма жанри ҳам ўз навбатида ифода этилаётган ҳаётий ҳақиқатнинг мазмунига, маъносига, муаллиф мақсадига қараб бир неча турга бўлинади. Улар – сиёсий-ижтимоий, лирик, майший, тарихий, психологик, хужжатли драмалардир.

Лекин режиссёр учун песаларнинг бундай уч асосий жанрга бўлинишига баъзан ўзгартириш киритади, бунга “Гамлет”ни комедия, “Чайка”ни драма жанрида саҳналаштириши мисол бўла олади. Масалан, А.Н.Островский ўзининг кўпгина песаларини “комедия” деб номлайди. Унинг песаларига соғдиллик ва соддалик ярашади, аммо “Қутурган пуллар” асарини “психологик драма” жанрида талқин қилиш мумкин.

Ҳозирги замон режиссёrlари ҳаётнинг айнан ўзини ифодалаш жараёнида юқоридаги классик уч жанр бўлинишига бўйсунмайдилар. Чунки,

уларнинг спектакларида уччала жанрнинг элементлари иштирок этади. Бироқ бу деган сўз, томоша жанрсиз, бадий бўёқлик бўлиши мумкин дегани эмас. Бундай ҳолларда спектаклда қайси жанр бўёқлари асосий ўринни эгаллаши ва томоша ғоясини очишда фаол қатнашса, шу жанрга оид бадий шакл яратилади.

Спектаклнинг қиммати фақат унинг ғояси ва мавзуси долзарблиги билан эмас, балки унинг қаҳрамонларини илфор ва типик характерларда, замон билан ҳамнафасликда намоён бўлиши ва ривожланишини кўрсата олиши билан белгиланади.

Режиссёр песани таҳлил қилар экан, муаллифнинг услубини, асар жанрини, композитсион тузилишини, унда хатти-ҳаракат бажараётган қаҳрамонлар тақдирини, уларнинг тилини ва характерини пухта ўрганиши зарур. Песанинг бадий хусусиятларини ўрганиб, драматург ниятини томошабинга маъноли ва бадий ифодали тарзда етказиш режиссёрнинг асосий мақсади бўлиши лозим.

Асарнинг бадий хусусиятини, жанрини аниқлагач, албатта, муаллифнинг услубини ҳам ўрганиш лозим. Муаллифнинг услубини аниқлаш – персонажлар характерлари ўзига хослигини ва фақат асарга хос бўёқларни аниқлашдир. Услуб кенг маънода ёзувчи ижодидаги ғоявий бадий хусусиятлар бирлиги, тор маънода ифода усулининг бадий баёнидир. Кенг маънода услуб тушунчаси – муаллифнинг дунёқараши, асарнинг асосий маъносини ташкил этувчи воқеалар оқимининг, сюжет ва характерлар бадий тасвирини тил ва бошқа омилларни камраб олади. Масалан, Абдулла Қаҳҳор услуби ҳақида гапирганда, муаллиф асарларининг ўткир ғоявийлик билан суғорилганлиги, замон воқеаларига нисбатан ҳозиржавоблиги, драматургияга дадиллик билан янги мавзу ва образлар олиб кирганлиги, тилининг бойлиги ҳамда сўзни заргарона қўллаши назарда тутилади. Бу хусусиятлар ижодкорнинг ўзига хос услубини кўрсатади.

Драматург услубининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ғояни англаш ва ифодалаш даражаси, ҳаётий воқеаларни тасвирлаш методи, даврнинг шартшароитларини баҳолаш маҳорати билан белгиланади.

Демак, драматургнинг ўзига хос хусусиятлари – ҳаётга муносабати, воқеани ғоявий-бадий ифодалаш маҳорати – услуб деб юритилади. Иждодкор услуби ҳар доим замоннинг ғоявий-бадий таъсири остида вужудга келади ва шакланади. Муаллифнинг дунёқараши, ижтимоий позитсияси, ғоявий қизиқишилари, бадий ифодалаш маҳорати ҳаммаси унинг услубини белгилайди. Булар спектаклнинг мазмунини ва ўзига хос ифодаланган ғоя шаклини бадий ифодалашга ёрдам беради.

Жумладан, К.Яшин, А.Қаҳҳор, И.Султон, Ш.Бошбеков, С.Аҳмад, э.Хушвақтов каби драматурглар ўз бадий услуби – “дастхати” билан яққол ажralиб туради. Ҳаётий материални танлаш, сюжет тузиш, композитсия, жанр, тил ва образларни ўзига хос талқин этиш ҳар бир драматургнинг

бадий услубини белгилайди. Шунинг учун режиссёр муаллиф услубини, унинг ўзига хос характерли хусусиятларини таҳлилий аниқлай олади, олинган песани ипидан игнасигача ўзлаштиришни заруратга айлантиради ва бу спектакл режасини тузишга асос бўлади.

Режиссёрнинг спектакл устида ишлаш жараёни кўп погонали, бадий мураккаб ижодий босқич бўлиб, “қайта жонлантириш”, қоғоздаги фикрларни тирик инсонлар ва бадий тасвирий воситалар тилига кўчириш маҳоратидир. Муқаммал песа бўлғуси спектаклнинг асоси бўлиб, унинг ғоявий-бадий қиммати режиссурунинг ва бадий жамоа меҳнатининг муваффақияти гаровидир. Шунинг учун режиссёр энг аввал саҳналаштириш учун песа танлашда адашмаслиги, ўзи раҳбар бўлган бадий жамоанинг ижодий кучини, асарнинг бадий имкониятларини ҳисобга олиши керак. Иккинчи томондан эса, танланган мавзу долзарблигини, ғоявий ўткирлигини, композитсион мустаҳкамлигини, тилининг ифодавий ва равонлигини, жанрининг аниқлигини, муаллиф услубининг ёрқинлигини яхши ўзлаштириши талаб қилинади.

Режиссура санъатида песани ўзига мослаб ёки бутунлай тескари талқин этилиш ҳоллари ҳам мавжуд. Шунинг учун режиссёрнинг талқин қудрати уч босқичли – жамоани муаллиф ғоясига кўтариш, ижодкорларни асар ғояси даражасига олиб чиқиш ёки барчани “ўзи” даражасига олиб тушиш жараёнидан иборат.

Режиссура санъати спектаклнинг умумий элементларини бирлаштириш маҳоратидир. Яхши драматург ўз персонажлари орқали умумийликни очади, индивидуаллик орқали типикликни кўрсатади ва инсон шахсини ҳар қандай жазодан, ҳар қандай жисмоний ва руҳий қулликдан озод қилишни орзу қиласди. Шунингдек, муқаммал режиссёр ҳам ҳар бир спектаклида “инсон” сўзи мағрур жаранглашини истайди.

Маълумки, ҳар қандай билиш уч босқичли жараёндип. У жонли кузатишлардан пайдо бўлган аниқ масалани “сезиб”, қабул қилишдан бошланади. Кейин эътиборга олинган масалани “тушуниш”, сўнгра уни умумлаштириш жараёнига ўтилади. Спектакл саҳналаштироқчи бўлган режиссёрнинг биринчн вазифаси аниқ масала юзасидан пайдо бўлган таассуротларини “йиғишидир”. Бошқача айтганда, “Отелло”ни саҳналаштираётган режиссёр – рашқ туйғусини, ҳозирги замон кишиларидаги соф туйғуларни булашга ўчликни, севгисини йўқотиб кўйищдан қўрқиши каби хислатларни қузатиши зарур. Шунингдек, тарихий ҳужжатлар, эсдаликлар, ўша даврга тааллуқли публитсистик ва бадий адабиётлар, тасвирий санъат, мусиқа, фотография материаллари, иллюстратив, иконографик ҳайкаллар, хуллас, песада тасвирланган шартшароит муҳрланган асосларни ўрганиши зарур. Ифодаланган даврдаги кишиларнинг хулқ-атворларини, қонунларни, дидларини, характер ва одатларини, дунёқараш ва маданиятларини, улар нимани истеъмол қилишган

ва қандай кийинишган, уларнинг юриш-туришлари қандай, яшаш учун жой қуриш ва жиҳозлари ҳамда бошқа зарурат учун керак бўладиган нарсаларни ҳам ўрганилиши талаб қилинади.

Вахтангов айтганидек – актёр образ ҳаётига тегишли нарсаларни худди онасини билгандек, яхши билиши керак. Режиссёр ҳам саҳнада гавдалантироқчи бўлган томошани аниқ, равshan тасаввур қилиши зарур.

Хулоса шуки, режиссёр учун драматург томонидан берилган муҳим воқеанинг асосий моҳиятидан келиб чиқадиган спектаклнинг ғоясини тўғри аниклаш бош масаладир. Ғоянинг аникланиши билан муҳим бир иш жараёни ниҳоясига етади. Энди режиссёр песа муаллифи билан бир ҳукуққа эга бўлган ҳамкорлик даражасида, умумий мақсад ва вазифа учун биргаликда курашмоғи, аникроғи ёзма асарни жонлантириш каби муҳим ижодий ишга киришмоғи мумкин.

Мавзу, ғоя, жанр, услуб, композитсия, конфликт аниқлангач, томошанинг қалби бўлган фабулани, асар ғоясини очиш учун муаллиф териб олган ва онгли равишда қуриб чиқсан воқеалар оқимини ўрганиш ва ўзлаштирилиши заруратга айланади.

## 2.2. Режиссурадаги бадиий талқин ва ечим

Тарихдан маълумки, миллий дунёқарашни шакллантиришда санъатнинг, хусусан, театрнинг роли бекиёс. Айниқса, миллатнинг менталитетини «кўргазмали», бадиий ифодалашда театрнинг имкониятлари ниҳоятда катта. Умуман, Ўрта Осиё ҳалқларининг театри тарихини ўрганиш учун, аввало, уни қуидаги шартли тарихий даврларга бўлиб олиш мақсадга мувофик, деб ҳисоблаймиз:

1. «Авесто» эстетикаси ва зардуштийликнинг театрлашган маросимлари.
2. Ислом эстетикаси ва ислом динининг оммавий бадиий-емотсионал урфодатлари.
3. Амир Темур ва темурийлар даври эстетикаси ва бадиийлашган маросимларда театр элементларининг шаклланиши.
4. Чоризм истилёси ва совет империализми даврида жадидлар эстетикаси ва миллий театрнинг вужудга келиши.
5. Мустақиллик даври эстетикаси ва миллий театр санъатининг ривожланиши.

Миллий театр санъати эстетикасининг ривожланишини бу тарзда даврлаштириш, албатта, мунозарали бўлиши мумкин. Чунки, бу тартибда театр тарихи ҳали маҳсус ўрганилмаган. Биз ушбу даврлаштириш тизимида «Жадидлар театри эстетикаси» ва янги миллий театрнинг вужудга келиш даври моҳиятини, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги хусусиятларини жаҳон миқёсида содир бўлган ҳодиса ва жараёнлар билан боғлаб ёритишга ҳаракат қилдик.

Жадидлар ҳаракати асосида вужудга келган янги ўзбек театр санъати миллий уйғониш, мустамлакачиликка, қарамликка, зўравонликка қарши курашиш жараёнида шаклланган ижтимоий ҳодисадир. Зоро, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлари ғоят мураккаб ва хилма-хил қарашларга бой давр бўлиб, фан-техника тараққиётида, инсониятнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маънавий ҳаётида мисли қўрилмаган тарихий воқеалар юз берди. Булар инсонларнинг борлиқда бўлган муносабатини ўзгаририб, дунёни янгича ўрганиш ва ифодалаш заруриятини тақозо этди.

Жадидлар тарих майдонига маърифатпарварлик, миллий озодлик ғоялари билан кириб келдилар. Уларнинг сафларида дунёвий билимларни чуқур эгаллаган, Европа маданиятидан хабардор бўлган Бехбудий, Авлоний, Фитрат, Мунаввар қори каби маърифатпарварлар бор эди. Кейинчалик уларнинг ғояларини бошқа мамлакатларда Махатма Ганди, Сун-Ят Сен, Кваме Нкрума, Камол Отатурк, Омонуллахон каби миллий озодлик ҳаракатининг намояндлари давом эттирадилар.

Ватанимиздаги маънавий-маданий ўзгаришлар жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнлари билан ҳамнафас бўлган. Жадидларнинг эстетик қарашлари, ёшлар тарбияси, маърифат, театр санъатига муносабатлари, омма фаолиятини миллий озодликка қаратиш ҳаракати миллатнинг ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларига ҳамоҳанг эди. XX аср бошларида жамиятда туб ўзгаришлар қилиш тарафдорлари олдида инқилобий ҳамда тадрижий йўл турар эди. Биринчи йўлдан Европа, Россия, қисман Ўрта Осиёда марксчилар борганлар. Назария ва амалиётда мўтадил, вазмин йўл тутадиган, портлашлар содир қилмай, қон тўқмай, зўравонлик ишлатмай, тадрижий ислоҳотлар билан ўзгаришлар қилиш режасини тузганлар олдида иккинчи йўл турар эди.

Ягона миллий ғоя, муштарак сиёсий таълимотнинг йўқлиги, ҳатто, зиёлилар ўртасида иккиланиш, тарафкашлик, либераллик (келишув), радикаллик (ажралиш), гоҳо оптимизм, гоҳо пессимизм кайфиятларини, марказга интигуви, марказдан қочувчи куч ва майлларни шакллантирас эди. Жадидлар ана шундай мураккаб шароитда ўз сиёсий платформаларини белгилай бошладилар. Жадидларнинг маънавий ҳаётни, ҳалқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш ғояси илғор, нисбатан янги, замонавий дунёқараш бўлиб, ҳалқда озодлик ва эркинлик туйғуларини уйғотиш асосида жамиятни тараққий эттириш, сивилизатсиялашган ҳалқлар қаторига кириш орзусини пайдо қиладиган миллий мағкурага ҳамоҳанг эди. Бунда тинч, эволюсион йўл билан, аввало, таълимни ислоҳ қилиш, мактаб, мадраса, газета, журнал, театр санъатини ривожлантириш орқали янги ҳаёт тарзига эришиш мумкинлигини эътироф қилиш ва амалий ҳаракат дастурига айлантириш асосий йўл қилиб танланган. Бундай маърифат жарчилари, яловбардорлари қаторида Бехбудий, Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар қори, Ғулом Зафарий, Файзулла Хўжаев, Маннон Уйғур кабилар

салмоқли ўринларни эгаллаганлар. Бу маърифатпарварларнинг меросини ўрганишда қимтиниб «Жадидларнинг эстетик қаравшлари» деб эмас, балки баралла: «Жадидлар эстетикаси» деб, уни чуқур, илмий асосда ўрганадиган ва тадқиқ этадиган давр келди. Чунки, миллатимизнинг фахри бўлган бу фидойи инсонлар: биринчидан, миллий озодлик, эркинлик, маънавият ва маърифат ғоялари ва мафкуралар учун жонларини тиккан эдилар; иккинчидан, том маънода, зиёли, ижодкор, сиёсий ҳаракат ташкилотчилари, миллий ғоя ташвиқотчилари ва фаол амалиётчи бўлганлар; учинчидан, гўзаллик қонунларини англаган, унга амал қилган ва шу қонунлар асосида яшаб, ижод этган, кўплаб шогирдлар тайёрлаган эдилар. Уларнинг эстетик мероси муайян тизимга эга бўлиб, «Жадидлар эстетикаси» деган юксак илмий-назарий меросни ташкил қиласи ва бу мерос жаҳон маданияти тарихидан муносаб ўрин олди. Бу меросни ҳозирги давр ёшларининг эстетик идеаллари таркибий қисмига айлантириш учун уни ҳар томонлама ўрганиш ҳамда холис баҳолаш зарур.

Миллий театрни шакллантириш, томошабин маънавиятини бойитиш, уни эстетик жиҳатдан тарбиялаш ижтимоий-сиёсий, тарихий заруриятнинг намоён бўлишидир. Шу билан бирга ҳар бир тарихий даврнинг эстетик тамойиллари бўлиши табиий. Ўзбек миллий театри шаклланишининг эстетик тамойиллари қуидагиларда намоён бўлади:

- 1) ҳалқ ва профессионал санъат тарихий анъаналарининг ўзлаштирилиши ҳамда миллий драматургияни шакллантириш;
- 2) спектаклларда ҳаётийлик, ҳалқчиллик ва миллийлик ҳамда тасвири (образли)лик, саҳна тилининг шаклланиши;
- 3) мумтоз асарларнинг саҳнавий талқинига ва миллий режиссура мактабига асос солиниши ҳамда режиссура ва актёrlар ижросида миллий ифода воситаларини қўллаш. Бу тамойилларнинг шаклланиш қонуниятларини ва жараёнини ўрганиш учун миллий театр ҳақида 1914 йилдан то 1924 йилгача чоп этилган мақолалар, ахборотлар тавсифи ҳамда саҳналаштирган спектакллар талқинига мурожаат қилиш тақозо этилади.

Жадидлар яратган европача шакл, миллий мазмундаги янги миллий театр томошабинларнинг қўз олдида, уларнинг бевосита иштирокида чуқур бадиий-естетик ўзгаришлар, ривожланиш ва ижодий изланишлар жараёнини босиб ўтган: «Турон» ҳаваскорлар гурухи (1914-1919 йиллар); Карл Маркс номидаги ўзбек совет гурухи (1919-1921 йиллар); Ўзбек Давлат Намуна театри (1921-1927 йиллар); Ўзбек Давлат драма театри (1927-1933 йиллар); Ўзбек Давлат академик театри (1933 йилдан).

Ўзбек Давлат академик театри шаклланиши ҳақида ёзилган мақоладаги қуидаги фикрлар тадқиқотчиларнинг назаридан ҳозиргача четда қолиб келди: «Академик театр 1927 йилгача, ўз ишини илмий асосда олиб бора бошлагунча шакл устидагина ишлаб, ягона бир услуг тополмаган ва эклектик йўлга кириб кетган эди. 1931 йилдан бошлаб театр ўз тажрибаси ва Иттифоқ олимпиадасидан олган сабоқлари асосида иш усулларини ўзгартириб,

бирмунча ижобий натижаларни қўлга киритди. Жумладан, эклектиканда кутулди, постановкани реаллаштириш ва шу восита билан томошабинни тарбиялаш ишини кучайтириди». Бу мақола муаллифи миллий театрнинг шаклланишини уч даврга бўлган:

Биринчи давр — «Еклектик театр 1927 йилгача», яъни «Еклектик йўлга кириб кетган» йиллар.

Иккинчи давр — «Сотсреализмга кириш (1927-1931 йиллар)», яъни ўз ишини илмий асосда олиб бора бошлагунча» бўлган давр.

Учинчи давр — 1931 йилдан бошлаб «...Ўз иш усувларини ўзгартириб, «еклектиканда» кутулиб, соф драма театрига айланиш даври.

«Еклектика» — грекча танлаб олиш, саралаш сўзидан олинган бўлиб, санъатда: бадиий ифода, услугуб, шакл, давр, стил, белги ва турларнинг араласиб кетиши... Маълум санъат турининг шаклланиш даврида турли услугуб ва мактабларнинг араласиб кетиши тушунилади. Ҳар бир миллатнинг миллий театр санъати шаклланиши жараёнида «қидириш даври», «ўз-ўзини излаш ва топиш даври» бўлиши муқаррардир. Бу даврда, умуман, миллий санъат, хусусан, театр назарияси эклектик хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Унинг обектив фойдали томони шундаки, барча мавжуд услугуб ва усувларни қўздан кечириб, амалда синаб қўриб, саралаб олиш имкони бўлади. Шунинг учун миллий театр эстетикасини шакллантириш борасидаги вазифа — эклектик йўлдан тамомила воз кечиш эмас, балки бу жараённинг чўзилиб кетишига йўл қўймаслик эди. Бунинг учун унинг ижодий томонларини қувватлаб, салбий томонларидан воз кечиш, масалага диалектик ёндашишдан иборат эди.

Шундай қилиб, миллий театр эклектик даврни бошдан кечириши муқаррар эди. Кейинчалик театр санъати турли соҳаларга ажралиб чиқди — драма, болалар театри, мусиқали-комедия театри ва ҳ.к. Бундай «табақалашув»нинг, саралашнинг қанчалик аҳамиятли эканини академик театр мисолида кўриш мумкин. Бу театр 1933 йили Ўзбек Давлат академик драма театри номини олган. У 1931 йилдан соф драма театрига айланган эди. Унинг репертуаридан мусиқали драмалар олиб ташланди. Театр «еклектиканда кутулди». Академик драма театри «Рустам», «Ҳамлет», «Отелло», «Муқанна», «Жалолиддин» ва ниҳоят «Алишер Навоий» спектакли билан 1945 йили ўша даврдаги жаҳон театрлари даражасидаги академик театрга айланди. Ўзбек драма театри санъатининг гултожи «Алишер Навоий» спектакли 1945 йили апрел ойида яратилган. Ўзбек академик драма театри ўзининг эстетик жиҳатидан юксак, анъанавий савиясини ҳозиргacha сақлаб келмоқда.

Бу спектакл қўйилгандан кейин вазият янада мураккаблашди. Буни куйидаги зиддиятли, ҳатто таҳликали ахволда яққол кўриш мумкин эди. Ўз вақтида «Алишер Навоий» спектаклига театршунос-танқидчилар ва санъатшунос олимларнинг обектив баҳо бериш эркинлиги чегаралангандиги сабабли, бу асар саҳнага чиққач, халқ ундан мамнун бўлишига қарамасдан ижобий такризларга эга бўла олмади. Чунки Москва — «Марказ нима дер экан?» деган

масала турар эди. Бу вақтда жамоат арбоби ва ёзувчи Сарвар Азимов, тилшунос Зуфар ва Ҳусни Гозиев, адабиётшунос Ҳабиб Сулаймон ва бошқалар қамалган эди. Спектаклнинг тақдиридан республика раҳбари Усмон Юсуповнинг ўзи ҳам хавотирда эди. Мағкура ишлари бўйича котиб М.Ваҳобов каби ҳукмрон мағкура «жангчилари» ҳар қандай кишини «миллатчи» деб коралашга тайёр эдилар. Бундай мудҳиш даврда спектакл ҳақида 3,5 йил «инدامай» туришга мажбур бўлишди. Унга ижобий баҳо берганлар шафқатсиз гумдон қилиниши, қоралаганлар эса халқ нафратига дучор бўлиши мумкин эди. Кейинчалик академик Иззат Султон «уч ярим йил мобайнида чурқ этмаган матбуот, ниҳоят, спектаклнинг мағзини чақди шекилли, унга ижобий баҳо берди» — деб ёзган эди. Шундан сўнг «Алишер Навоий» спектакли миллат фахрига айланди. Бу спектакл томошабинларни юксак идеаллар руҳида тарбиялаб, актёрлар, режиссёrlар ва санъатшунослар учун актёрлик маҳорати, режиссёrlик санъати ҳамда адабий тил мезони вазифасини ўтаб келмоқда.

М.Уйғурнинг «Алишер Навоий» спектакли ватанпарварлик, халқа чексиз муҳаббат, гуманизм руҳи билан сугорилган саҳна асари сифатида кишиларни юксак идеаллар томон етаклади, кўнгилларига гўзаллик уруғларини солди, ғурурига-ғийпип, меҳрига-меҳр қўшди.

Миллий театр эстетикаси шаклланиш жараёнини икки даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи давр: 1914-1931 йиллар — синтетик театр эстетикаси;

Иккинчи давр: 1931-1948 йиллар — драма театри эстетикаси.

Миллий театрнинг ғоявий-естетик эволюсияси қандай маънавий манбаларга асосланганлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун шу даврда мукаммал ривожланиш босқичига кирган ва обектив равишда бошка худудларга, миллий санъат шаклларига чуқур таъсир ўтказган европача театр санъатининг мақоми, мавқеи устида тўхталиш лозим.

Европача шаклдаги янги ўзбек театрларининг Туркистон ўлкасида XX аср бошида пайдо бўлишига XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб йирик шаҳарларда руслар томонидан қурила бошлаган ва ўлка маданий ҳаётида янгилик бўлган клублар, саҳналар ҳамда театр бинолари моддий шароит яратди.

Мустамлакачи рус маъмурияти 1880 йилдан бошлаб Туркистон ўлкасининг йирик шаҳарларида театр бинолари қура бошлаган ва хусусий қурилишларга ҳам руҳсат берган. Бу сиёсатнинг асосий мақсади:

биричидан, Россия чоризмининг мустамлака ўлкаларда ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш;

иккинчидан, жаҳон афкор оммаси ва сиёсатчилари доирасида ўзининг «маърифатпарварлик» қиёфаси ҳақида тасаввурларни шакллантириш;

учинчидан, маҳаллий халқларни Европа маданиятига қўнитириш орқали ўз сиёсатига майл уйғотиш;

тўртинчидан, мустамлака худудларда маънавий-маданий ривожланишни ўз сиёсий манфаатларига хизмат қилдиришдан иборат эди.

Тошкентда 1882 йилда шаҳар думаси ташаббуси билан 300 ўринли «шаҳар қишики театри» ишга тушган. Бу театрни 1883 йили шаҳар думаси батамом қайта қурдирган. Унда 14 та ложа ясалиб, зал безаклар билан бойитилган, балқон, аёллар хонаси, буфет, иссиқ вестибюл, декоратсия, бутафор ва ёритувчи воситалар билан жиҳозланган. У 1884 йил 23 январда расмий очилган. Фурқатни ҳайратга солган (1889-1891) бу театр ҳозирги санъат мўзейи ўрнида бўлган.

Мустамлакачи маъмурият ўлкани бошқаришни осонлаштириш мақсадида рус амалдорлари ва зиёлилари маҳаллий тилни ўзлаштиришлари зарур деб топган. Руслардан ўзбек тили мутахассислари, таржимонлар тайёрлашга киришилган. Юқорида айтганимиздек, булар рус маъмуриятининг ерли халқлар фаолиятидаги сиёсий, ғоявий жонланишни ўз кўлида ушлаб, назорат қилиб тuriш учун зарурий тадбирлар кўраётганидан далолат берар эди.

Бундан ташқари, маҳаллий ёшларга рус тилини ўргатиш учун 1881 йилдан бошлаб катта шаҳарларда рус-тузем мактаблари ташкил қилинган. Натижада рус тилида гаплаша оладиган, рус адабиётини ўқиб тушунадиган, уни таржима қиладиган ёшларни тайёрлаш бошланган. Илғор фикрли маҳаллий зиёлилар бу ҳақда газеталарда қувонч билан ёза бошлаганлар. 1888 йили Самарқандда, 1889 йили Тошкентда темир йўл ишга тушган.

Туркий халқларнинг илғор намояндалари Европа халқлари Осиё халқларидан илгарилаб кетганлигининг сабабларини излар эканлар, бу сабаблардан бири — Европада амалда бўлган ўқитиш усули эканлигини билиб, унга эътибор берганлар. Зеро, бир томондан, асрлар давомида туркий халқларга хизмат қилиб келган маърифий усул — эски мактабларни кенг ислоҳ қилиб, янги замонавий ўқитиш усулига кўчиш зарур эди. Иккинчи томондан, ерли аҳолининг Россия ҳокимлигига тобелиги натижасида «ўзлигини сақлаб колиш» муаммоси кундан-кунга кескинлашмоқда эди. Жадидчиликнинг ғоявий раҳбари Исмоилбек Гаспралиниңг 1881 йилда «Русия мусулмонлиги» китобидаги «Русияда яшовчи барча мусулмонларнинг ўзлигини сақлаб қолиш йўли битта, у ҳам бўлса, маърифат ва у орқали мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётига тенгма-тенг аралашишга эришмоқдир», — деган фикри туркистонлик зиёлилар учун назарий дастур вазифасини бажарди.

Шарқу Ғарбнинг тарих ва маданиятини чукур билган, араб, форс тиллари билан бир қаторда инглиз, немис, франсуз тилларида ҳам эркин сўзлаша олган Гаспрали ўз ғоясининг амалий исботини ахтариб, 1884 йили Боғчасаройда мактаб очган. Унга «усули жадид» деб ном берган. Олти ойда болаларга туркча ва арабча ўқишни, туркча ёзиш ҳамда диний қоидаларни ўргатишга

муваффақ бўлган. Бу натижага мактаб муаллими «усули савтия» — «товуш усулини» қўллаш туфайли эришган. Гаспрали бу натижалардан қувониб, ўзи ташкил қилган «Таржимон» газетасида «усули жадид» номи билан тарихга кирган мактаблар ютуғини ташвиқот қила бошлади. «Янги усул мактаби» ҳақидаги хушхабар Ўрта Осиёда тез тарқалган. «1884 йилда И smoилбекнинг машхур «Таржимон» газетасига обуна бўлган 1000 кишининг 200 таси Туркистонда эди» ... Бу ўлкада жадидлар ғоясининг тез тарқалаётганини исботлайди. 1893 йили И smoилбек Тошкентга келади, Самарқанд ва Бухорода бўлади, маҳаллий халқ билан гаплашиб, дастлабки янги усул мактабларини очишга ундейди.

Маълумки, ҳар қандай янгилик муайян тўсиқларга учрайди. Эҳтиёткорлик ҳиссини енгид ўта олган ғоя ва фикр қарор топади. Чоризм амалдорлари ҳам, эски услуб тарафдорлари ҳам янги мактаблар очилишига қаршилик қилдилар, очилганларини ёпишга киришдилар. Лекин маърифат ғояси, мактабларни ислоҳ қилиш, маҳаллий газета ва журналлар ташкил қилиш, ўз ерида озод ҳамда эркин яшаш ғоялари жадидлар номи билан боғлиқ ҳолда тарих сахифасига кириб келмоқда эди. Жадидлар ниҳоятда мураккаб вазиятда фаолият кўрсатгандар. Уларга бир томондан, чоризм таъкиқи таҳдид солса, иккинчи томондан, маҳаллий клерикал кайфиятдаги «тескаричи»лар қарши турар эди.

Жадидлар тўрт асрлик турғунлик ва инқироздан кейин қайта тикланаётган туркий маданиятнинг, янги эстетик дунёқарашнинг асосчилари эди. Уларнинг миллат маданиятига, маориф, матбуот, айниқса, театр санъати шаклланишига, миллий мафкура, фалсафий-естетик онгнинг ривожига қўшган ҳиссалари ҳали тарихий жиҳатдан холисона, илмий жиҳатдан теран ўрганилмаган.

Сотсиалистик мафкура ҳукмронлиги даврида (1917-1991) Туркистон ўлкасидаги барча ўзгариш ва ривожланиш, сунъий равишда, сотсиализм ютуғи деб талқин қилинган. Албатта, 1917 йилдан кейин янги мактаб, институтлар очилди, маданият, маънавият, маориф, ўқиши-ўқитишиш ишлари йўлга қўйилди. Аммо булар мустабид тузумга ўз сиёсатини ёйиш, тарғиб этиш, мустаҳкамлаш воситаси сифатида керак эди. Ҳукмрон мафкура нуқтаи назарига тўғри келмаган ғоя, дунёқараш, тафаккур четга суриб қўйилар ёки четлаб ўтилар эди. Бу соҳада М.Кодиров «Гулистон» журналининг 1997 йил 3-сонида «Ҳукмрон мафкура тақозоси билан атайин тушириб қолдирилган, четлаб ёки хаспўшлаб ўтилган ўринлар оз эмас. Чунончи, Маннон Уйғурнинг маърифатпарварлар (жадидлар) харакатига алоқаси масаласи»дир, деб ёзади.

1966 йили нашрдан чиққан «Узбекский советский театр» китобида жадидлар харакати, умуман, ёппасига асоссиз равишда қораланади. Жадидлар харакатини қоралаш тоталитар давлатнинг сиёсий манфаатларидан келиб чиққан эди. Натижада, «Жадидлар эскирган қарашларни, жумладан, исломни қайта кўриб чиқиб, янги замон талабларига мослашни, маҳаллий бойларнинг «кўзини очиб» ўз тарафларига оғдириб олиш орқали, ўлка бойлигидан эркин фойдаланишни режалаштирган эдилар», деган талқин

хукмронлик қиласы. Бундай талқин асосида жадидлар «халқ душмани» тамғаси остида қатоғон қилинганды. Сотсиализм тарихини яратувчилар жадидлар билан боғлиқ тарих саҳифаларини тушириб қолдирадиган, четлаб үтадиган ёки хукмрон мағкура нұқтаи назаридан бақолайдырылған бўлдилар. Масалан, совет мағкураси таъсирида ёзилған «Ўзбек театри» китобида шундай дейилганды: «Жадид театрининг ҳаёти рангсиз ва буржуа синфлар манфаатига хизмат қилған нореалистик чиқинди асарлари ҳақиқий санъат дурданалари бўлиб қадр топмади. Шунинг учун ўзбек буржуа театри вакиллари янги ўзбек театрининг ташкилотчилари бўла олмайдилар. Уларнинг яратган саҳна асарларини ва актёрлик санъатидаги дастлабки тажрибаларини революсиядан илгариги янги ўзбек театрининг бадиий мероси деб ҳам бўлмайди».

XX аср бошларига келиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларида ўнлаб «усули жадид» мактаблари бирин кетин яна қайта очилди. Уларнинг ташкилотчилари Беҳбудий, Мунаввар қори, Авлоний, Сўфизода, Фитрат каби атоқли зотлар эди. Жадидлар янги ўрта мактаб, замонавий мадраса, ўзбек матбуотининг ва миллий театрининг биринчи ғиштини қўйган, амалиётини бошлаб берган улут юниформа парварлар эдилар. Шу даврнинг аксарият маърифатпарварлари ўз фарзандларини, асосан, «усули жадид» мактабларига берганлар, мадрасаларда ўқитганлар. Хусусан, Маннон Уйғурнинг мадрасадоши, сўнгра Москвадаги курсдоши, кейинчалик Андижон мусиқали ва Навоий номидаги опера ва балет театрининг режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти М.Мухамедов «Уйғур яширинча олиб турадиган газета ва журналлардан фойдаланар ва кечалари унинг хужрасида ўз маслақдошлари билан бўладиган суҳбатларда мен ҳам қатнашардим», деб мадрасадаги талабалик йилларини эслайди.

Авлонийнинг 1913 иили нашр этилган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китоби, Туркистан жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси, 1898-1900 йиллар ҳаж сафарига бориб, жаҳонни айланиб кўрган, «Саёҳат хотиралари» билан машҳур Беҳбудийнинг 1911 йилда ёзилиб, 1913 иили нашрдан чиқкан «Падаркуш» драмаси, А.Қодирийнинг «Бахтсиз куёв» песалари миллий театр эстетикаси шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

Жадидлар ўз ижтимоий-сиёсий ғояларининг амалга оширилиши учун биргина маорифни ислоҳ қилиш камлик қилишини ҳис қилғанлар, хусусан, улардан Беҳбудий халқни замон ҳамда дунё воқеалари билан таништириб бориш учун миллат ва Ватан ахволидан кунда хабар бериб турувчи матбуот зарурлигини англаб етган эди. Туркистанда XX аср бошида, аввало, маорифда ислоҳ бошланган, кейин миллий матбуот пайдо бўлган. Лекин маърифатни, миллат маънавиятини ривожлантириш учун яна эстетик амалиётнинг асосий элементи — санойи нафиса уйи — театрга эҳтиёж сезилди. XX аср бошларида Татаристон ва Озарбайжондан Ўрта Осиёга гастролга келган театр ижодкорларининг спектакллари томошасидан кейин жадидлар ғоявий ва

амалий режасида театр-Ибратхона ташкил этилиши миллий эстетик онг шаклланишида алоҳида ўрин эгаллади.

Демак, юртимизда юз бераётган ўзгаришлар: 1) жаҳон бўйлаб содир бўлаётган жараёнларнинг муҳим таркибий қисми бўлган; 2) аввал чор Россияси, кейин совет империяси мустамлакаси бўлган ўлкаларда, хар қандай сиёсий тазиикларга қарамасдан, миллий маънавиятнинг ривожланиши обектив қонуниятларга асосланган; 3) бу жараён, аввало, зиёлилар онгида янгича дунёқарааш шаклланишидан бошланган; 4) дунёқараши ўзгарган илфор ўзбек зиёлилари, жумладан, жадидлар ўша даврда ҳалқимизни, мамлакатимизни умумбашарий тараққиёт даражасига кўтаришга интилишни бошлаган эдилар.

Бунёдкорлик руҳидаги тафаккурнинг давомчилари — жадидлар бой миллий меросни бадиий шаклда тарғиб қилиш учун муҳим омил бўлган европача театр яратиш заруратини теран тушунишди. Улар драматургия, яни саҳна учун маҳсус ёзилган асарлар воситасида замонавий, бадиий ғояларни театрда саҳналаштириб, томошабиннинг онги ва қалбига етказиш зарур деб ҳисобладилар, бадиий шаклдаги ғоялар инсон руҳиятига, эстетик дунёқарашига беқиёс таъшини тўғри англаб етдилар.

Маълумки, ҳар бир атоқли ижодкор фаолияти, биринчидан, ўзи туғилиб ўсган мамлакатдаги тарихий шароитлар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади; иккинчидан, бу шахс ундан олдин ёки айни вақтда шу соҳада теран мазмунли асарлар яратган салафлар ва замондошларининг таълимотларини, ғоявий манбалари, назарий қарашларини ижодий ўзлаштиради; учинчидан, ўзбек театр санъати эстетик қарашлари шаклланишига XIX аср охири ва XX аср бошида ижод қилган маърифатпарварлар — Беҳбудий, Шоҳидий, Кудратилла, Муъин, Бадрий, Қодирий, Авлоний, Зафарий, Чўлпон, Фитрат, Хуршид, Уйғур ва бошқаларнинг ғоявий, фалсафий, эстетик қарашлари катта таъсир этган.

1911 йилдан бошлаб гастролга келиб турган профессионал татар ва озарбайжон театрларининг спектакллари таъсирида Тошкентда 1913 йили У.Кудашев раҳбарлигига татар театр гуруҳи ташкил қилинади. 1911 йили Озарбайжон профессионал театр гастроли Самарқандда маҳаллий аҳоли ўртасида катта қизиқиши уйғотади.

XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётда рўй бераётган катта ўзгаришларнинг мазмуни, мақсади ва моҳияти ўзбек ҳалқи эстетик онгида акс эта бошлади. Бу йўл аввал ўзбек маърифатпарварлари, сўнг жадид зиёлиларининг ҳалқни билимли, маърифатли қилиш ҳаракатида намоён бўлди. Бу ҳаракатни фаоллаштиришда қўғирчоқ театри, қизиқчилик, ашулачилар, лапарчилар гурухлари, дорбозларнинг маълум хизматлари бор эди.

Янги шароит, маданий муҳит янги замонавий бадиий-естетик эҳтиёж ва талабларни юзага келтирган эди. Шу боис озарбайжон ва татар театр гурухлари, уларга эргашган ўзбек миллий гурухларининг спектакллари халқ томонидан чанқоқлик билан кутиб олинган ва омма эстетик дунёкараши, онги шаклланишида муҳим ғоявий манба бўлиб хизмат қилган.

Халқимиз театрни «Ибратхона» деб атаганлиги тасодифий эмас. Театр унга «ибрат» бўларли эстетик воқеа ва ҳодисаларни кўрсатар эди. 1913 йили «жадид драмаси» — театр санъатининг асоси бўлган миллий драматургия, икки йиллик сензура таъқибидан кейин олам юзини кўрди. Энди уни саҳналаштирадиган режиссёрга, асарни саҳнада ижро этадиган актёрларга, спектаклни халқда намойиш этадиган жойга — театр биносига зарурат пайдо бўлган эди. Шунга кўра Беҳбудий Самарқандда, Авлоний Тошкентда, Ҳамза Қўқонда театр гурухларини тузишга уринадилар. Шу ҳаракатлар натижасида 1913 йилнинг охирида Авлоний Тошкентда ўз театр гуруҳини ташкил қилди. «Труппа таркиби тез кунда 25 кишига етиб борди... мусулмон драма санъати ҳаваскорлари труппаси ташкил этилди».

1914 йили амалиётдаги Самарқанд маориф уйи — Ибратхона, жадидлар таърифича «миллат маданияти равнақи ва тарақкий қилмоғининг энг биринчи сабабчиси, тўғри сўзлагувчи ва очиқ ҳақиқатни билдирувчи» миллий театр Беҳбудий «миллий фожиа» атаган З парда, 4 манзарали «Падаркуш» драмасини 15 январда саҳналаштирди. Матбуот миллатдошларнинг театрга қизиқиши ҳақида «Халқ нихоят кўб келиб, билет етмагани ва жойнинг йўқлиги учун уч-тўрт юз киши қайтиб кетди... Билетлар бир-икки кун аввал ёшларнинг гайрати билан сотилиб тамом бўлиб эди. Баъзи кишилар билетларни икки баҳога фойдаси билан бошқага сотдилар. Соат еттида минглаб халқ ибратхонага хужум қилган. Аммо билет йўқ. Уч сўм бериб, тикка турмоққа ҳам рози, яна ер йўқ...», деб ёзган эди. Бу мисол уйғониб келаётган халқимизда билим-маърифат, санъат, хусусан, театрга қизиқиш тобора ортиб бораётганлигидан далолат берар эди.

Профессор Б.Қосимов «Махмудхўжа Беҳбудий» номли китобида ўша даврда икки сўмга ўртacha бир қўй сотилиши ҳақида ёзади. Мухлисларнинг эса уч сўмга билет олганлари театрга қизиқиш нақадар кучли бўлганлигини кўрсатади.

“Биринчи томоша, биринчи аншлаг — ҳар қандай театр орзу қиласиган ҳодиса. Нархига қарамай халқнинг томоша кўришга интилиши юқорилиги миллий театр халқ ҳаётига кириб борганлигининг яққол намунаси эди. Миллий театр туғилган кунидан бошлаб ҳақиқий ибратхонага айланди.

«Падаркуш» спектакли Тошкентда 1913 йилда ишга тушган 2000 ўринли ҳашаматли «Колизей» театри саҳнасида 1914 йил 27 февралда намойиш қилинди. Томоша бошланиши олдидан Мунаввар қори театрнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ва ўрни ҳақида нутқ сўзлаган. Бу воқеа юз берган тарихий кун ҳақида «Туркистон вилояти газетаси» 1914 йил 6 март сонида

маҳсус мақола эълон қилган эди”. Мунаввар қори ташаббуси туфайли спектакл бошланиши олдидан, театр ва театр санъати эстетикаси тўғрисида нутқ сўзлаш бутун Туркистонда анъанага айланган. Бу тадбирнинг театр эстетикаси саводхонлигини оширишда аҳамияти жуда катта бўлган.

Самарқандда «Падаркуш» спектаклининг 15 январдаги намойишида 320 ўринли жойга яна 50 та қўшимча ўрин қўйилган бўлса, Тошкентда 2000 кишилик театрга одам сифмай «кейин келган одамларга билет етмай қолиб, театр ичидаги тепаларида одамлар мўру малаҳдек қайнаб турдилар».

«Колизей» театри «Турон» гурухининг спектакллари учун зарур бўлган декоратсия, пардозхона, саҳна ёритиш воситаларини топиб, шарт-шароитлар яратган. Ижодий муҳит Европа театрлари даражасида эди, ҳатто спектаклининг мусиқий безаги ҳам янги театр талабларига тўла жавоб берарди. Спектакл ҳар жиҳатдан озарбойжон, татар ва Самарқанд гуруҳларига нисбатан юқори савияда бўлганлигини таъкидлаб, «Туркистон вилояти газетаси» 1914 йил 6 март сонида «... бу ўйин (спектакл-У.М.) биринчи маротаба бўлиб, ҳам шу даражада яхши ўхшатдиларки, театрни қўриб, театр ишига омил кишилар буларнинг янги ўрганганларига ишонмай, балки булар бир неча йил Овропада машқ қилган одамлар, деб хаёл қиласди... Руся ҳукуматига тобе бўлганига 300 йил бўлган татарлардан неча даражада ортиқ деганда муболаға бўлмас...», деб ҳар бир кўриниш оралиғида мусиқа чалинганлигини ва спектакл декоратсия билан яхши безатилганлигини фахр билан ёзган. Бу профессионал миллий театр эди.

М.Раҳмонов «Ўзбек театри» китобида «Турон тўдаси» 1915-1917 йилларда Ўзбекистон бўйлаб гастролга чиқкан ва октябр тўнтаришигача узлуксиз ишлаган ягона профессионал миллий театр бўлганлигини таъкидлаган. Олим бу ўринда Самарқанд театрининг доимий саҳна имкониятлари бўлмаганлиги сабабли тарқалиб кетганлигини эслатган. Шундай қилиб, Ўзбекистонда шаклан европача, мазмунан миллий театр — Ибратхона пайдо бўлган ва миллатнинг маърифат ҳамда маънавият масканига, эстетик дунёкарашни шакллантириш дорилфунунига айланган.

1914 йили «Садои Туркистон» газетасининг 4 июн сонида 16 ёшли А.Чўлпоннинг «Адабиёт надур?» номли адабий-танқидий мақоласининг эълон қилиниши туркистонлик зиёлилар ўртасида муҳим воқеага айланди.

Зиёлилар жамиятда адабиётнинг, шоирнинг, театрнинг ўрни ҳакида назарий изланишлар ва баҳслар олиб бораётган бир пайтда ёш Чўлпоннинг бу муаммога ўз муносабатини билдиргани жадидлар сафида санъат назариётчиси дунёга келаётганлигидан дарак берарди. «Адабиёт, — деб ёзган эди у, — яшаса — миллат яшар, «адиблар етилдирайлук», адиблар етишдирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур... Рух, ҳис, туйғу, фикр, онг ва ўй олайлук, билайлук». О.Шарафиддинов Чўлпон асарлари тўпламига кириш сўзида «Фақат

фавқулодда иқтидорга эга одамгина 16 ёшида тафаккурнинг бунчалик юқори поғонасига кўтарилиши мумкин эди», деб ёзган эди.

Беҳбудийнинг «Ойна» журналининг 1914 йил 29-сонида эълон қилинган «Театр надур?» мақоласи Чўлпоннинг «Адабиёт надур?» мақоласининг мантикий ривожи бўлган. Мунаввар қорининг 27 февралда «Падаркуш» спектакли олдидан сўзлаган маъruzаси ва «Театр надур?» номли мақола миллий театр назарияси, эстетик қарашларнинг ғоявий асослари дунёга келаётганлигидан далолат берар эди. Мақолада бундай «Театр ибратномадур, театр ваъзхонадур, театр таъзир адабидур. Театр ойнадурки, умумий ҳолларни анда мужассам ва намоён суръатда... кўруб заарарлик одат, урф ва таомилни, кабиф ва зарарини айнан кўрсатувчиидир... Хулоса: Театр бир нав мактаб ҳукминдадур» деган жумлалар бор эди.

«Ойна» журнали 1915 йили янги пайдо бўлаётган театр гурухларида татар ва озарбайжонлик биродарлар режиссёрлик қилаётганлигини таъкидлаган бўлса, Ш.Ризаев «Жадид драмаси» номли тадқиқотида бу даврда маҳаллий аҳолидан етишиб чиқсан режиссёrlар А.Авлоний ва Н.Хўжаевлар ҳақида хабар берган. Хусусан, «Турон» гурухи Хўжанд шаҳрида ерли ёшлар иштироқида 1915 йилнинг 1, 2 ва 3 июн кунлари «Падаркуш», «Тўй» песаларини режиссёр Н.Асомиддинхўжа ўғли раҳбарлигига саҳналаштирганлигини, «Бадбаҳт келин» номли туркчадан таржима қилинган песа саҳналаштирилганда А.Авлоний режиссёр бўлганлигини матбуот тасдиқлайди.

«Турон» гурухи 1915-1916 йилларда таржима асарлари қатори миллий драматургиямизнинг янги-янги намуналарини мунтазам саҳналаштириб борган. Хожи Муъиннинг «Мазлума хотун», Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Авлонийнинг «Пинак», «Адвокатлик осонми?» песалари театр репертуаридан жой олган. Миллий режиссёrlар қаторига Садриддин Аъламов қўшилган.

Тараққиётнинг зиддиятли даврларида ҳаётбахш ғоялар билан бир қаторда, сохта ва тубан ниятлар, тажовузкор ва ғаразли фикрлар пайдо бўлиши мумкин. Ўз мақсад ва мазмунига кўра ғоялар юксак ё тубан, бунёдкор ёки вайронкор, эзгу ёхуд ёвуз, ҳаётбахш ё тажовузкор бўлиб, миллий озодлик ҳаракатига ўз таъсирини кўрсатади. Бу таъсирининг амалдаги самарадор механизми театр ҳисобланган.

Шу ўринда ўзбек театр санъатидаги эстетик қарашлар ривожланишида «Турон» маданий-окартув жамиятининг ролини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу ҳақда М.Раҳмонов «Ўзбек театри» китобида «1913 йилнинг охирида биринчи марта «Турон» окартув жамияти қошида ҳаваскорлар труппаси ташкил топди» деган. «Труппа 1915 йилнинг бошида Фарғона водийси бўйлаб гастролга чиқсан. Унга кетиш олдидан «Туркистон» деб ном берилган. Қарийб икки ой давом этган бу гастролда Кўқон, Наманган, Андижон, Хўжанд шаҳарларида «Падаркуш», «Тўй», «Истанбул», «Бадбаҳт келин» ва бошқа спектакллар кўрсатилган». «Турон» ва «Туркистон» бир гуруҳ бўлиб, ташкил топганига икки йил бўлар-бўлмас профессионал театр даражасига

күтарилигандар. Икки ой гастролда юришга ҳозирги профессионал театрлар ҳам бардош бера олмайды. Бу ҳол гурухнинг нихоятда фидойилигидан, унда миллатнинг театр шайдолари бирлашганлигидан далолат беради. Театр профессионалигининг муҳим белгилари актёрлар гурухи, унинг раҳбари, режиссёrlари, репертуари, доимий томошабини мавжуд ва узлуксиз фаолият кўрсатаётганлиги эди.

1916 йил 30 декабрда «Турон» труппаси «Колизей» театрида озарбойжон ва ўзбек актёрлари ижросида «Лайли ва Мажнун» мусиқий драмасини намойиш этган. Либреттони озарбойжончадан ўзбекчага Авлоний ўгирган. Спектаклга С.Рухулло режиссёрлик қилган. Натижада озарбойжонлик ижодкорларнинг Рухулло раҳбарлигидаги «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмаси (Фузулий достони асосида) тошкентлик театр мухлислари орасида катта шуҳрат қозонган. Авлонийнинг тадбиркорлиги натижасида бу икки театр гурухи ўртасида ижодий ҳамкорлик вужудга келган. Ўзбек мусиқали драма жанрининг пойдевори Авлоний раҳбарлигига «Турон» гурухи базасида 1916 йилда яратилган.

Бу «Падаркуш»дан кейин «Турон» гурухининг «Колизейдаги миллатларо шов-шувига сабаб бўлган спектакли эди. «...Ўзбек тилида ўйналган «Лайли ва Мажнун» спектаклида балет артистлари Юпатов сиркидан таклиф қилинган, балет номерларини эса рус балетмейстери сахнага кўйган».

С.Рухулло, А.Авлоний, Н.Хўжаев каби актёр ва режиссёрларнинг театр санъатига фидойилиги халқнинг эстетик дунёқарашини кундан-кунга ўзгартирар, ривожлантирар, бойитарди. «Лайли ва Мажнун» спектаклида Рухулло — Мажнун, Дуррия-хоним — Лайли, Авлоний — Малу, А.Мухаррамов — Навфал, Н.Хўжаев — Фарид ролларини ижро этганлар.

Тошкент шаҳридаги мусулмон драма санъати ҳаваскорларининг «Турон» жамияти «Низоми» 1916 йилнинг 11 ноябр куни 7176-ракамли реестр билан тасдиқланган. Театрнинг ўттизга яқин асосий актёрга, миллий режиссёрларга, бугунги театрлар низомидан талабчанроқ қаттий «Низом»га эгалиги, миллий ва байналминал репертуари, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида ўзининг «қишилик» ва «ёзлик» Роҳат боғча сахнасига эга бўлганлиги унинг профессионал миллий театрга айланганлигининг исботидир. Бу театр сафига 1916 йили Маннон Уйғур, Ғулом Зафарий, Мирмулла Шермуҳамедов ва бошқа театр фидойилари кўшилган. «Лайли ва Мажнун» репетитсияси ва унинг «Колизей»даги намойишидан кейин театр санъатининг эстетик қудрати Уйғурни «усули жадид»даги мураббийлик, мадрасанинг мударрислиги ҳавасини енгиб, Ибратхонага етаклайди. М.Уйғур «Агар сирк, қизиқчилик ва синематограф мени шунчаки қизиқтирган бўлса, театр тамом мафтун этиб, ҳайратда қолдирди», деб эътироф этади.

1916 йили ўзбек миллий театр санъати икки йиллик амалий тажрибага эга бўлди. Туркистаннинг йирик шаҳарларида тобора тараққий топаётган театр санъати 1911-1916 йиллар оралиғида шаклланган

«жадид драмаси»нинг меваси эди. Махаллий аҳолининг маърифатпарварлари Самарқандда — М.Беҳбудий, Ҳ.Муъин, Н.Кудратулла; Тошкентда — Авлоний, Қодирий, Зафарий, Чўлпон; Қўқонда — Шоҳидий, Ниёзий; Андижонда — Хуршид (Тошкентда туғилган, 1910-1918 йиллари Андижонда ижод қилган); Бухорода — Фитрат каби ижодкорлар янги ташкил топган миллий театрни ғоявий-адабий манба — песалар билан таъминлаб турганлар. Бу асарлар мазмунида гоҳо очиқчасига, гоҳо яширинчасига ифодаланган озодлик ва мустақиллик ғояси миллий туйғулар ичида энг қудратлиси бўлиб, у авлоддан-авлодга «ўтиб келаётган абадий мерос» тарзида ифодаланган. Зеро, мустақиллик ғояси — ҳар бир халқни, миллатни ўзи истаган ва танлаган озодлик йўлидан бориш имкониятини қўлга киритиш учун ўзига ёт тузумдан ёки ижтимоий тазиикдан халос бўлиш ҳақидаги фикрларни мужассамлашган тарзда намоён қиласди.

Ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган ғоялар ҳақиқат ва адолат бор жойда амалга ошади. Адолат бузилган жойда умидсизлик пайдо бўлади. Адолат тантана қилган жамиятда юксалиш бошланади. Ҳар қандай ғоя ўзининг энг ёрқин ифодасини ва мукаммал шаклини бадиий-естетик ғояда намоён қиласди. Буни яхши тушунган жадидлар ўз фалсафасининг асосий маъно-мазмунини ифодалайдиган песалар ёзиб, театрни адабий маҳсулотлар билан таъминлаб турдилар.

«Қадим» билан «Жадид», янгилик билан эскилик ўртасидаги зиддиятни ифодалаган ўзбек жадид драматургияси 1916 йилга келиб ривожланиш даврига кирди. Ҳусусан, Беҳбудийнинг «Падаркуш», В.Шоҳидийнинг «Маҳрамлар», Ҳожи Муъин, Н.Кудратуллаларнинг «Тўй», Муъиннинг «Бой ила хизматкор», «Ески мактаб-янги мактаб», «Қози ила муаллим», Қудратулланинг «Кенгаш мажлиси», А.Бадрийнинг «Жувонмарг», «Аҳмок», Ҳамзанинг «Захарли ҳаёт», «Илм ҳидояти», «Мулла Нормуҳаммад домланинг қуфур хатоси», Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Биз ва сиз», Зафарийнинг «Бахтсиз шогирд», Чўлпоннинг «Бой», Фитратнинг «Бегижон», «Мавлуди шариф», «Або Муслим», Хуршиднинг «Безори», «Ориф ила Маъруф», «Қора хотин», номаълум муаллифнинг «Ески мактаблар ҳоли» каби асарлар асосида яратилган спектакллар билан «Турон» гурухи Туркистон бўйлаб гастролга чиқиб, Қўқон, Андижон ва Наманган шаҳарларида томошалар кўрсатди.

Спектакллар миллат онгининг уйғонишига, дунёқарашининг шаклланишига, эстетик диди камол топишига хизмат қилди. Шу билан бирга, миллатнинг буюк инсонлари яратган янги маънавият воситаси — театр санъати ҳимояга муҳтож эди. Беҳбудий «Ойна» журнали саҳифаларида театр санъатини ўзининг принсибиал, мантиқли мулоҳазалари билан ҳимоя қилиб турди. «Бундай буюк инсонлар театрни

ибрат мактаби, ибратхона, драматургияни эса «таъзири адабий» деб тушунардилар, сахна асарларида бачкана, нораво қилиқлар, бепарда иборалар, тубан манзаралар бўлмаслиги учун курашардилар... Буни илк театр арбобларимиз эстетик принсип даражасига кўтарган эдилар».

Миллий театр ижодининг илк даврларида ёқ Ибратхона — театр миллат шаънини белгиловчи шарму ҳаё, ибо, ахлоқ, имон масалаларида ибрат бўлишини кўзда тутган. Балки, шунинг учун ҳам халқ театрни муқаддас даргоҳ деб билиб, бу масканга бориш ва ибратли томоша кўришга интилган. Ибратхона томошабинга эстетик ҳис-туйғу, бадиий завқ бера олсагина унинг ибрати кўнгил тўрида мангу сақланиб қолади. Европа типидаги миллий театр «томуша эткувчи ва тингловчиларнинг юракларида бир лаззат ва ажиб бир тўлқин туғдирмоқ бўлиб, бу санъат асарлари учун энг муҳим бир хусусият, энг муҳим бир шартдир», деб ҳисоблаган жадидлар бу эстетик тамойилларнинг амалиётдаги жарчисига айланганлар. Шу жумладан, Маннон Уйғур театр санъатини «Ахлоқий ғоянинг ифодаси», сахнада гўзаллик яратиш имконияти, «олий бир ахлоқий онг натижаси, актёрлик ва режиссёрликни «шахсият (ўзлик)ни руҳият орқали юракнинг ички дунёсини» ифодалаш воситаси, томошабинда «гўзал лаззат таъсирида мияда ҳам бир кўзғалиш ясаш» санъати, деб тушунди ва ижодий фаолиятининг маъноси деб ҳисоблади.

Ўзбек миллий театр санъати туғилган давридан бошлаб, жадидлар эстетикаси ғоявий мазмунининг амалий ифодаси бўлган маърифат масканига айланган. Жадидлар миллатни ёруғликка, эстетик тафаккурга, онгли равища тузилган режаларга, орзуларнинг рўёбга чиқиши — озодлик ва мустақилликка олиб боришига ишонардилар. Чунки улар барпо қилган театр ҳар куни, бир неча соатда, бирданига 2000 кишининг («Колизей» биносини эсланг) қалбига олов, кўзларига зиё, руҳига эстетик завқ, онгига жанговарлик бағишлиб, илм-маърифатга даъват қиларди.

Театр санъатининг сирли тилсимоти асримиз бошларида ёқ жаҳолатга нафрат, умидсиз қалбларга оптимизм, орзуларга қанот бағишилаган, тенгсизликка, ноҳақликка нафрат, яхшиликка муҳаббат туйғусини тарбиялаган.

Жадидлар мафқураси миллатнинг мақсад ва манфаатларини, унинг ҳақ-хуқуқларини ва эҳтиёжларини ҳимоя қиласидиган ғоя — халқни жоҳиллик, тобелик, мутелик, тарқоқликдан, маънавий қашшоқликдан қутулиш йўлинини маърифат орқали кўрсатиш эди. Халқнинг халқлиги унинг онглилик даражаси билан белгиланади.

Ўзбек маърифатпарварлари театр санъати орқали миллатни маърифатли, маънавий бой қилишга қаратилган фалсафий таълимотларнинг ғоявий асосчилари эдилар. Зоро, улар театр ўз даврида масжидлардай одамларни мужассам қилиш маскани, сахна мадрасадай инсонларга ҳаёт мактаби бўлиши

мумкинлигини, актёр мударрисдай халқни билим, маънавиятга, имонга даъват қила олишини бутун вужуди билан чуқур ҳис қилганлар.

Ғояси кучли асар одамларни маърифатга, ўзаро меҳр-оқибатга, илм-фанга чорлаб, жаҳолатга, маънавий қашшоқлик, қуллик-тобеликка қарши нафрат уйғотиши мумкинлигини жадидлар чуқур ҳис қилганлар. Актёрнинг яхши ижроси ҳам кулдириш, ҳам йифлатиш, ҳам ўйлантириб қўйиш, ҳам жасоратли ва шижаатли қилиш қудратига эга эканлигига ижодкор жадидларнинг ўзлари гувоҳ бўлганлар.

Демак, театр санъатида умуминсоний ғоялар миллий бадиий образлар орқали тараннум этилади. Бадиий ғоя, аввало, драматургнинг песасида ифодаланади, у режиссёрнинг маънавиятига, руҳиятига таъсир ўтказиб, тафаккурини ижодий ҳаракатга келтиради. Режиссёр тасаввурида яратган образи билан, аввало, актёрлар, қолаверса, рассом, композитор, грим, чироқ, кийим, жиҳоз усталарига кучли бадиий, руҳий ва ақлий таъсир этади. Натижада театр ахли яхлит бадиий ғояни вужудга келтириш мақсадида ижодий жараённи бошлайди. Актёрлар ғояни ўз билимлари асосида, тасаввурида қайта ишлаб чиқадилар, сайқал берадилар, муайян шаклга соладилар ва уни саҳна санъати ифодалари билан тарғиб қиласидар.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, миллий ғоя 1912-1916 йилларда «жадид драмаси»да ўз ифодасини топа бошлади ва 1914 йилдан саҳна орқали намойиш қилинди. Иккинчидан, уларда олға сурилган, тавсифланган, ёқланган, саҳнада ўз амалиётини топган фикрлар, ғоялар миллий театр учун ўзига хос ғоявий мактаб, бадиий-естетик асос бўлди. Учинчидан, ўзбек театр санъати XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод қилган Дениш, Фурқат, Муқими, Завқий, Айний, Сатторхон, Сидкий ва бошқаларнинг асарларидағи илғор ғоялардан ҳам маънавий озуқа олгани шубҳасиз. Тўртингидан, ибратхонада ифодаланган бадиий ғоялар ўзбек миллати онгининг уйғонишига, янги дунёқарашнинг шаклланишига, халқнинг эстетик дири такомиллашишига ғоят катта таъсир кўрсатди.

Жадидлар фалсафасидан таъсирланган М.Уйғур миллий театр санъатини ахлоқий ғояларни тараннум этувчи, саҳнавий гўзаллик яратувчи олий бир эстетик онг натижаси, актёрлар ва режиссёрлар ўз шахсияти ҳамда руҳий-маънавий оламини намойиш эта оладиган жараён деб тушунди ва актёрлик касбини танлаб, ўзидан олдин ўтган мутафаккирларнинг эстетик қарашларини амалиётга жорий қилишга муваффақ бўлди.

### 2.3. Актёр – режиссёр ғоясини ифодаловчи ижодкор

Жаҳоншумил ихтиrolар буюкларга насиб қиласидар. Пушкин таъкидлаганидек – даҳолар янги қонунларни ихтиро қиласидар, қобилиятлилар эса улардан тўғри ва унумли файдаланади, қобилиятсизлар ҳар иккаласини инкор қиласидар, фақат ўзларини доно деб ҳисоблайдилар.

Турли соҳаларнинг қонуниятларини ихтиро қилганлар номи, миллати, ирқи ва эътиқодидан қатъий назар жаҳон илм аҳли томонидан эҳтиром билан тилга олинади. Масалан, алгоритм ихтирочиси Ал-Хоразмий, бутун олам тортишиш қонунини кашф қилган Нютон, ер ости ва устидаги нарсаларнинг таркибини аниқловчи Менделевнинг даврий системаси дунё илм аҳли орасида машхур.

Жаҳоннинг ижод аҳли орасида Аристотелнинг “Поетика” асари трагедиянинг яратилиш қонунятлари билан машхур бўлса, “Станиславский системаси” театр санъати мутахассислари учун актёрлик, режиссёрлик ва саҳна маҳорати сирлари педагогикасининг илмий-амалий асоси бўлиб қолмоқда.

Театрни маънавий, маърифий, ахлоқий ва ғоявий тарбия мактаби, инсонни руҳан покловчи муқаддас даргоҳ деб билган Станиславскийнинг асл исми шарифи Константин Сергеевич Алексеев бўлиб, у 1863 йилнинг 5 январида, Москва шаҳрида туғилган. Алексеевлар авлоди савдо соҳасида, хусусий музей, картиналар галереяси, наширёт ва опера театри ташкил қилган зодагонлар сифатида Москва шаҳрининг зиёлилари хурматига сазовор кишилар эди. Ижодий муҳитда тарбияланган авлоднинг театр санъатига ҳам ихлоси баланд бўлган. Алексеевлар сулоласининг “Болшой” ва “Малий” театрда ўз ложалари бўлиб, улар барча янги саҳналаштирган ва гастролга келган чет эл театрларининг спектаклларини томоша қилишган.

Константин 14 ёшга тўлганида унинг илтимосига биноан Алексеевлар хонадонида “уй театр” ташкил қилинди. 1877 йилнинг 5 сентябрида бу театрда саҳналаштирилган спектаклда Константин ўз қариндошлари билан, ҳаваскор актёр сифатида рол ўйнади. У шу кундан бошлаб барча таассуротларини кундалик дафтарига муҳрлайдиган одат чиқарди. Улуғларда ўзгаларда йўқ шундай фазилат бўлади. Навоий ўзидағи бу фазилатни – “Кўнгилда неки бўлди пайдо, Қалам ани шу он айтди адо”, деган ибора билан изоҳлайди. Константиннинг илк таассуротларида репертуар танлаш, роллар тақсимоти, режиссура, репетитсия, ижро масаласи, декоратсия, мусика, костюм, грим каби спектакл яратиш билан боғлиқ мураккаб жараён баён қилинган эди. Бу таассуротлар ундаги театр санъатига бўлган ҳавасни-ихлосга айлантириди ва саҳна санъати билан боғлиқ хунар сирларини синчиковлик билан ўрганишга унгади. Ихлос ва синчиковлик уни инсон тасаввури ва тафаккури қудратини ҳамда даражасини бадиий шаклда ифодалаш ҳамда намоён қилишга қодир бўлган театр санъатида – “актёр саҳнанинг ижодкори ҳамда соҳибидир” деган фалсавий- ғоявий холосага олиб келди.

Бу ғоя унга, 1877 йилдан бошлаб то умрининг охиригача, 61 йил давомида тинчлик бермади. Станиславский 1935 йил 7 августда, 75 ёшида, Москва шаҳрида оламдан ўтди.

Станиславский – Константин Сергеевич Алексеевнинг тахаллуси бўлиб, уни 1885 йили, 22 ёшга тўлганида танлади. Сабаби кундузи Алексеевларга тегишли идораларнинг бирида раҳбарлик қилган амалдорнинг исми-шарифи “шаддотлик қиласидиган, шилқим йигит”нинг янги танланган водевилдаги ролига мос тушмаслигидан ҳавотирланган Константин – Станиславский тахаллуси билан саҳнага чиқишга қарор қилди. Отасига тегишли фабриканинг доктори А.Ф.Макаров – Станиславский тахаллуси билан спектаклларда қатнашиб юргани эсига тушади. Макаров касаллиги туфайли саҳнани тарк этганини билган Константин унинг тахаллуси билан шу йилнинг 27 январидан бошлаб спектакллар дастурида ўз исмини Константин Сергеевич Станиславский деб эътироф этилишини илтимос қилди. Бу тахаллус уни жаҳоннинг энг машҳур театр назариётчиси ва амалиётчисига айлантириди.

Станиславский системаси – театр санъатининг актёрлик маҳорати, режиссураси ва педагогикаси билан боғлиқ жараёнларни юксак бадий савияда ифодалаган “Кечинма санъати” тизимининг назарий асосларидир. Бу назарий асослар ўзигача бўлган, – театр санъатига бағищланган барча системаларнинг, илмий-амалий тадқиқотларнинг диалектик ривожи эди. Барча нарсаларнинг қимматини бир-бирига нисбатан қиёсланганда билинади. Станиславский ихтиросининг қимматини қуйидагича қиёслашда англаш мумкин. “Шоҳнома” Фирдавсийгача бўлган бир – неча тадқиқотчининг изланишлари натижасидир. Фирдавсий уни такрорланмас бадий-ғоявий шаклга солганлиги учун машҳур бўлди. Навоий ўзигача яратилган “Ҳамса”ларнинг энг мукаммалини яратди. Ундан кейин ҳамса ёзиш анъанаси тўхтади. Сабаби Навоийдан ўтказиб ёзишнинг иложи қолмади. Шекспир эса ИХ асрдан бошлаб “Гамлет” фожиасига бағищлаб ёзилган барчасига нисбатан энг юксак умуминсоний ғояни илгари сурган бадий яхлит трагедия яратади олганлиги билан буюkdir.

Кечинма санъати тизимида илк бор рол устида ишлаш жараёнида онг остида жамланган заҳирадан онгли равища фойдаланиш, ролнинг образини яратиш учун персонажнинг характерини жонлантириш масаласи илмий ҳал қилинди. Бунинг учун актёрнинг ижодкорлик туйғусини тўғри тарбиялаш асосида, саҳнада жонли мулоқотга эришиш жараёни назарий асосланди.

Натижада ўзигача бўлган театр санъати билан боғлиқ барча назарий ва амалий қарашларни ҳаёт қонунлари – инсон туйғуси табиати қоидаларига мос равища тизимга солиш масаласи илмий ҳал қилинди. Бу қоидалар “кечинма санъати” тизимидан нисбатан бадий жиҳатдан паст бўлган “намойиш этиш санъати”нинг система ривожига тўсик бўладиган: дилетантизм; тақлид; қотиб қолган қолиплар; эҳтирослар натижасини шартли ўйнаб бериш; қиликлар қилиш; ўзини саҳнада кўз-кўз қилиш каби ҳаваскорлик даражасининг келиб чиқиш сабаблари ҳам назарий асослади.

“Намойиш этиш санъати” талаблари билан “кечинма санъати” эстетикаси фарқини Станиславский қиёслаш услуги билан очиб берди. Бунинг учун у даставвал, “намойиш этиш санъати” талабларини, ўзи ўйнаган роллари мисолида ёрқин ифодалай олди. Бу йўналишда, актёрлик маҳоратини яхши эгаллаганлар томошабинларга ўз иқтидорларини намойиш қилишга бор кучларини сарфлайдилар. Станиславский уларнинг эришган ютуқларини инкор қилмаган ҳолда, улар ижросидан жозибалироқ, таъсирчанроқ, маънавий даражаси юқорироқ, актёрлар кучини воқеалар тизимидағи ғояни очишга интиладиган амалга – ҳаракатга сарфлаш тизимини излай бошлади. Бунинг учун “намойиш этиш санъати” талабларини янада чуқурроқ ўрганишга киришади.

“Намойиш этиш санъати” тарафдорлари: саҳнанинг ўзига хос шартлилига амал қилиб ижод қилишга; актёрнинг ташқи қўриниши муҳимлигига; хатти-ҳаракатларнинг жимжимадорлигига; айниқса, “театрона” томошавийликка интилишлари билан ўзига хос ижрога эга. Улар бу интилишлари билан ҳаётийликдан, яъни реализмдан узоклашиб, томошабинни ижтимоий ҳаётнинг аччик ҳақиқатидан чалғитишни асосий мақсад қилиб оладилар. Бу мақсад уларни хунармандликдан юқорироқ бўлган босқичга – намойиш этиш даражасига олиб чиқади. Намойиш этиш даражасига кўтарилиш учун улар, репетитсияларда актёрлардан ролнинг туйғуларини, эҳтиросларини тўғри кечишини талаб қиласидилар. Барча ролларнинг туйғулари ва улар билан боғлиқ ҳаракатлар топилгач, режиссёр томонидан мустаҳкамланади. Эришилган натижада бундан буёғига фақат шундай ижро этилиши тасдиқланади ва мускуллар хотирасида сақланган ҳаракатлар спектаклда томошабинга намойиш қилинади. Намойишдан сўнг тасдиқланган ҳаракатни тўғри бажармаганлар қаттиқ танқид қилинади. Натижада, спектаклдан-спектаклга роллар айнан, тасдиқланган шаклда ижро этилади. Актёрлик туйғуси репетитсия жараёнида топилган кечинмаларни мушаклар ва туйғулар хотирасида сақлаб қолгани учун, энди улар ижросини кечинмасиз ҳам такрорлай олади.

Инсон, умуман жониворлар мушаклар хотирасига ва миянинг “сигнал системасига” таяниб кун кечирадилар. Бу система ихтирочиси И.Павлов таъкидлаганидек такрорланган ҳаракатлар бош миядаги сигналлар таъсирида мушаклар хотирасига кўчади ва сақланиб қолади. Сиркдаги жониворлар табиатнинг шу қонуни асосида машқ қилдирилади ва манежга эришилган натижаларни намойиш этиш учун олиб чиқади. Жониворларнинг машқ қилинган ҳаракатлари ҳар доим айнан такрорлай олиш қобилиятига чапак чаламиз. Ўргатувчининг ва ўрганувчининг маҳоратига ҳамду-санолар айтамиз. Чунки, томоша намойиш этилди, навбатдаги кутилган натижага эришилди. Шунинг учун сирк намойиш этиш санъатининг энг ёрқин қўринишдир. Бу йўналиш назариётчиларидан бири бўлган Дени Дибронинг – спектаклларда актёр қайта кечиниши шарт эмас, ахир актёрнинг маҳорати,

хотирасида сақланган түйғуларнинг ифода воситаларидан фойдаланиб томошабинларни ишонтира олишида эмасми, деган фикри унинг тарафдорлари учун назарий асосга айланди. Кино санъати ҳам бир марта ленталарга муҳрланган түйғуларнин ва ҳаракатларни доим айнан қайтарилиши билан намойиш этишдан ўзга нарса эмас.

Намойиш этиш санъатининг бу тарздаги эстетик принципларидан қониқмаган Станиславский ундан юқорироқ бўлган босқични, ҳар бир спектаклда “қайта кечиниш” йўлларини излай бошлади. Бунинг учун “инжиқ илҳом” ҳар доим актёрнинг хизматида бўлиши керак. Ҳар бир спектаклда завқ билан “қайта кечиниш” учун актёрда намойиш этишдан кўра юқорироқ бўлган босқич “ижодкорлик түйғуси” тўғри тарбияланган бўлиши лозим. Шундагина томошабинларнинг қалбига ҳамда эҳтиросларига кучли таъсир этиши мумкин.

“Кечинма санъати” талабларига асосланган актёр, ҳар бир спектаклда кечагидан маънилироқ, таъсирчанроқ, савияси юқорироқ рол образини яратишга қодир. Чунки, ижодкорлик түйғуси тўғри тарбияланган актёр жонли мулоқот жараёнини ҳар бир спектаклда завқ ва илҳом билан адо эта олади ва ҳар доим саҳнада бадиий яхлит рол ҳамда спектакл образини яратишга интилади.

Ҳаваскорлар орасидан саралаб олинган бўлгуси актёрнинг илк қадамидан бошлаб ижодкорлик түйғуси ва иродаси тўғри тарбиялансанагина, у хунар талабларини ижодкорлик нуқтаи назаридан ўзлаштиради. Хунар талабларини ўзлаштирган талабаларгина навбатдаги босқичга – драматур ва режиссёр режалаштирган ҳаракатни бажара оладиган актёрлик даражасига кўтарилади. Бундай ижрочининг “актёрлик түйғуси” – ўзлаштирилган хунар талабларига таяниб, театр санъатининг асоси бўлган акт – ҳаракатни бажара олади, яъни персонаж интилишни ривожлантириб, перипетия орқали ечимга олиб келиш кўникумасига эга бўлади. Бундай кўникумага эга шахс – “акт”, яъни ҳаракат бажарувчи, актёр мақомига кўтарилади. Чунки, ҳаваскорликдан хунармандликка, сўнгра актёрлик даражасига эришиш мураккаб жараённи ўз ичига олади.

Станиславский актёрлик мақомига эришганларни уч тоифага ажратади. Биринчиси – актёрлик түйғусига таянган ижро. Иккинчиси – ижодкорлик түйғусига асосланган ижро. Учинчиси – санъаткорлик түйғусига эга бўлган, юқори бадиий савиядаги ижро. Бу уч тоифа орасидаги фарқни англаш фақат Станиславскийга насиб қилди ва “кечинма санъати” тизимини яратишига асос бўлди. Улар орасидаги фарқни бир-бирига нисбатан янада юқорироқ бўлган босқич деб билиш, актёрлик санъатининг диалектик ривожланиши эканлигини назарий асослашни уддасидан чиқди. Қуйида шу босқичларнинг изоҳини кўрамиз.

1. Актёрлик түйғуси – ҳар бир спектаклда актёрга хизмат қилишга тайёр турган хунармандлик кўникумаси. Бу “ғамхўр кўникумалар” ҳар бир

ролни актёрнинг мушаклари ва туйғулари хотирасида сақланиб қолган штампларга таянган ҳолда намойиш этишга қодир. Моҳирона ижро этилган ролда кечаги ҳаракатлар ва туйғулар айнан тақорланади. Бундай актёрлар илҳомни кутиб яшайдилар. Илҳом эса – инжиқ туйғу. У ҳар доим ҳам актёрга бўйсунавермайди. Бугунги спектаклда актёрнинг илҳоми келса-келди, келмаса “ғамхўр хунар” штамплари уни ҳар доимгидек яна қутқаради. Илҳомсиз, завқсиз намойиш этилган рол ижросидан сўнг актёрнинг ўз ёғига – ўзи қоврилиб “яна ўхшамади”, деган ички нидосини томошабинлар билмайди.

2. Ижодкорлик туйғуси – “инжиқ илҳомни” доим чақириб олишга ва уни ўз ролига хизмат қилдиришга қодир актёрларда шаклланган бўлади. Бундай актёрлар намойиш этишдан юқорироқ бўлган босқичга – ўз ролини ҳар бир спектаклда қайта кечинишга эришади. У илҳомланиб, ўз роли туйғуларини қайта кечинаётганидан завқ олади. Ижодкорлик туйғуси тўғри тарбияланган актёр, берилган шарт-шароитдаги воқеа – мен билан, ҳозир, шу ерда, биринчи марта содир бўлайпти деган ишонч билан, жонли мулоқотга киришади. Саҳнада жонли мулоқотни узлуксиз бошқарib боришга интилади. Бу интилишнинг ижобий натижасини саҳнадаги партнёрлари, ўзи ва томошабинлар сезади. Ижодкор актёр томошабин айнан, мана шундай жонли мулоқотни кўриш учун театрга келишини билади.

3. Санъаткорлик туйғуси – ижодкорлик туйғуси тўғри тарбияланган, маънавий қиёфаси шаклланган, бадиий тасаввuri ва тафаккури бой, яратувчанлик қудратига эга бўлган актёрлар кўтариладиган даража. Бундай санъаткорлар яратган ролнинг образлари – миллатнинг маънавий мулкига, маданий бойлигига айланади. Улар ижодини ёшларга намуна қилиб кўрсатиш, авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдириш мумкин. Санъаткорлик туйғуси ижодкорнинг виждонига айланади. Бу виждон уни яна “актёрлик туйғуси” даражасига қайтиб тушишига ва томошабинларни алдашига йўл қўймайди. Бу даража Станиславскийнинг орзузи, у яратган системанинг олий мақсади эди.

Демак, саҳнада жонли мулоқотга кириша оладиган “кечинма санъати” актёрининг ижодкорлик туйғусини тўғри тарбиялаш системанинг бош масаласидир. Саҳна амалиётида бой тажрибага эга, замонасининг энг машҳур актёрларидан ва режиссёrlаридан бири бўлган Станиславский – жонли мулоқот жараёнида пайдо бўладиган табиий туйғулар, ижроининг руҳий ва жисмоний ҳаракат уйғунлигини талаб қилишини яхши биларди. Бу уйғунлик ёрдамида асар ғоясини ва спектаклнинг маънавий моҳиятини томошабинларга тўлақонли бадиий шаклда етказиш мумкин деб ҳисобларди.

Актёрларнинг саҳнадаги жонли мулоқоти театр илгари сураётган ғоя, туйғу ва кечинмаларга томошабинларни ҳамдард қиласиди. Саҳнадаги ҳар бир персонажнинг нозик туйғулари, кучли эҳтирослари, чуқур дарди, теран фикри томошабинларга таъсир этсагина – улар ҳамдардга айланади.

Ҳамдардлик түйғуси ҳар бир спектаклда томошабинлар қалбидан жой олмаса, театр санъати аста-секин сусайыб бораверади ва саҳнадаги томошалар одий, күнгил очар, майший мавзудан иборат “ўйинга” айланади. Станиславский ижодкорлик түйғусини тўғри тарбиялаш учун аввало, кечинма санъати учун зарур бўлган – инсон табиатини саҳнада табиий ишга туширадиган, жонли мулоқот қонунларига амал қилиш зарурлигини таъкидлайди. Бу қонунлар “система”нинг эмас, балки табиатнинг тизими – тартиби эканлигини асослайди.

Ижодкорлик түйғуси айнан шу қонунларга амал қилгандагина жонли мулоқот тарзида, тизимли намоён бўлишини англаб етади. Масалан, фарзанднинг дунёга келиш жараёни ёки ўсимликни уруғдан улғайиши каби саҳнада ролнинг образини яратиш ҳам табиатнинг умумий қоидаларига асосланганлигини ҳам назарий, ҳам амалий исботлади.

Системанинг илмий қиймати: тадқиқотчининг изланишлари амалиётда ўзининг исботини топганлигида; Москва бадиий театрининг буюк актёрлари ва студияларнинг ёш талабалари билан синовдан ўтказилганлигида; тобора такомиллашиб Меерхолд, Вахтангов каби жаҳонга машҳур режиссёrlарни, ҳамда дунёни лол қолдирган янги актёрлар авлодини тарбияланганлигида; улар яратган спектакллар бадиий яхлитлиги, маънавий ва ғоявий юксаклиги билан томошабинларни ҳайратга базан ларзага солганлигида эди. Энг муҳими намойиш этиш санъати тарафдорларининг актёрлик санъати – “илоҳий илҳом”га, “такрорланмас иқтидорга” боғлик, деган тушунчаларини инкор эта олганлигидадир. Шунингдек, қобилиятли инсон, табиат қонунларидан тўғри ва унумли фойдаланса, унда ижодкорлик түйғуси шаклланиши мумкинлигини амалда исботланганлигидадир.

Натижада, актёр саҳнада жонли мулоқотга эришиши учун ўз табиатини зўриқтирмасдан, берилган шарт-шароитда мақсадга мувофиқ, табиий, фаол ва сермаҳсул хатти-ҳаракат қилиши системанинг асосий талабига айланди.

Саҳнада мақсадга мувофиқ ҳаракат қилиш актёрнинг ақли, иродаси ва түйғуси уйғунлиги натижасида юзага келиши ҳамда ижодкорнинг руҳий ва жисмоний имкониятларини табиий ишга туширишини таъминлаши назарий асосланди.

Станиславский берилган шарт-шароитда актёрнинг руҳий ва жисмоний түйғуларини мақсадга мувофиқ ишга тушурадиган унсурларни – “ижодкорлик элементлари”, деб атади. Бу унсурлар табиат қонунлари тизими бўлиб, актёрнинг түйғуларини табиий қўзғовчи ва ҳаракатга келтирувчи “кечинма санъати” талаблари асосини ташкил қилувчи элементлардир. Улар:

- мақсадга мувофиқ жамланган ва йўналтирилган диққат;
- кўриш, эшитиш ва қабул қилиш;
- мажозий ички кўриш ва ҳис қилиш хотираси;
- берилган шарт-шароитларни тасаввур қилиш;
- саҳнавий муҳит билан алоқадорликни ўrnата билиш;

- саҳнавий түйғу ва ҳаракатлардаги изчиллика амал қилиш;
- саҳнавий ҳақиқатни ҳис қилиш;
- ишонч ва табиийлик;
- ролнинг ва спектаклнинг истиқболини ҳис қилиш;
- фикрли ва мақсадли ҳаракат;
- темпо-ритмни идрок этиш;
- саҳнавий истараға эга бўлиш;
- эҳтиросни қўзғата олиш ва уни жиловлай билиш;
- мускуллар эркинлиги;
- гавданинг ифодавийлиги;
- овозни бошқара билиш;
- тўғри талаффуз ва гапдаги фикрини етказа билиш;
- сўз билан таъсир эта билиш;
- характер ва характерликни ҳис қилиши каби тизимдан, актёрни саҳнада

табиий ҳаракатга олиб келадиган түйғулар мажмуасидан иборат. Бу унсурлардан тўғри фойдаланиш – берилган шарт-шароитда актёрларнинг ижодкорлик түйғусини вужудга келтириб, ўз табиатини зўриқтирумай жонли мулоқотга, табиий ижод жараённига олиб келади.

“Кечинма санъати” талаблари унсурларини мунтазам машқ қилиб, ўз маҳоратини такомиллаштириб бориш, ҳар бир актёрнинг иродаси билан боғлиқ мураккаб жараён. Бу жараённи Станиславский “түйғулар машқи” деб атайди. “Кечинма санъати” актёрлари ҳам худди балет артистлари каби, ёки чолғучилар каби ўзларини ижрога “созлаш”ни зарурат деб билмоқлари шарт. Бу “созлаш” жараёнини ҳам актёрлар ихтиёрий равишда амалга оширишни ўз кўникмасига айлантирас эканлар, ижодкорлик түйғусига – кечинма санъати талаби бўлган жонли мулоқотга эришмайдилар. Балет артистини ёки чолғучини ҳеч ким кел ўзингни навбатдаги ижрога “созлаб” ол демайди. Улар ўз ихтиёрлари билан саҳнага чиқишдан аввал маҳсус машқлар бажарадилар. “Кечинма санъати” актёри ҳам ҳар куни саҳнага чиқишдан аввал, “түйғулар машқи”ни ҳар кунги одатга, кўникмага айлантирас экан “намойиш этиш санъати” актёри даражасида қолаверади. “Олдингдан оқкан сувни қадри йўқ”, дейди доно халқимиз. Меерхолд, Вахтангов, Таиров режиссерасига маҳлиё бўлган театр санъатининг шинавандалари Станиславскийнинг бу ихтиrolарига ҳали беписанд эди.

1923 йилга келиб жаҳоншумил воқеа содир бўлди. Америка Кўшма Штатларига гостролга борган Станиславский раҳбарлигидаги Москва бадиий театри, у яратган назария асосида тарбияланган янги актёрлар ижроси билан томошибинларни ҳайратга солди. Америка матбуоти янги йўналишдаги актёрлик санъати пайдо бўлганлиги ҳақида бонг ура бошлади. Американинг штатлари бўйлаб уюштирилган гострол сафари Станиславскийнинг йиллар

давомида излаган ва амалга оширган кашфиётлари натижаларини “жаҳоннинг етакчи саҳна усталари” ижросидаги спектакллар деб эътироф этди. 1923 йили ёзилиб 1924 йили май ойида нашрдан чиқсан “Санъатдаги ҳаётим” китоби Бостон шаҳрида, 5 минг нусхада, инглиз тилида чоп этилди. Уни рус тилидан инглиз тилига И.Роббенс таржима қилди. Бу эътирофдан ҳайратга тушган Россия театр жамияти Станиславский ихтиrolарига янги назар билан қаради. 1926 йилнинг сентябрида “Санъатдаги ҳаётим” китоби илк бор рус тилида, муаллифнинг назоратида, тўлдирилган варианта, 6 минг нусхада Давлат бадиий фанлар академиясиниг “Сентросоюз” нашриётида нашрдан чиқди.

“Санъатдаги ҳаётим” китобидаги сўз бошида қуйидаги фикрлар бор. Бу китоб жаҳон театр арбоблари ёзган мемуарлар орасида тенги йўқ тарихий, илмий-назарий ва амалий асадир. Станиславскийнинг бу китобда “система” қандай шаклланганлигини қуйидагича изоҳлади. “Кечинма санъати” талабларини синовдан ўтказишни 1901 йилда бошладим ва унинг дастлабки номини “Актёр – гўзаллик ва ҳақиқат тарғиботчиси” деб аташга қарор қилдим. 1902 йилга келиб “Драматик артистнинг маслаҳатчи китоби” деб аташни маъқул деб билдим.

1905 йилда изланишлар натижаларини тартибга солиб, студия ўқувчилари билан синовдан ўтказдим. 1906 йили Германиянинг Берлин шаҳридаги гастролдан кейин, тўғри йўлдан кетаётганимизга амин бўлдим. 1907 йилга келиб такомиллашган натижаларни китоб шаклига солдим. 1909 йили китоб шаклидаги тизимни яна бир бор студия ўқувчилари билан синовдан ўтказдим. 1910 йилдан бошлаб янада такомиллашган изланишлар натижасини “система – тизим”, деб атай бошладим. 1911 йили “системани” Москва бадиий театрининг машхур актёрлари билан синовдан ўтказишга киришдим. 1912 йили янада такомиллашган системани 2-студиянинг талabalари билан қайта синовдан ўтказдим. 1914 йилга келиб чет эллик театр арбоблари ва назариётчиларининг саҳна санъатига бағишлиланган назарий қарашлари билан танишгач, улар амал қилган “намойиш этиш санъати”дан изланаётган “Кечинма санъати” юқорироқ босқич эканлигига амин бўлдим.

Станиславскийнинг ихтиrolарини англаб етган шогирди Е.Вахтангов студия талabalariiga 1916 йилнинг 28 октябрида “Станиславский янги йўналишдаги актёрдан нима истайди” номли мавзууда маъруза ўқиди. 12 ноябрида эса “Станиславскийнинг орзулари” номли маърузасида “юртимиздаги барча театрлар асл саҳна ижодкорларини ўз студияларида тарбиялаши лозим” деган фикрни илгари суради. Шогирдининг бу маърузасидан сўнг Станиславский “Россияни студиялар қамровига олиш керак” деган холосага келади.

1917 йилнинг декабр ойида В.Сахновскийнинг “Бадиий театр ва саҳнада романтизм. Станиславскийга хат” номли китоби нашрдан чиқди. Шу йили Петербургнинг “Еркин санъат” номли нашриётида

Ф.Ф.Комиссаржевскийнинг “Актёр ижоди ва Станиславский назарияси” номли китоби ҳам чоп этилди. Асар билан танишган Станиславский китоб муаллифининг отасидан дарс олганлигини ва санъат сирларини ўргангалигини эътироф этади ва устозининг ўғли, ёш режиссёр унинг назариясини тушунмаганлигини, “системани” адабиётчи нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, адашганлигини қўлидаги китобнинг саҳифаларига ёзиб қўяди. Айниқса, унинг ихтиrolарини “натурализм” деб аталганлигидан қаттиқ хафа бўлади. Китоб қатор мунозараларга сабаб бўлади. Балки бундай нотўғри талқин “системани” янада такомиллаштиришга сабаб бўлгандир. Станиславский айтганидек “Театрни барча севади, балки шунинг учун уни тушунаман деб ўйлайди. Аслида эса театр санъатини тушунадиганлар камчиликни ташкил қиласи, уни биладиганлар эса саноқлидир” деган фикрга келишига туртки бергандир.

1917 йилдаги тўполонлар, қўзғалонлар ва тўнтарилишдан сўнг 1918 йилнинг январ ойидан бошлаб барча хусусий томошагоҳларни давлат қарамоғига ўтказиш ҳамда Москва бадиий театрини қайта тузиш ва репертуарини кўриб чиқиш бошланди. Натижада, шу йилнинг декабр ойида “Ҳар тўкисда бир айб” номли спектаклни революсия доҳийси кўради. Давлатнинг бош раҳбари спектаклга ва Станиславскийнинг маҳоратига жуда катта баҳо беради.

1919 йилнинг 9 март куни давлат раҳбари “Ваня тоға” спектаклини кўриб яна юқори баҳо беради. Шу йилнинг 16 июн куни Москвадаги театрлар раҳбарларининг мажлиси бўлади. Мажлис ахли давлат раҳбариға хат билан мурожаат қилиб “Малий театр” ва “Москва бадиий театри”нинг раҳбарларини бу жамоаларнинг услубини сақлаб қолиш учун ўз жойларида қолдиришни илтимос қилишади.

Станиславский “система” асосида тарбияланган актёрларнинг янги авлоди ўз ижодкорлик туйғуларини тинимсиз ривожлантириб туришлари учун “Актёрнинг ўз устида ишлаши” китобини ёзади. Бу жараён жуда муҳим эканлигини таъкидлаб, китобни онгли равишда икки қисмга ажратади. Биринчиси – актёрнинг кечинма санъати талаблари асосида ўз устида ишлаши. Иккинчиси-актёрнинг ролни ўзлаштириш, яъни қиёфа яратиш жараёнида ўз устида ишлаши. Унинг нияти шу китоблардаги тизим орқали ижодкорлик туйғусини ўзида тўғри тарбиялай оладиган актёрларнинг янги авлодини яратиш эди. Бундай актёрлар бунёдкорлик қудратига эга бўлишига ишонарди.

Ижодкорлик туйғуси – ўзидан қониқмаслик, саҳнада кечагидан яхшироқ, эркинроқ, манилироқ, завқлироқ, мукамал ҳаракат қилиш орқали ролнинг бадиий яхлитлигига интилиши каби тушунчаларни ўз ичига оларди. Мақсад, янги авлод актёрларида – рол устида тинимсиз ишлаш кўникмасини шакллантириш эди.

Станиславский системасининг китобларда шаклланган тизими қуидагича. Биринчи том, “Санъатдаги ҳаётим” – кечинма санъатининг назарий асосларини ёритиш учун “намойиш этиш санъати” билан таққослади ва устунлигини илмий исботлади. Иккинчи том, “Актёрнинг кечинма санъати талаблари асосида ўз устида ишлаши” – “актёрлик туйғуси”дан юқориоқ босқичга – ижодкорлик туйғусига күтарилиш учун махсус “туйғулар машқи”ни бажарип, ҳар бир спектаклда қайта кечиниш ва жонли мулоқотга эришиш назарияси ҳамда амалиёти. Учинчи том, “Актёрнинг ролни ўзлаштириш, яъни қиёфа яратиш жараёнида ўз устида ишлаши” – гавданинг ифодавий имкониятларини такомиллаштириш, нутқ аппаратининг имкониятларини ошириш учун – нафас, овоз, артикулятсия, диксия ҳамда ижроси билан партнёрига ва томошабинга таъсир эта олиш. Персонаж характери талаб қилган гавда ва нутқ уйғунлигига эришиш орқали жонли мулоқотга киришиш. Тўртинчи том, “Актёрнинг рол устида ишлаши” – деб номланган бўлиб, унда ижодкорлик туйғуси тўғри тарбияланган актёрнинг “созланган” руҳиятини ва жисмини муаллиф берган шарт-шароитда, мақсадга мувофиқ ҳаракатга келтириш масаласи тизимга солинади. Бу мураккаб жараённи ёритган китобда: биринчи томда ифодаланган назарий қарашлар; иккинчи ва учинчи томларда изоҳланган амалиётда зарур бўладиган тавсиялар; рол устида ишлаш учун зарур бўлган уч таянч нуқтаси назарий асосланди. Булар – ақл, ирода ва ҳиссиётнинг уйғунлигидан иборат тушунчаларнинг изоҳи эди.

1. Ақл – драматургик асоснинг моҳиятини англаб етадиган фаросат, мавзу, ғоя, воқеалар тартиби ва характерлар ифодаланган яхлитликни тасаввур қилиш ва ҳис қилиш қудрати, уни бадиий тафаккур ёрдамида қандай шаклда амалиётда томошага айлантиришни биладиган ижодий туйғу. Станиславский театр санъатида ақл – қандай амалга оширишни билиш деган тушунча билан тенгdir дейди.

2. Ирода – ролнинг образини яратиш учун қанча ақл, куч, сабр-тоқат, қийинчиликларни матонат билан енгадиган ишонч, изланиш, қайта изланиш, кузатиш ва уларни жамлаб, амалиётга тадбиқ қилиб, то ижобий натижага эришмагунча тинчлик бермайдиган қувват–яратувчилик қудрати. Станиславский иродасиз инсонга бу касб ўз сирларини очмайди, натижада бундай актёр саҳнадаги жонли мулоқот қудратини, ҳар бир спектаклда қайта кечиниш лаззатини билмай, “актёрлик туйғуси”га таяниб умрини ўтказиши мумкинлигини эслатади.

3. Ҳиссиёт – англанган, бадиий шакли топилган, ҳаракатлар табиийлиги билан завқ берадиган ижрони томошабинга етказишни соғиниш, персонажнинг интилишини, орзу-умидларини, завқу шавқини, чуқур кечинмаларини, дарду аламини, нозик ҳисларини ҳамдард – томошабинга улашишни доим хоҳлаш, жамлаганини, ҳис қилганларини тарқатишга ошиқиши туйғуси. Бундай ҳиссиёт фақат ижодкорлик туйғуси тўғри

тарбияланганларда бўлади. Яратувчанлик қудратига эга актёр навбатдаги ижро учун қандайдир янгилик топади. Ўз ихтиrolаридан қувониб, уни тезроқ саҳнага олиб чиқишига, ролини янада бойитишга интилади ва навбатдаги спектаклни тезроқ келишини соғинч билан кутади. Спектаклдаги ўз ролини завқ билан ижро қиласди. “Инжиқ илҳом” доим унинг хизматида бўлади. Бундай актёр ўз табиатини зўрламайди, зўриқмайди. Чунки, унинг табиати, ҳиссиёти, туйғулари ҳаётий қонунларга – хоҳиш бор жойда катта қувват, яратувчанлик мавжуд, деган ҳақиқатга таянади. Ҳиссиёт – ақл ва ироданинг ҳамкорликдаги изланишлари натижаси сифатида ёрқин намоён бўлади.

Ақл, иромда ва ҳиссиёт уйғунлигига қандай эришиш мумкинлиги ҳақидаги таълимотни Станиславский: саҳна асарнинг хатти-ҳаракат таҳлили; олий мақсад; етакчи хатти-ҳаракат; курашни кескинлаштириб турадиган “қарама-қарши ҳаракат”; онгли ҳаракатдан – онг ости бошқарадиган табиий хатти-ҳаракатга эришиш” каби тушунчаларни изоҳлаш орқали тушунтиради.

Саҳна асарининг таҳлили жараёнида жамоанинг “олий мақсади” қанчалик теран умуминсоний ғояларга интилса, спектаклнинг пировард мақсадини, ижодкорларнинг бадиий жавобгарлигини шунчалик юксалтиради. Натижада, актёрлар учун ўз ролининг етакчи хатти-ҳаракатини аниқлаш осон бўлади. Спектакл яратадиган жамоанинг ижодкорлик туйғуси томошанинг ва ҳар бир ролнинг бадиий яхлитликка эришишига хизмат қиласди. Аксинча, олий мақсад – илгари сурилаётган бадиий ғоя, қанчалик маънавий саёз бўлса, “актёрлик туйғуси” – штамплар, “ғамхўр ҳунар” дарҳол хизматга келади. Актёрларнинг етакчи хатти-ҳаракатлари ҳам сустлашади. Бу фикрни Станиславский “Гамлет” трагедияси мисолида қуидагича изоҳлайди. Агар ижодий жамоа трагедиянинг олий мақсадини – “отасининг ўлими учун қасд олиш” деб белгиласа, машҳур трагедия оддий, оилавий драмага айланади. Сабаби қасд олиш энг майший фикр бўлиб, жамоанинг изланишлар олиб боришга эҳтиёжи бўлмайди. Актёрнинг етакчи хатти-ҳаракати шу даражада соддалашадики, унинг бадиий қиймати қолмайди. Агар олий мақсад – “тирик инсоннинг ҳаётдаги ўрнини белгилаш” деб олинса, жамоа ижтимоий-фалсафий трагедия яратиш учун изланишлар олиб боришга мажбур бўлади. Спектаклнинг олий мақсади янада чуқурлаштирилса ва умуминсоний ғоя даражасида белгиланса, яъни “ёлғонларни фош қилиб, инсонларни ҳақиқат учун курашга даъват қилиш” деб олинса, жамоанинг ижодкорлик туйғуси жўш уради. Ҳар бир актёр ўз етакчи хатти-ҳаракатини шу юксак ғояни очиш учун хизмат қиладиган даражада аниқлашга ҳаракат қиласди.

Рол устида ишлаш жараёнида олий мақсадни ва етакчи хатти-ҳаракатни тўғри белгилаш, бутун жамоанинг, ғоявий юксаклигини, интилишини, маънавий даражасини, бадиий фикри теранлигини қўрсаткичига айланади. Шунинг учун спектакл яратиш жараёнида “олий мақсад ва етакчи хатти-ҳаракат”ни тўғри белгилаш ҳал қилувчи жабҳага, системанинг рол устида

ишлиш жараёнининг бош масаласига айланади. Бу масала ўз навбатида актёрнинг саҳнадан ташқаридаги, яъни ҳаётдаги олий мақсадига ҳам аниқлик киритади.

Станиславский бу тушунчани ижодкорнинг энг олий мақсади, яъни шахснинг олий-олий мақсади, деб белгилади. Бу мақсад ижодкорнинг маънавий қиёфасини белгилайдиган, ижтимоий интилишини намоён қиласидиган, дунёқарашини, бадиий савиясини, тарбияланганлик даражасини ва фуқаролик бурчини ошкор қиласидиган кўрсаткичdir. Табиат қонунларига асосланиб, шахс даражасига кўтарилган актёрнинг яратган образлари, унинг ижодкорлик қудратини кўрсатади. Замонамизнинг машхур актёри Олег Табаковдан – “сизнинг ролларингиз бир-бирини такрорламайдиган янги қирралари билан барчани эсида қолади. Бунинг сири нимада деб сўрашганида, у – чунки мен песанинг таҳлилини режиссёрдан ҳам, танқидчилардан ҳам яхши биламан, деган жавобни айтган. Демак, бу актёрда – ақл, иромда ва ҳиссиёт уйғунлигидаги ижодкорлик туйғуси, яратувчанлик қудрати мавжуд.

1930 йилга келиб Станиславский яратган “кечинма санъати” тизими саҳнада бадиий ҳақиқатни яратса оладиган янги актёрлар авлодини яратганлиги ҳақида, шу авлод вакиллари китоб ёза бошлади. Л.Лионидов системадан олган таассуротларини шундай изохлайди – “Станиславский актёрнинг нигоҳини ўзининг қалбига қарашга ўргатди. У лабиринтлар орасида юз йиллаб адашиб юрган ижодкорлик туйғусини кенгликка, олиб чиқди. “Кечинма санъати” тизими актёрни қоронғулиқдан-ёруғликка етаклади. Ҳунармандликка асосланган “намойиш этиш санъати” актёрлари лабиринт ичида қолиб кетди. Таассуротларим ҳақида “Станиславский ва унинг системаси” деган китоб ёзишга қарор қилдим. Бу китоб театрнинг эртанги куни ҳақида эмас, балки узоқ келажаги ҳақида бўлади. Чунки, Станиславский актёрнинг саҳнавий туйғуларига эркинлик берди. Шу йили “Актёрнинг ўз устида ишлиши” китобининг биринчи қисми инглиз тилига таржима қилина бошланди. Ижодкорлик тўйғуси тўғри тарбияланган актёрлар, бу китоб асосида ҳар бир спектаклда кечагидан яхшироқ, эркинроқ, завқлироқ, мукаммалроқ ижрота эришаётганликларини матбуот саҳифаларида эълон қила бошладилар.

1931 йилнинг 24 декабрида “Кўркинч” номли спектакл муҳокамасида барчанинг ижобий фикрига қарши О.Литовский ва А.Роомлар “система” риволюсиядан аввал пайдо бўлган методология бўлса, бугун уни сотсиализмнинг театр санъатида ҳам қўллаш мумкинми, деган фикрни ўртага ташлашди. Табиат қонунларига асосланган ижод тизимини англаб етмаганларнинг фикри Станиславскийнинг соғлиғига қаттиқ таъсир қилди.

Психофизик ҳаракатга асосланган “кечинма санъати”нинг актёрлар рухиятини “созлаш” билан боғлиқ “туйғулар машқи”ни баъзилар тўғри

англамаётгалиги учун Станиславский уни янада соддалаштириш устида изланишлар олиб борди.

Академик И.Павловнинг “Сигнал системаси” ва И.Сеченовнинг “Бош миянинг рефлекслари” номли ихтиrolари билан қайта танишиб чиқкан Станиславский инсоннинг жисмоний ҳаракатларида унинг мақсади, туйғулари акс этишини англаб етди. Натижада, актёрлар ўз хошишларини оддий жисмоний ҳаракатларда мантиқан ва изчил ифодалай оладиган “жисмоний хатти-ҳаракатлар услуби”ни яратди.

Янги услугуб яратилгунга қадар психофизик ҳаракат таҳлилидан бошланадиган “рол устида ишлаш” – драматург фикр-ғоясини, асар руҳиятини, персонажлар характерини, режиссёр режаси моҳиятини чуқур англашга ва стол атрофидаги репетитсияларда берилган шарт-шароитни хис қилиш жараёнига асосланган. Бу мураккаб жараённи соддалаштириш учун Станиславский ҳар бир актёрга ўз “ролининг жисмоний ҳаракатлари партетурасини” мантиқан ва изчил ёзма равишда ифодалашни таклиф қилади. Бу вазифани бажараётган актёрдан ўз ролининг жисмоний хатти-ҳаракатлари тизимини ёзиб чиқиши талаб қилинади.

“Ролнинг партетураси” нозик кечинмаларни ва кучли эҳтиросларни келтириб чиқарадиган жисмоний хатти-ҳаракатларнинг мантиқли ва изчил тизимини ифодалайди. Бу тизимда актёрни ролнинг олий мақсадига олиб борувчи етакчи хатти-ҳаракати ёрқин намоён бўлади.

Станиславский умрининг охирида ихтиро қилган “жисмоний хатти-ҳаракатлар услуби” мураккаб руҳий кечинмаларни “ташқи” ҳаракатлар мантиғи ва изчиллиги орқали ўзлаштириш, кечинмаларни психофизик ҳаракатлар ёрдамида ўзлаштиришга нисбатан соддароқ йўл эканлигини исботлади.

Тинимсиз изланишлар натижасида Станиславский системаси “ички” ва “ташқи” ҳаракатларни таҳлил қилган яхлит тизимга айланди. Энди бу тизимда психофизик хатти-ҳаракат орқали ролни “ичдан” хис қилиш орқали “ташқи” жисмоний ҳаракатларга ўтиши қулай бўладиган ҳамда “жисмоний хатти-ҳаракатлар услуби” орқали “ташқаридан-ичкарига”, яъни руҳий кечинмаларга етиб бориши осон бўладиган актёрлар учун имкониятлар янада кенгайди. Бу ихтиrolар: актёрнинг ўз устида ишлаши, рол устида ишлаши, рол устида ишлаш жараёнида ўз устида ишлаши каби яхлит тизимни вужудга келтирди. Бу тизим саҳна ижодкори билан содир бўладиган барча жараёнларни қамраб олганлиги ва уларинг амалий ечимини топиб, ҳаётий асосга эгалигини далиллай олганлиги билан умрибоқий бўлиб қолди.

1934 йилга келиб Л.Лионидов Шекспир “Гамлет” асарида актёрлардан нималарни талаб қилган бўлса, уни саҳнада амалга ошириш тизимини Станиславский яратди, деган хulosага келади. Станиславскийнинг назарий қарашларини асослаган “Санъатдаги ҳаётим” китоби 1934 йилнинг январ ойида Парижда, франсуз тилида нашрдан чиқди. 1936 йилнинг 12 ноябрида

Ню-Ёркда “Актёрнинг ўз устида ишлаши” асари инглиз тилида “Актёр тайёрланмоқда” номи билан нашрдан чиқди.

Дунё бўйлаб системани тан олинганлигини гувоҳи бўлган Станиславский ўз шогирдларига “кечинма санъати” асосларини сақлаб қолинг ва уни юзакиликдан ҳимоя қилинг, деб мурожаат қилди.

“Системани” ҳимоя қилиш учун янги йўналишда табияланган актёрларнинг этикаси яъни тарбияланганлик даражаси “кечинма санъати”нинг навбатдаги бош масаласига айланди. Сабабини Станиславский куйидагича изоҳлади – Динга, ватанга ва театрга хизмат қиласидилар. Театрдек муқаддас даргоҳга актёрлар ишга келмайди. Театрда – хизмат қиласидиган ва бу хизмат актёрларнинг инсонийлик ва фуқаролик бурчидир. Театр санъати орқали томошабинни маънавий, маърифий, бадиий, ахлоқий тарбиялаш ҳамда руҳан поклаш ҳам фаол ва ҳалол хизматни талаб қиласидиган муқаддас бурчидир.

Актёрнинг жисми, руҳи, фикри, эътиқоди, овози, сўзи, тасаввuri, тафаккури, ишончи, интилиши, ижодкорлик қудрати, унинг шахсий хизматчилари ҳисобланади. Улардан тўғри ва унумли фойдаланиш ҳамда мақсадга мувофиқ бошқариш мураккаб жараён. Чунки – актёр ўзи маҳсулот, ўзи асбоб-ускуна, ўзи иш бажарувчи, ўзи назоратчи, ўзи хатоларни тузатувчи ва ўзи натижани баҳоловчидир. Бундай руҳ ва танинг уйғун хизмати фақат актёрлик касбига насиб қиласидир. Шунинг учун унинг ахлоқи, яъни тарбияланганлик даражаси – маданияти ижтимоий ва сиёсий масалага айланади.

Арасту таъкидлаганидек ахлоқ – бу сиёsatdir. Ҳақиқатдан ҳам спектакл яратиш жараёнида жамоага манзур бўлиш, у билан ҳамкорликда ғалаба учун хизмат қилиш, соғлом ижодий муҳитни сақлаш учун фаоллашиш актёр этикаси билан боғлиқ бўлган – театр санъатининг сиёсий масаласидир. Шунинг учун Станиславский артист этикаси – “системанинг қалбидир” деган таълимотни илгари суради.

Станиславский “кечинма санъати” назариётчиси, амалиётчиси ва педагоги сифатида ўзигача ҳеч ким эътибор бермаган саҳна сирлари билан боғлиқ комплекс масалаларини илмий ёритади, асослайди, исботлайди. “Рол устида ишлаш” масалаларини бешинчи ва олтинчи томлардан жой олган суҳбатлар ва маъruzalariдаги фикрларида янада чуқурроқ изоҳлай олди. Еттинчи ва саккизинчи томлардан жой олган хатларида ўз ихтиrolарини замонасининг энг етук ижодкорлари, актёрлари, режиссёрлари, композиторлари, физиологлари, рассомлари билан ёзишувларидаги баҳс-мунозараларда изоҳлаган.

1927 йили актёрлик фаолиятини тўхтатиб бор кучини, ғайратини режиссура ва педагогикага бағишилаган Станиславскийнинг яратган театр санъати эстетикаси ва методологияси жаҳондаги илғор саҳна санъати таълимотнинг етакчи дастури амали бўлиб қолмоқда.

Жаҳонни забт этган “Станиславский системаси”: 8 томлик “К.С.Станиславский”; 4 томлик “К.С.Станиславскийнинг ҳаёти ва ижоди; 6 томлик “Станиславскийнинг режиссёрлик экземплярлари; “Станиславский ва жаҳон театри”; “Станиславский этикаси” номли китобларда ва унинг ихтиrolари билан боғлиқ қатор докторлик диссертацияларда изоҳланган.

Пушкин иборасини нақадар тўғри экандигини ҳаёт исботлаб келмоқда. “Система”дан тўғри ва унумли файдаланган ўзбек театр санъати арбоблари Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Музаффар Мухамедов, Тошхўжа Хўжаев каби режиссёрлар миллий саҳна санъатимизни жаҳонга машҳур қилдилар. Чунки улар ижоди Станиславский системасига асосланган эди.

Ўзбек театр санъати педагогикаси 1964 йилдан бошлаб ҳар икки йилда ўтказилган театр санъати институтларининг “Диплом спектакллари фестивали”да тан олинди. Мунтазам гоҳо иккинчи, гоҳо биринчи ўринни эгаллаб келган Тошкент давлат театр ва рассомлик институти тарихида 1982 йили оламшумул воқеа содир бўлди. Академик Мамажон Раҳмонов раҳбарлигига ташкил қилинган “Станиславский системаси ва қардош халқлар театри” номли халқаро Конференсия Тошкенда ўтказилди. Бу – анжуман иштирокчилари ва жаҳон театр арбоблари томонидан “система”ни Ўзбекистонда тўғри ўқитилаётганлигини тан олганлигидан далолат эди.

2013 йилли 17-19 январ кунларида Москва шаҳрида Станиславский таваллудининг 150 йиллигига бағишланган “Станиславский ва жаҳон театрлари” номли халқаро Конференсия бўлиб ўтди. Унда замонамизнинг энг машҳур театр санъати арбоблари иштирок этишди. Англия, Франсия, АҚШ ва Россиянинг жаҳонга машҳур режиссёрлари ва етакчи санъат арбоблари ҳамда театршунослари Станиславский таълимотининг қудрати ва бугунги аҳволи тўғрисида ўз фикрларини ўртоқлашди. Улар: нега театрни севган кишилар ўз ихтиёрлари билан бу шахс ижодини ўргана бошлайдилар; унинг ихтиrolари турли эстетик қарашларга эга бўлган дунёning энг илғор театр санъати арбобларини нега ўзига жалб қиласди ва бирлаштиради; нега ёшлигига “система” эскирди деганлар, тажрибаси ошгач уни мукаммал тизим эканлигини тан олади; бугун томошабинни маънавий маданиятга даъват қиласман деганлар “системага” мурожаат қиласин; у шундай баланд қояки, театр билан шуғулланаётганларга доим кўриниб туради; у томошабинларни ўзгартиromoқчи эди, бугун бундан-да хайрлироқ иш бўлмаса керак; Станиславский доим актёрларнинг энг яхши маслаҳатчиси бўлиб қолади, деган фикрлар билан бир-бирини тўлдиришди ва буюк назариётчини улуғлашди.

Конференсия 2013 йилни “Станиславский йили” деб эълон қилиш ҳамда Москва Бадиий театри рўпарасида Станиславский ва Немирович-Данченколарга ҳайкал ўрнатиш мақсадга мувофиқ деган қарорга келишди.

Станиславский – мен биронта янги қонун яратмадим, фактат табиат ҳамда инсон руҳи билан боғлиқ қонуниятларни актёрлар ўз ижодида тўғри

фойдалансин деб тизимга солдим ва улар миллати, ирқи ҳамда эътиқодидан қатъий назар барча халқларга бирдек хизмат қилади дейди.

Хулоса қилиб айтганда, бу тизимни тушунмасдан инкор қилиш, ҳаёт ва табиат қонунларини тан олмаслик билан баробар эътиборсизлик, дилетантлик бўлади. У “системани” тўғри тушунгандар ва ундан унумли фойдаланган ижодкорлар ўзлари кўплаб янги тизимлар яратади, деб умид қилади. Биз ҳам шундай бўлишига ишонамиз!

### *Мавзуни мустаҳкамлаши учун саволлар*

1. «Жадид драмаси» нега давр талабига айланди?
2. «Театр санъати ахлоқий гоянинг ифодаси», деган тушунчани изоҳланг.
3. Спектаклнинг жсанри қандай аниқланади?
4. Режиссёр учун муаллиф услубини аниқлаши қандай аҳамиятга эга?
5. Режиссёр ўз спектаклида жсанр хусусиятларини ўзгартира оладими?
6. Мавзунинг долзарблиги қандай аниқланади?
7. Гоянинг замонавийлиги нималарда акс этади?
8. “Санъаткорлик туйғуси” тушунчасини изоҳланг.
9. Театр санъатининг уч таянчи – ақл, иродава ҳиссиётнинг ўзаро узвий боғлиқлигини қандай изоҳлаши мумкин?
10. Саҳна санъати қоидалари нега барча халқлар театрлари учун аҳамиятли?

### **Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари\***

#### **Асосий адабиётлар**

1. Исломов Т. Тарих ва саҳна. – Т.: F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.
2. Ризаев Ш. Саҳна маънавияти. – Т.: Маънавият, 2000.
3. Абдусаматов X. Драма назарияси. – Т.: F. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
4. Махмудов Ж. Актёрлик маҳорати (ўқув қўлланма). – Т., 2005.
5. Умаров М. Маннон Уйғур эстетикаси. – Т.: Мусиқа, 2007.
6. Махмудов Ж., Махмудова X. Режиссура асослари. – Т.: Мусиқа, 2008.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишлиланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январ, №11.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. 2017 йил

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. 2017 йил
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъийтартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон, 2016
6. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг муҳим пойдеворидир. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги маърузаси.”Халқсўзи” газетаси, 2017 йил, 4 август, 153-сон
7. Захава Б. Мастерство режиссёра и актёра. – М.: Просвещение, 1978.
8. Товstonогов Г. Зеркало ссени. т. 1-2. – Л.: Искусство, 1980.
9. Хўжаев Қ. Саҳнага йўл. – Т., 1974.
10. Жўраев Ф. Обид Жалилов. – Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1968.
11. Фелдман Й. Олим Хўжаев. – Т.: Ўзбекбийншр, 1962.
12. Қодиров М. Сойиб Хўжаев. – Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
13. Ризаев О. Наби Раҳимов. – Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
14. Раҳмонов М. Ҳамза. (Ўзбек давлат академик драма театри тарихи.) Биринчи китоб (1914 – 1960 йиллар). – Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
15. Раҳмонов М., Тўлаҳўжаева М. Т., Мухторов И. А. Ўзбек миллий академик драма театри тарихи. – Т., 2003.
16. Турсунбоев С. Театр тарихи. – Т.: Билим, 2005.

#### **Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyo.net](http://www.Ziyo.net)
2. [kitobxon.uz](http://kitobxon.uz)
3. <http://www.teatr.ru>
4. <http://www.uzbekteatr.skm.uz>
5. <http://stanislavskiy.by.ru>
6. <http://www.teatr-estrada.ru>
7. [teatr.com](http://teatr.com)
8. <http://www.mxat.ru>

### **3-МАВЗУ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ДРАМАТУРГИЯСИ ВА РЕЖИССУРАСИ**

**Режа:**

- 3.1. Мустақиллик даври томоша санъати ривожи: миллий ўзига хослик ва интеграллашув.**
- 3.2. Спектаклнинг бадиий яхлитлиги.**

***Калим сўзлар:** замонавий драматургия, интерпретация, миллий ўзига хослик, интеграллашув, бадиий яхлитлик, санъат синтези.*

#### **3.1. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТОМОША САНЪАТИ РИВОЖИ: МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК ВА ИНТЕГРАЛЛАШУВ.**

Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилиниши туфайли мамлакатда ижтимоий ҳаёт янги тараққиёт йўлига кирди. Миллий давлатчилик ақидалари қайта тикланди, рад этилган, қувғиндаги дину диёнат ўз ўрнига қайтди. Қораланган буюк сиймоларнинг муборак номлари оқланди. Ўтмиш ва мавжуд ҳаётни адолат ва ҳақиқат назари билан баҳолашга барча имконият яратилди.

Мустақиллик шарофати билан миллий драматургия ўзининг янги тарихини яратишга ўтди; иккинчидан, драматургия буортма асосида мажбурий ижод усулларидан халос бўлди; учинчидан, саҳна асарлари қадриятлар, миллий урф-одат ва маросимлар талаблари асосида яратила бошланди; тўртинчидан, асоссиз қораланган шахслар оқланди ва улар ҳақида асарлар яратиш мумкин бўлди; бешинчидан, ўзбек тили давлат тили мақомига эришди, олтинчидан, халқимиз эркин ижод қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Драматургларимиз энг аввало улуғ сиймолар ижодига бағишлиланган мавзуларда саҳна асар яратиш ҳуқуқини қўлга киритди. Натижада жанр турлари ва хусусиятларида ҳам янгиланиш кўрина бошлади. Театрларимиздаги ўзгаришлар, хусусан янги саҳна кошоналарининг бунёд бўлиши, эскиларини замон талаблари асосида таъмирлаш ва жиҳозлаш, авлодлар алмашишидан иборат бўлди. Бу ишлар билан бир қаторда театр ходимларининг янгиликка интилиши, драматург, режиссёр ва актёрларнинг фаоллиги ва уларнинг бирлиги сезила бошлади.

Турли танловлар, ижодий изланишлар, фестиваллар драматургияга ва саҳна санъатига таъсирини қўрсатди. Натижада театрлар миллатнинг табаррук жойига айланди. Унда олим ҳам, олимликка давогар бўлмаганлар ҳам, жинсидан ва ёшидан қатъий назар кўзи очиқ, қулоғи эшитадиган барча тоифа одамлар эстетик завқ оладиган бўлди. Театрлар томошабинларни янги замон руҳида тарбиялайдиган маънавият маскани ролини тўла бажариш имкониятига эга бўлди. Спектакл яратишда драматург, режиссёр, композитор, рассом, актёрлар қаторида чироқ устаси ҳам, пардозловчи ҳам,

декоратсия устаси ҳам, тикувчию овоз режиссёри ҳам фаол қатнаша бошлади. Бу санъат ситези ҳосиласи бўлиб спектакл туғилади. Спектакл ўз навбатида олиму савдогарга, шоиру ҳаммолга, фаррошу учувчига, қўйингки, турли касб эгаларига хизмат қиласи, уларнинг руҳини кўтариади.

Шу ўринда ўзбек театрининг пойдеворини қурган сиймолардан бири жадидчи маърифатпарвар Мунаввар қори Абдурашидхонов (1878-1931)нинг юз йил аввал айтган муборак сўзлари эсга келади: “Туркистон тилида ҳануз бир театр ўйналмағонлиги барчамизга маълумдир. Шул сабабли баъзи кишиларимиз театрга эҳтимолки, ўйинбозлик ёхуд масхарабозлик кўзи ила боқурлар. Ҳолбуки, театрнинг маъноси “ибратхона” ёки “улуғлар мактаби” деган сўздир. Театр саҳнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинғон бир уйга ўхшайдирки, унга ҳар ким кирса, ўзининг ҳусни ва қабиқини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур”. (“Театр” журнали, 2007 йил, 1-сон, 25-бет).

Истиқлолнинг ilk кунидан бошлаб ўзбек драматургиясида кетма-кет буюк аждодларимиз ҳаёти, фаолиятини ёритувчи пеша ва спектакллар юзага келди. Улар орасида Соҳибқирон Амир Темур, унинг давлат бошқаришда тутган сиёсати, маънавий дунёсини очишга жазм этиб ёзилган асарлар етакчи ўринга чиқди. Мустақилликнинг дастлабки йилиёқ Қашқадарё театри саҳнасида Тўра Мирзонинг «Амир Темур» (реж. Б.Назаров, 1991), шу муаллифнинг Фарғона театри саҳнасида «Амир Темур ва Тўхтамиш» (реж. М.Юсупов, 1996), А.Ориповнинг Миллий академик драма театрида «Соҳибқирон» (реж. О.Салимов, 1996), Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида А.Икромовнинг «Амир Темур» бир пардали операси (1996), шу композиторнинг «Тановар» рақс театрининг бадиий раҳбари Й.Исматова билан ҳамкорликда яратган «Темурий маликалар» хореографик лирик қисса, Аброр Ҳидоятов номидаги драма театри саҳнасида Муртазо Бафоев мусиқаси асосида Б.Йўлдошев, Г.Бrim саҳналаштирган «Ипак йўли» пластик спектакл, Сурхондарё театрида Қилич Абдунабиевнинг «Амир Темур ва Йилдирим Боязид» (реж. М.Равшанов, 1995), Жиззах театрида О.Ёқубовнинг «Фотихи Музаффар» асарларининг саҳналаштирилиши вилоят театрларимиз билан бирга қўшни давлат театрларини ҳам Темур ва темурийлар мавзусига эътиборини кучайтириб юборди. Мавжуд ҳодисани эътиборга олган республикамиз ҳукумат идоралари Президентимиз И.Каримовнинг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш ҳақидаги фармонига ҳамоҳанг «Наврўз-67» Ўзбекистон театр санъати фестивалини ўтказишга қарор қиласидилар.

Мустақилликнинг йигирма саккиз йиллик қисқа тарихи давомида республика театрлари, шу жумладан, Миллий академик драма театри репертуаридан тарихий мавзудаги асарлар муттасил ўрин олиб келди. Ана шундайлардан бири Й.Муқимов, Ҳ.Расулнинг македониялик Искандарнинг юртимизга бостириб келиши ва унга қарши Спитамен бошлиқ тарихий халқ қўзғалонини ривоятнамо романтик руҳ билан саҳналаштирилган «Муқаддас

«Тахтизар» спектакли (реж. А.Исмоилов, 2003) пухтагина режиссёрлик ечими асосида тимсолларнинг жонли ижросида эришилган ютуқларга бой бўлди.

Республика театрлари репертуаридан ўрин олган ҳам тарихий, ҳам замонавий мавзуларда ёзилиб саҳналаштирилаётган асарлар орасида ғоявий ва бадиий жиҳатдан хом-хаталалари хийлагина бўлса-да, мавзулар хилмачиллиги кўзни қувонтиради. Бунинг устига мустақиллик йиллари драматургияга кўплаб янги умидли муаллифларнинг кириб келганлиги ҳам қувонарли ҳол. Масалан, У.Азимов ва унинг «Алпомишнинг қайтиши», «Кундузсиз кечалар», «Бир қадам йўл», э.Хушвақтов ва унинг «Чимилдиқ», «Машраб», «Қаллик ўйин», «Қирмизи олма», С.Сирожиддиновнинг «Фигон» (Нодирабегим), «Ҳаёт эшик ортида», Т.Юнуснинг «Қор одам воқеаси», М.Бобоевнинг «Ўлим ҳалқаси», К.Авазнинг «Марварид тақсан аёл», «Ташкилдаги ҳангома», «Жобби Жўжакнинг ҳийласи», «Жавлон жўрра», «Авесто – меҳр фарзанди» сингари, Х.Хурсандовнинг «Кампир топайми дадажон», «Бир ўлиб кўрайчи», С.Имомовнинг «Суперқайнона», «Ергинамнинг орзуси», «Дада демайман», И.Турсуновнинг «Бир қанотлилар», П.Қодировнинг «Уч кунли дунё» сингари кўплаб асарлар шулар жумласига киради.

Муҳими мустақиллик узоқ ўтмиш ва ҳозир, буюк тарихий шахслару адабий-маданий меросимиздан тортиб, ҳалқ удумларигача янги назар билан идрок этиш имкониятини берди. Ана шу яратилган имкониятлардан саҳна санъатига алоқадор ижодкор ва театр жамоалари унумли фойдаланиш йўлига ўтдилар. Чунончи, Миллий театр саҳнасида пайдо бўлган э.Хушвақтовнинг «Чимилдиқ», (реж. Т.Азизов, М.Абдуллаева, 1996), «Қаллик ўйин», (реж. Т.Азизов, 2002) спектакллари театр ҳаётида кутилмаган натижаларни берди. Масалан, «Чимилдиқ» премера кунидан бошлаб 2000 йилгача, яъни тўрт йил ичида икки юз йигирма тўрт маротаба томоша зали тирбанд ҳолда ижро этилди.

Бу этнографик манба асосига қурилган бадиий импровизатсия спектакли мисолида ўзбек томошабини ўзининг яхши, ибратли удумларига ҳурмат ва эҳтиром хисси жўш урди. Спектакл таъсир кучининг сиру асрори шунда. Спектаклдаги ҳар бир рол ижроси самимият ва илҳом маҳсули эди. Масалан, Дилбар Икромова меҳр ва юмор билан барча тажриба ва маҳоратини ишга солиб, қалби дарё, идроки теран, турмуш ва рўзгорнинг турли икирчиликларини, одамлар табиати ва одатларини кўравериб кўзи пишган, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотмайдиган, доим яхшиликка қўл уришга тайёр Момо образини яратди.

Саида Раметова ижросидаги ўланчи – соф ўзбек аёли, инсонларга жонини фидо этишга тайёр, яхши ниятли ёш оналаримизнинг тимсоли. Келин образи, айникса, унинг талқини мисолида меҳр ва камолотнинг улғайиш сехрини гувоҳи бўламиз. Қиз аввал кўрмаган, ёши ўтинқираган, чиройи унча кўзга ташланмайдиган, аммо чимилдиқдаги қатор синоатдан

кейин дили пок, ақли расо, оқибатда маңқул тушиб қолған тенгини топади. Бу ролни ижро этган М.Мухторова қалбидаги ғурур, хаёлидаги олам-олам режалар ўрнини қандай қилиб, күнглига ўтирган, никоҳ туфайлигина рўпара бўлган йигитнинг муҳаббати эгаллай олишини юморга йўғрилган кечинма аралаш нозик саҳналарда ўзига хос, ярашиб турадиган «қилиқлар», ифода усуллари билан баён этади.

Куёв ролининг ижрочиси ҳам А.Абдуваҳобов талқинида ўзига хос. У куёвнинг фазилатлари сиртига нисбатан, фаросати етук йигитлигига эканини ўрни билан очади. Оқибатда келинни ўзига ром қилувчи хатти-ҳаракатлар топиб, ақлинни забт этувчи сұхбатлар қуради.

Бу ролни Р.Жўраев ҳам ижро этади. У А.Абдуваҳобовга ўхшамайди, ўзига хос талқин ва таъриф жилоларини топади.

Спектаклнинг ҳаётийлигини оширадиган асосий аломатларидан бири ундаги оммавий саҳналарни тафсилотли майда ҳодисаларга бойлигига ҳам кўринади. Саҳна безакларию, кийим-кечаклар турфа ранги қўшилиб, чинакамига импровизатсия асосига қурилган бадиий этнографик театр томошаси таассуротини ҳосил қиласди.

«Чимилдик» театрнинг томошабоп асари бўлиши билан бирга, омади юришган спектакли ҳам бўлди. Ўша йилнинг ўзида театр шу спектаклини Қоҳирада ўtkазилган Жаҳон экспериментал театрлари фестивалида муваффақият билан намойиш этди. Бу театрнинг тарихида узоқ чет эл сафарига биринчи бор чиқиши эди.

«Чимилдик»нинг кенг томошабинлар доирасига хуш келганидан муаллиф ва театр жамоасининг ғайрати жўшиб, чимилдик мавзусининг давоми сифатида «Қаллик ўйини» лирик комедиясини юзага чиқаришди.

Спектаклда этнографик тафсилотлардан кўра характерларнинг очилиши жараёни, айниқса, кечинмалар силсиласига эътибор кучайтирилди. Режиссёрнинг ижрочиларни имкон ва хоҳишлиарини яхши ўзлаштиргани, уларнинг изланишларига кенг йўл очиб бергани, қиз ролини ижро этган М.Холикова, Йигит ролидаги Т.Сайдов, Муллабобо ролининг ижрочиси З.Муҳаммаджоновларнинг яратган образларида ўз аксини топди.

Песа матнидаги асосдан мустасно, спектаклнинг қахрамони, кўрки сифатида М.Холикованинг қахрамони ўзининг бадиий тугал тимсоллиги билан томошабин эътиборини забт этди. Актрисанинг кўринишидан эркакшода, дўлвор қизнинг ўзига хос жозибасини оча билиш маҳорати кишига алоҳида завқ бағишилади. Унинг саҳнада яшаш усулларида театр саҳна усталари анъаналарининг яхши амаллари ўз аксини топди. Актриса нимаики қилмасин, ўзига ярашади, образ табиати, тароватини бойитади.

З.Муҳаммаджоновнинг Муллабобоси саҳнага бир онга чиқади-ю, кириб кетади. Шу ташрифида ундан бир саҳоватпеша, қувноқ кексанинг битмас-туганмас файз нурига тўла самимияти кишиларга кўтаринки кайфият улашади.

XXI асрнинг бошидан эътиборан Ўзбекистон театрлари саҳнасида янги бозор иқтисодиёти шароитида юз кўрсатаётган ижтимоий ҳаёт, инсонлар турмуш тарзида пайдо бўлаётган ўзгаришни акс эттиришга қизиқиш ортди. Ана шу мавзулар атрофида баҳс юритувчи асарлар сони кўпая борди. Миллий театр саҳнасида амалга оширилган О.Ёқубовнинг «Бир кошона сирлари» (реж. Т.Азизов, Н.Маҳмудова, 2000), У.Азимнинг «Бир қадам йўл» (реж. В.Умаров, 2002), Ж.Жабборовнинг «Нексия», песаларининг спектакллари шулар жумласига киради.

«Бир қадам йўл» асар ғоясининг теранлиги, бадиий етуклиги билан ажralиб туради. Драма жон томирини белгилайдиган ғоя инсон поклигию, имон бутунлиги билан фожиавий оқибатларга олиб келадиган худбинлик ва лоқайдлик орасидаги курашдир. Яхшилик билан ёмонлик, савоб билан гуноҳ, тўғрилик билан жиноят, орзудаги режани амалга ошмай аттангга айланиб қолиши сингари муаммоларнинг ораси бир қадам йўлга қиёс. Бинобарин драма воқеаси кекса Отанинг умри фарзандлардан тортиб набираларигача ундириб-ўстириб, бутун бир қишлоқни боғу бўстонга айлантириб, қучдан қолган умри шомида бир қадам масофадаги Самарқандни зиёрат қилиш орзуси фарзандларига боғлиқ бўлиб, уни ҳам амалга ошмай қолганидагина эмас. Драма мазмун-моҳияти ўқувчи ва томошабин хаёлини бошқа қатор ҳаётий-ахлоқий мавзуларга жалб этишида кўринади. Драмада содир бўладиган сир-синоатлар ҳар қандай ижтимоий шароитда ҳам юз бериши мумкин. Сабаби, кўп нарса аввало инсоннинг ўзига боғлиқ. Қолгани, баҳонаи сабабдан бўлак нарса эмас, деган ғояни муаллиф илгари суради. Шунинг учун ҳам песадаги уч оға-ини Жўра, Шокир, Қосим уч олам. Гарчи улар бир оиласда тарбия топиб, нафас олаётган муҳит ҳаммасига баробардек бир хил бўлса ҳам. Жўра аввалига колхоз, мустақилликдан кейин жамоа хўжалиги раиси лавозимида хаёли аввал ҳам, ҳозир ҳам халқ оғирини енгил қилиш билан банд кимса. Ўзгаси, ҳатто оила рўзгорининг бутунлиги ҳам кўзга кўринмайди.

Шокир эса ёшлигиданоқ қалбига шайтоний ҳис оралаган устомон фирибгар ва сохта валламат. Севгилиси, бир гўзал қизни пайт пойлаб, номусига тажовузлик билан хотинликка олиб, бир умрга бебаҳт қилган номуссиз. Охир-оқибатда ўғиллари вояга етиб қолган хотини овсини – Саодатга дардини қўйидагича ошкор қиласди.

Бунинг устига Шокир иштаҳаси чегара билмайдиган топармон аждаҳо. Пулининг қучи билан имони сустларни ўзига қул қилаолиш имконига эга жиноятчи ҳам. Наркобизнес билан савдо қилувчиларнинг орқа тоғига айланган бу кимса жиноятларини ниқоблаш йўлида шўро даврида ҳам, ҳозир ҳам қинғир йўл билан яшаб келаётган туман ҳокими эшмаматов, милитсия идорасининг бошлиғи Болтабоевни қўлга олади. Юртга ёрдам бериш баҳонасида улар билан ҳамтовоқлиқда «Хорижлик дўстлари билан» мармар заводи ва бошқа иншоотлар қуришни режалаштиради.

Кенжә ўғил Қосим замон бошига солган қисматнинг жабрдийдаси. Афғон урушига жўнатилиб, эрга бериб юборилган севгилисидан жудо бўлгани, устига ярадорлиги оқибатида уйлана олмайдиган бўлиб қолган навқирон қурбон.

Театр жамоаси драмани катта эътибор билан саҳналаштириди. Спектаклда тимсолларнинг, айниқса, ота билан болаларнинг бир-бирларига муомала масаласига алоҳида эътибор бериб иш тутилди. Ҳамманинг оғзида кекса отани Самарқанд зиёратига олиб бориш режаси бўлгани билан ҳеч ким бу масалага ҳам, Чолнинг хатти-ҳаракати-ю ҳолатига эътибор бериш у ёқда турсин, гапларига охиригача қулоқ солмайдилар. Ҳамма ўзи билан ўзи овора.

Спектаклнинг бошида Чол умрида сўнгги ниҳолни қўкартириш нияти билан эшик олдининг ёнгинасига олиб чиқиб қўйган мевали дараҳт кўчати бечора отанинг мажоли етмагани сабабли томошанинг охиригача ўтказилмай қолиб, чукур маънавий рамз кашф этади.

Мустақиллик берган имкониятлардан Муқимий номидаги мусиқий театри ҳам унумли фойдаланди. Айниқса илгари саҳнага олиб чиқиши мумкин бўлмаган диний эътиқод, унинг буюк устунлари, ёрқин тарихий шахслар сиймолари мавзуларига бу театрда ҳам қизиқиши ортди. Шунинг оқибатида машхур «Авесто» хусусида баҳс юритувчи Й.Муқимов, Б.Лутфуллаевнинг «Мангу машъал», Н.Қобил, Т.Қурбонов-ларнинг Иброҳим алайҳассаломнинг таваллудлари хусусидаги «Намруд», Х.Даврон, Б.Лутфуллаевнинг «Бобиршоҳ», Н.Қобил, Ф.Олимовнинг «На малакман, на фаришта» (Машраб) тарихий ва тарихий ривоят мусиқали драмалари вужудга келиб, саҳна юзини кўрди. Айни вақтда театр анъанавий мусиқали достончилик йўлидаги изланишларини давом эттириб, У.Азим ва Б.Лутфуллаевнинг «Алпомишнинг қайтиши» мусиқали драмасини тамошабинга кўрсатишга қарор қилди.

«Мангу машъал» пессасининг бадиий қиймати мақтанарли бўлмаса-да, маърифий жиҳатдан аҳамиятли, томошабинни «Авесто» билан яқиндан танишишга даъвати билан аҳамиятли бўлди. Шунинг билан бирга унинг спектаклида (реж. Р.Маъдиев, дир. Э.Тошматов, 1999) роллар ижросида кўзни қувонтиарли ижодий меҳнат самараси мавжуд бўлиб, Ф.Аҳмедов ва Н.Рустамовнинг элдониши, Т.Бекназаров ва А.Рўзиевнинг Ерўғлон, С.Пўлатов ва Х.Носировнинг Ота, Д.Сафаева ва Г.Рустамованинг Она ролларининг эркин импровизатсия йўли билан амалга оширилган талқинлари спектаклнинг арзигулик ютуқлари сирасига киради. Айниқса бир ролни икки ижрочи томондан сезиларли даражада фарқ билан ижро этилиши ҳар бир ижрочининг ўз қаҳрамони ижросига мустақил муносабатидан гувоҳлик бериб турарди.

«Намруд» (реж. Б.Назаров, дир. Ж.Ортиқов, 2001) саҳнада исломият тарихидан сўз очишга бағишлиб ёзилган асарлар орасида мавзуга аниқ, ишонарли далиллар билан ёндашув – матн ва мусиқада бир-бирини

тўлдирувчи ўзаро уйғун бадиий самарага эришувда мукаммалроқ бўлиб чиқди.

Мустақиллик даврида кечган йиллар давомида замонавий мавзуда ёзилган тажрибали ва ёш муаллифларнинг кўпгина мусиқали драма ва комедиялари сахна юзини кўрди. Булар Шукрулло, Н.Норхўжаевнинг «Тўйдан кейин томоша», К.Авазнинг «Диёнатга хиёнат», Р.Маъдиев, Ф.Олимовнинг «Тақдир», «Девона», «Бахтли бўл дугонажон», Х.Хурсандов, Ф.Олимовларнинг «Топталган туйғу», «Ўлдинг азиз бўлдинг», яна Х.Хурсандовнинг композитор Қ.Комилов билан ҳамкорликдаги «Муҳаббатим қисматим», С.Имомов, Ф.Олимов-нинг «Суперқайнона», «Суперқайнона-2», С.Сирожиддинов, О.Абдуллаеванинг «Осмоннинг бағри кенг», «Не бўлди менга», Н.Аббосхон, Ф.Олимовнинг «Жайдари келин», Ғ.Шермуҳаммад Б.Лутфиллаевнинг «Қудуқ тубидаги фарёд», Р.Азизхўжаев, Ҳ.Раҳимовнинг «Келин танлов», Н.Қобил, Б.Лутфиллаевнинг «Тўда» сингари асарларининг спектакллариdir.

Бу асарларнинг кўпчилигига оила, ахлоқий маънавий муаммолар ота-она ва фарзандлар, келин-куёв ва қайнона, эски урф-одатларнинг зарарли оқибатлари муҳокамадан ўтказилади.

Мазкур асарларнинг бадиий даражаси турлича, айримлари хом-хатала, шошма-шошарлик билан ёзилганига қарамай, мавзунинг ҳамон долзарблиги йўқолмаганлиги туфайли томошабинларнинг каттагина қатлами, кўплаб хонадон соҳиб-соҳибалари эътиборини ўзига жалб этгани жўнидан театр уларни сахналаштириб, кўпроқ талқинда эркин йўл билан ижобий натижаларга эришди. Айни вақтда меёрдан ошириб юбориш ҳолларига ҳам йўл кўйилди.

Ижобий натижалар «Тўйдан кейин томоша», «Диёнатга хиёнат», «Тақдир», «Топталган туйғу», «Осмоннинг бағри кенг», «Қудуқ тубидаги фарёд», «Ўлдинг азиз бўлдинг», «Девона» сингари спектаклларнинг сахналаштириш маданиятида кўзга кўпроқ ташланди.

«Тўйдан кейин томошада» (реж. Н.Отабоев, дир. Э.Тошматов, 1991) куёв бўлмиш ўғил – Мўмин ролини Д.Узоқов, келин – Холидани М.Умарова, Ота ўлимига сабабчи, дабдабали тўй ташаббускори она – Чамандахонни Н.Пўлатова ва М.Бекжонова, ота – Фозилхўжани Р.Солиҳов; «Девона»да (реж. Р.Маъдиев, дир. Н.Халилов, 1999) Ориф ролини Н.Рустамов, Зубайдани Ф.Раҳматова, Чол ролини С.Пўлатов, Ф.Аҳмедовлар олиб чиқишиди. Жамила ролининг ижросида эса Н.Пўлатова мислсиз ютуққа эришди. У ижодий йўналишига тамомила зид телба аёл кўргиликларини катта маҳорат билан таърифлаб, муҳлислар таҳсинига сазовор бўлди.

Театр С.Сирожиддинов, О.Абдуллаеванинг «Осмоннинг бағри кенг»идан бошлаб (реж. Б.Холмирзаев, дир. Э.Тошматов, 2003), ёшлар орасида безорилик, гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш мавзусига бағишлиланган спектакллар яратишга алоҳида эътибор бериб иш кўришга

киришди. Мазкур асарда Хуринисо исмли аёл қимор ва ўғриликка ўрганган, ҳеч кими йўқ етим Жамшидни ўз тарбиясига олиб, хатарли йўлдан қайтаради. Аммо уни шу йўлга бошлаган Бек бошлиқ қиморбоз безорилар Жамшидни зўрлаб, ўз ошиёнларига олиб кетадилар. Жамшид бу ерда Бекнинг тузогига илинганд, қоровул Қоравойнинг хушовоз, қўхлик қизи Бахтигул билан танишиб, бир-бирларига қўнгил қўйиб, тутқунликдан қутулиш чорасини излайди. Синоатни зимдан сезган Бек Жамшидни қиморда ютиб, эвазига Хуринисонинг сигирини ўғирлаб келишни талаб қиласди. Ноилож қолган Жамшид талабни бажариб, Бахтигулни бу даргоҳдан олиб кетмоқчи бўлади. Бек қиморда ютса, эвазига қизни олиб кетишига розилик беради. Жамшид ютади. Бироқ Бек ваъдасини бажариш ўрнига уни пичоқлаб ўлдириб, пичоқни Қоравойнинг қўлига тутқазиб, қотилликни унинг бўйнига ағдарар экан, қизнинг отаси аввалги ва ҳозирги безориликларнинг гувоҳи, иштирокчиси сифатида «Уни ҳаммамиз ўлдирдик» деган тагдор жавобни қиласди. Анча пишиқ ёзилган песанинг спектаклида Хуринисо ролини Д.Сафаева, Жамшид ролини Д.Узоқов, Бахтигулни М.Алимбоева, Бекни И.Ошиқов, Қоравойни С.Пўлатов билан Р.Солихов ижро этишди.

Н.Қобил, Б.Лутфиллаевнинг «Тўда» мусиқалии песаси ва унинг спектакли (реж. М.Азизов, дир. О.Комилжонов, 2005) юқоридаги спектакл саҳнага олиб чиқсан мавзунинг давоми бўлди.

Асарнинг бош мавзуи «инсон ва гиёҳванд»лик муаммосидир. Ёруғ дунёга келган мурғак инсон боласи ҳар қандай нуқсондан холи бўлади. Эсини таниб, улғаяр экан, унинг ким бўлиши, аввало, инсоннинг ўзига боғлиқ, демоқчи бўлади муаллиф. Мухими ҳар қандай шароитда қалбини поклик тарқ этмаган, бошқаларга нисбатан меҳр ва муруватли бўлишга қодир кимсагина инсон деган номга лойиқ. Шароит ва имкон бу инсон учун оғир синов эканлиги асарда ёрқин намоён бўлади.

Мусиқалии комедия яъни қулгили ҳажвий мазмун асосида яратилган саҳна асарлари драма талаблари ва ҳажвий муносабат билан ажралиб туради. Бу жанр XX асрнинг иккинчи ўн йиллиги охирида дунёга келди ва 1940 йил охирида мустақил жанрга айланди. Бугун мусиқани драма асарларимизда Ватанга муҳаббат туйғуларидек покиза ният бош ғоя қилиб олинаётгани, мавзуларнинг қамрови кенглиги қувонарли ҳол.

Мустақиллик шарофати билан ёшларимиз орзуси ҳам ушалди. Тошкент шаҳрида ва бир нечта вилоятларда болалар учун хизмат қиладиган янги қўғирчоқ театрлари очилди. Хусусан, Қорақалпоқ Республикаси қўғирчоқ театри мустақиллик арафасида очилган бўлиб, у иш фаолиятини 1991 йилдан бошлади. Унинг дастлабки спектакли К.Каримовнинг “Оғриқ мерган” асари бўлди. Шу йили Тошкентда “Қорақалпоғистон маданият кунлари” ўтказилганда қўғирчоқ театри усталари пойтахт болаларига ўзларининг “Ўғриликнинг охири хўрлик” спектаклини кўрсатишади. Самарқандда ўтказилган қўғирчоқ театрлари фестивалида иккита: “Оғриқ мерган” ва “Оқ

такача билан кўк такача” асарлари намойиш қилинда. Икки йил ўтгач, Андижондаги фестивалда “Керак бўлганинг керак”, яна икки йил ўтиб, Тошкент фестивалида “Шум эшак” спектаклини намойиш қилишди.

1993 йили иккита вилоятда: Фарғона ва Хоразмда вилоят қўғирчоқ театрлари тузилиб, иш бошлади. Фарғонадаги қўғирчоқ театри Ғайратийнинг “Қўғирчоқбозлар”, Хоразм театри Хивада М.Курёзовнинг “Афанди ҳангомалари” спектакли билан ўз фаолиятларини бошлашди.

1994 йили яна бир қувончи воқеа содир бўлди. Қашқадарёда 15 март куни Шомурод Юсупов режиссёрги ва Владимир Акудин мусиқаси билан яратилган “Дангасанинг ҳоли вой” асари намойиш қилиниб, болалар ўз қўғирчоқ театрлари спектаклларини кўришга муяссар бўлишди.

Бу тадбирлар Республикализнинг Биринчи Президентининг болалар ва ёшлар тарбиясига нечоғлик катта аҳамият билан қараётганлиги натижасидир. Чунки, келажак тарбияланган болаларники эканини, яқин йилларда худди ўша болалар давлатни бошқаришини мухтарам Республикализнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов кўра билди ва қўғирчоқ театрларига алоҳида аҳамият берди.

Тошкент театрларида “Қабоҳат тузоги - XXI”, ”Осмоннинг бағри кенг”, “Устаси фаранг”, “Ўлдинг азиз бўлдинг”, “Захарли томчилар”, ”Адашганлар” каби замонавий мавзудаги асарлар билан бирга, “Жабби жўжакнинг ҳийласи”, “Чимилдиқ”, “Андишалик келинчак”, “Кампир топайми, дадажон”, “Супер қайнона” сингари майший, урф-одатларимизга бағишлиланган спектакллар ҳам пайдо бўлди. Улар томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди ва танқидчиларимиз, томошабинлар томонидан матбуотда эълон қилинди.

Замонавий мавзулардаги асарларда, хусусан, эркин Хушвақтовнинг “Чимилдиқ” мелодрамаси, Санжарали Имомовнинг “Фаришта ва шайтон” сатирик комедияси, Ҳолик Хурсандовнинг “Ўлдинг азиз бўлдинг” трагикомедияси, Усмон Азимнинг “Бир қадам йўл” психологик драмасида ифодавий усуллар ва воситалар хилма-хиллигини кўрамиз.

Халқ оғзаки ижодига таалуқли асарларда, хусусан, Усмон Азимнинг “Алпомиш” инсенировкасида янги жанрий шакллар изланиши мавжуд бўлса, спектаклда қаҳрамонлик, романтиклик синтезини кўрамиз.

Ўзбек прозаси инсенировкасида Тоғай Муроднинг “От кишинаган оқшомда”, “Ойдинда юрган одамлар”, Абдулла Қодирийнинг “Оқ қушлар, оппоқ қушлар” асосидаги спектаклларда ижтимоий-психологик мотивлар билан бирга ахлоқ муаммолари ва характерларнинг психологик ифодаси, қаҳрамон руҳий оламининг ички қарама-қаршиликларини очиш содир бўлди.

Бу даврда “Ҳамлет” икки бора янги талқинда намойиш қилинди. Бу вазифани пойтахтимиздаги “Илҳом” театр-студияси ва Миллий театр амалга ошириди. Бу асарни саҳналаштирувчи режиссёр Авлиёқули Хўжақули ва

Турғун Азизов эди. “Ҳамлет” ўзбек саҳнасидаги янги талқинларибуюқ-хамон муносиб ўрин олиб келмоқда.

Театрларимиз яна қуидаги янги мавзулар билан бойиди. Жумладан, Ш.Нуралиевнинг “Актёр тақдири”, Дилбар ва Тилаб Махмудовларнинг “Тортадурман жабрини”, М.Хўжанованинг “Паризоднинг ташвиши” Фарида Бобожонованинг “Офтоб”, Хайитмат Расулнинг “Дилрабонинг она тумори”, “Сайдинг қўябер сайёд”, Олимжон Холдорнинг “Уч кунлик келин”, А.Лорентиснинг “Вестсайдская история” ва бошқа асарлар саҳна юзини кўрди.

Таниқли режиссёр Мансур Равшановнинг “Шоҳ ва Шоир” асарини саҳна талқинига кўра, ривоятлар аслида ҳаёт ҳақиқати эканига урғу берилади. Спектаклдаги қуидаги жумлаларга эътибор қаратинг:

Шоир Ҳазратга қаратади: “Таҳт баҳт эмас, озод руҳдир арши аъло”, кейинроқ, “...биз худойимнинг қафасдаги какликларимиз, сайраб-сайраб бу оламдан ўтамиш!” дейди. Бу ажойиб, фалсафий саҳна асари Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида саҳналаштирилди.

Мустақилликнинг иккинчи ўн йиллиги ҳам драматик асарларга бой бўлди. Сурхандарёда болаларимиз учун қўғирчоқ театри барпо бўлди. Бу театр 2001 йилда ўзининг биринчи спектакли Пўлат Мўминнинг “Туяқуш-боёқуш” асари билан очилди.

Мамлакатимиз театрларининг дарғаси бўлиб келган Миллий Академик театrimизда Одил Ёқубовнинг “Бир кошона сирлари” (постановкачи режиссёр Турғун Азизов), Шукруллонинг “Ҳасрат боғи” (режиссёр Тожибой Исроилов), Нурилло Аббосхоннинг “Ўзбекча рақс” (режиссёр Турғун Азизов) асарлари саҳналаштирилди. Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистон ҳалқ артисти, таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев драматург Туроб Тўланинг “Нодирабегим” песаси асосида “Бу юрт муқаддас тупроғимдир” спектаклини саҳнага қўйди.

XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги даврида ҳам ҳар қачонгидек, жаҳон ва буюк драматурглар яратган асарларга эътибор пасаймади. М умтоз драматургия асосида саҳналаштирилган спектакллар актёрлар ва режиссёрлар учун деярли мактаб ролини бажарганлиги ҳаммага маълум. Жумладан, “Макр ва Мұхабbat”, “Отелло”, “Қирол Лир”, “Ҳамлет”, “Ёз куни ғаройиботлари”, “Донишманд Натан”, “Етти фарёд”, “Дараҳтлар тик туриб жон беради”, “Малиқаи Турондот”, ”Зўраки табиб”, “Тартюф”, “Сичуванлик меҳрибон”, “Искандар”, “Чин маликаси” билан бир қаторда “Хобил ва Қобил”, “Рақсу самў”, “Алишер Навоий”, “Мирзо Улуғбек”, “Падаркуш”, “Адвокатли осонми”, “Баҳтсиз куёв”, “Туркистон табиби”, ”Гўзал дунё зулмати” каби спектакллар яратилди.

Охириги ўн йилликда республикадаги барча мусиқали драма театрларида ажойиб асарлар саҳналаштирилди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Наманганд вилоят мусиқали драма ва комедия театрида “Олтин қафас ичра”,

“Адолат куни, “Ал- қабир”, “Ёр истаб”, “Мехр қуёши”, “Муноқаша”, “Балои нафс”, “Бедаволар” каби ижтимоий-маиший мавзудаги замонавий асарлар саҳналаштирилди. Бундай мисолларни барча вилоят театрлари репертуарларидан билиб олсак бўлади.

Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги “Қашқадарё” вилоят мусиқали драма театрининг ижодий изланишлари ўзига хос. Театр саҳналаштирган ва намойиш қилган Н.Шодмоновнинг “Нух кемаси” (саҳналаштирувчи режиссёр Ф.Жумаев) фалсафий драмасида саҳна декоратсияси, ижролардаги пластика ва темпо-ритм, саҳнавий хатти-ҳаракат қонун-қоидалари меёрда намоён бўлган.

XX асрнинг охирги ўн йиллиги давомида ҳамда XXI асрнинг 13 йили орасидаги вақт давомида театрларимиз қуидаги драматик асарларни томошабинларга ҳавола қилишди: “Ҳар кимки вафо қилса” (Хайдар Муҳаммад), “Бобуршоҳ” (Хуршид Даврон), “Соҳибқирон” (Абдулла Орипов), “Жалолиддин Мангуберди” (Еркин Самандар), “Авесто - эл фарзанди”, “Феруз” (Комил Аваз), “Собир Термизий” (Низом Парда), “Ал-Фарғоний” (Йўлдош Сулаймон), “Кундузсиз кечалар” (Усмон Азим), “Занжирманд шер” (Зиё Нажмий), “Усмон Носир” (Нодира Раширова), “Беҳбудий” (Б.Исмоилов), “Ўтган замон ҳангомалари”, “Ҳасан кайфий”, “Адибнинг умри” (Усмон Азим), эркин Воҳидовнинг “Руҳлар исёни” (режиссёр эргаш Масафоев), “Қуш тили” (режиссёр Авлиёкули Хўжақулиев А.Навоийнинг “Лисонут-тайр” ва Фаридиддин Атторнинг “Мантикут-тайр” асарига асосланган ҳолда саҳналаштирган асари), “Усмон Носир қаерда?”, “Мадаминбек”, “Салом ёки хайр”, “Боғ”, “Армонлар исканжасида”, “Захарли томчилар”, “Ўзлигини излаган ва топган ёки Алишер Навоий”, Александра Касонанинг “Дараҳтлар тик туриб жон беради” (режиссёр Валижон Умаров), Қорақалпок театри саҳналаштирган “Алпомиш” (режиссёр Нажмиддин Ансатбоев) каби драма ва мусиқали драмалари яратилди. Улар давр руҳи билан суғорилган тарихий ва замонавий асарлар экани қувонарли ҳолдир.

Маннон Уйғур номидаги Сурхандаё вилоят мусиқали драма театри саҳнасида туғилган “Қамалган кўзлар” (И.Отакулов) “Адид Собир Термизий” (Н.Парда), “Олифта” (Ф.Мусажонов), “Узокдан келган күёв” (Хайитмат Расул), “Ака-ука совчилар” (Р.Муҳаммаджонов), “Темир хотин” (Ш.Бошибеков), “Хотинлар ҳазили”, “Алпомишнинг ёшлиги” (Хайдар Муҳаммад), “Кампир топайми, дадажон?”, (Ҳ.Хурсандов), “Бир қадам йўл” (Усмон Азим) каби ва бошқа асарлардаги муваффақиятларда таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мансур Равшановнинг хизматлари ҳар бир театр режиссёри ва раҳбари учун ибрат бўладиган намунаидир.

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида охирги 10 йил орасида “Наманган алласи”, “Алпомишнинг ўқ-ёйи”, “Иккинчи тумор”, “Кирол Лирнинг сўнги набиралари”, “Тобутдан товуш”,

“Иффатини асраган аёл”, “Аяжонларим”, “Бехато отилган ўқ”, “Фолбин”, “Оқила”, “Ёлғонлар чув тушган кун”, ”Бедаволар” каби асарлар сахнада муваффақият билан намойиш этилди ва томошабинлар олқишини олди.

Пойтахтимиз театрларида Жуманиёз Жабборовнинг “Нексия”, Ҳайитмат Расулнинг “Олтин қиз”, Рихсивой Муҳаммаджоновнинг “Ҳаёт барибир гўзал”, Шуҳрат Ризаевнинг “Дискотека”, Насрулло Қобилнинг “Тўда”, Шукруллонинг “Ҳасрат боғи”, “Тўйдан кейин томоша”, Тилаб Маҳмудовнинг “Омонат дунё”, эркин Аъзамнинг “Талваса”, Тўлқин Муҳиддиннинг “Адашганлар”, Санжарали Имомовнинг “Сойибхўжа оператсияси”, “Суперқайнона”, Ҳолиқ Хурсандовнинг “Ўлдинг азиз бўлдинг”, Ҳайдар Муҳаммаднинг “Амир Темурнинг туғилиши”, Салоҳиддин Сирожиддиновнинг “Осмоннинг бағри кенг”, Иномжон Турсуновнинг “Тузок”, Усмон Азимнинг “Синфдош”, эркин Хушвақтовнинг “Чимилдиқ”, “Қирмизи олма” ва бошқа сахна асарлари асосида сахналаштирилган спектаклларни айтиб ўтиш мумкин.

**Шароф Бошбеков** «Темир хотин» ва бошқа песалари билан халқимиз орасида довруғ таратган драматурглардандир. У Самарқанд вилоят Булунғур туман Ғубир қишлоғида дехқон оиласида туғилган. М. Уйғур номидаги санъат институти мусиқали драма бўлимида таҳсил кўрган, институтни битиргач, 1974—1985-йиллари Олим Хўжаев номидаги Сирдарё, сўнг Муқимий номидаги мусиқали театрларда актёр сифатида фаолият кўрсатган. Қатор йиллар Республика Ёш томошабинлар театрида адабий эмакдош сифатида ишлаган. Адабий ижодни ҳажвий ҳикоялар ёзишдан бошлаган.

«Тақдир эшиги» (1980) унинг драматургиядаги илк қадамларидан бири бўлди. Ш. Бошбеков песалари шахс эркинлиги, ўзлигини англаш, қадр-қиммат, виждон, эзгулик муаммоларига бағишлиланган. «Тикансиз типратиканлар» (1981), «Тушов узган тулпорлар» (1982), «Музика сайёраси» (1984), «Ески шаҳар гаврошлари» (1987), «Темир хотин» (1988), «Ешик қоққан ким бўлди?» (1989), «Тентак фаришталар» (1995) каби песалар шу мавзуларда бўлиб, уларда драматург услубига хос тимсолий ифода, образларни ғалати (породаксал) ҳолатларга солиш тасвирий омиллари яққол кўзга ташланиб туради.

Унинг ижоди кино ва телевидение билан ҳам боғлиқ. «Шариф ва Маъриф», «Юзсиз» (1993), «Тилла бола» (1994) каби фильмлар ссенарийларини ёзишда «Масҳарабоз» (1996) филмини яратишда ҳам ссенарий муаллифи ва режиссор сифатида қатнашди. Томошабинлар орасида шов-шувга сабаб бўлган кўп серияли «Чархпалак» телефилми ссенарийси ҳам Ш. Бошбеков қаламига мансуб.

Франсуз адебаси Ж. Сааранинг «Маъмура кампир», Молернинг «Учар табиб» асарлари унинг эркин таржимасида А. Ҳидоятов ва Ёш томошабинлар театрларида сахна юзини кўрган.

Ш. Бошбеков песалари театрларимиз репертуарида фаол ўрин тутиб келади. «Тақдир эшиги» 1987-йили «Миллий» театрда режиссор Т. Истроилов томонидан сахналаштирилди. «Ески шаҳар гаврошлари» Ёш томошабинлар

театрида. Улар 1988-йили Республика театрлари «Наврӯз» фестивалида юқори баҳо олган. Лекин ўша йили олий мукофот Фарғона вилоят театрининг «Темир хотин» (режиссор О. Салимов) спектаклига насиб этди.

Спектакл Ўрта Осиё ва Қозогистон театрларининг 1989-йили Бишкеқда ўтган «Наврӯз» фестивалида олий мукофотга, унда Кўчкор ролини ойнаган М. Юсупов энг яхши эркак роли учун совринини олишга мувофиқ бўлди.

Ш. Бошбеков шу асари учун 1989-йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг М. Шайхзода мукофотига сазовор бўлди.

1990-йили у Республика Давлат мукофоти, 2001-йили эса «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

**Ҳайитмат Расул** 1939-йилнинг 23-мартида Хоразм вилоят Гурлан туман, Боголон қишлоғида чўпон оиласида туғилган. Ўрта мактаб таълимими олгач, ҳозирги М. Уйғур номидаги санъат институтининг мусиқали драма бўлимида ўқиган. Меҳнат фаолиятини «Миллий» академик театрда актёрликдан (1966—1970) бошлаб, сўнг Республика телевидениесида драматургия бойича бош муҳаррир (1970—1989), 1989-йилдан буён ҳозирга қадар «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси репертуар бўлимида бош муҳаррир вазифасида ишлаб келади.

Ҳайитмат Расул 1968-йилдан драматургия соҳасида қалам тебратиб келади. Унда бадиий ижодга қизиқиши бобоси — таниқли бахши шоир Мулла Матчон Маҳаммадрасул таъсирида шаклланган. Ҳайитмат Расул ўттизга яқин песа ёзган. Уларнинг бир қисми драма, яна бир қисми мусиқали драма жанрига оид.

Ўзбек Давлат академик театри репертуаридан унинг «Мұхабbat сүлтони» (1994, режиссор М. Азимов), «Пири коинот» (1997, режиссор В. Умаров), «Боши қотган ошиқлар» (1998, режиссор М. Хачатуров) драмалари ўрин олган бўлса, Муқимий номли мусиқали театрдан «Муқаддас диёр» (1975, режиссор Р. Ҳамроев), «Хўжайин» (1978, режиссор Н. Сайдхонов) А. Ҳидоятов номли драма театрдан «Узоқ қишлоқ» (1988, режиссор Б. Йўлдошев), Оғаҳий номидаги Хоразм театрдан «Нилуфар» (1988, режиссор И. Ниёзматов), «Темир қафас» (1992, реж Ж. Душанов), «Орзу» (1993, режиссор Ж. Душанов) песалари ўрин олган. «Суюнчи беринг, одамлар», «Ваҳима», «Тили асалим» каби песалари ҳам турли вилоят театрларида сахна юзини кўрган.

Ҳ. Расулнинг М. Муқимов билан ҳамкорликда яратилган сўнгги «Муқаддас таҳтизар» асари 2003-йил Миллий академик театрда (режиссор Арсен Исмоилов) сахнага қойилди.

**Абдулла Орипов** Қашқадарё вилоят Косон туманидаги Некўз қишлоғида туғилган. 1963-йили Тошкент Давлат университетининг журналистика факултетини тугатади, сўнг «Ёш гвардия» (1963—1969), Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат (1969—1974) нашриётларида ишлайди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида котиб, 1995-йилдан ҳозирга қадар уюшма раиси вазифасида хизмат қилиб келади.

Халқимизнинг ардоқли шоирларидан Абдулла Ориповнинг поетик ижодига хос шоирона фалсафий мушоҳадалар унинг драматургиясида ҳам теран ифода топган.

Дантенинг «Илоҳий комедияси»ни ўзбек тилига таржима қилгач, драматик достон шаклидан фойдаланиб, 1978-йили «Жаннатга йўл», 1988-йили «Ранжком» асарларини яратади. Уларда ўткир ҳажвий фош қилишлик усули яққол бўртиб туради. Ёруғ дунёning сарсон-саргардонликлари, эзгулик ва инсон қадр-қимматининг оёқ ости бўлиши муаллифни қайгуга соглан эди.

**Усмон Азим** Сурхондарё вилоят Бойсун туман Газа қишлоғида таваллуд топган. Ўрта мактаб таълимини олгач, Тошкент Давлат университетига ўқишга кириб, 1972-йили журналистика бўлимини тугатади. Дастлаб Республика радиосида, газета ва журналлар таҳририятларида, кейинроқ Республика Президенти девонида Давлат маслаҳатчиси сифатида ишлаган. Ҳозирда «Савдогар» газетаси бош муҳаррир муовини, Миллий академик театрда адабий бўлим раҳбари сифатида ишлаб келади.

Усмон Азим «Инсонни тушуниш», «Оқибат», «Сурат парчалари» каби шеърий тўпламлари чоп этилиб, поэзияда анча тажриба орттиргач, драматургияга кириб келган. Драматургияга қизиқиши унда радиода ишлаб, «Бир қадам» радиопесаси, «Ғаройиб аждаҳо», «Боғдаги боғча» каби эртаклари эфирга узатилган кезлари пайдо бўлган. Қайта ишланиб дастлаб Сурхондарё театри репертуаридан ўрин олган «Бир қадам» унинг сахна юзини кўрган илк песаси ҳисобланади.

1997-йили Миллий академик театрда сахналаштирилган «Кундузсиз кечалар» (режиссор Валижон Умаров) асари Усмон Азимнинг драматурглик фаолиятида муҳим воқеага айланди. 1998-йили «Алломишининг қайтиши» асари Андижон, кейинроқ Муқимий номли мусиқали (ҳар икки спектакл режиссори В. Умаров), Сурхондарё театр (режиссор М. Равшанов)ларида сахна юзини кўради. 2002-йили эса «Бир қадам» песаси «Миллий» театр (режиссор Валижон Умаров) репертуаридан ўрин олди.

Тўра Мирзо (Тўрамирзо Жабборали Дадамирзо ўғли) Наманган вилоят Чорток туманининг Пешқўргон қишлоғида туғилган. Мактаб таълимини олгандан сўнг 1979-йили Маннон Уйғур номидаги санъат институтининг театршунослик бўлимида таҳсил кўрган. Кейинроқ Москвадаги олий адабиёт курсида ўқиган. Бадиий ижодиётга 1970-йиллари шоир сифатида кириб келди ва ўтган давр ичида ўнга яқин шеърий тўпламлар чоп эттириди. Бир неча мажмуалари рус ва турк тилларида нашр этилган.

**Тўра Мирзо** 1980-йиллардан драматургия соҳасида фаол қалам тебратади. «Аҳмад ила Оқбилак» (1984, Хоразм театри), «Сочидан салом» (1985, Самарқанд ва А. Ҳидоятов номли театрлар) «Пойтаҳт латифалари» (1985—1986, Жиззах ва Бухоро театрлари) «Қовурилган ўрдак парвози») (1987, Республика Сатира ва Қашқадарё театрлари), «Муҳаббатга ўқ теккан кун») (1988, Каттакўргон театри) каби асарлари қатор театрлар репертуаридан ўрин олди. 1989—1999-йиллари Тўра Мирзо Амир Темур образи устида қўламли изланишлар олиб борди. Амир Темур ҳақидаги асарларининг биринчиси, Қашқадарё театрида режиссор Б. Назаров,

иккинчиси 1996-йили Юсуф қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона театрида режиссор М. Юсупов томонидан саҳнага қойилди.

Тўра Мирзо санъат институти тугатгач, қатор газета ва журналлар таҳриятида ишлаб, театр спектакллари, санъаткорлар ҳақида кўплаб тақриз ва мақолалар ёзган. 1999—2001-йиллар давомида Ўзбекистон телевидениесида ишлаб, ўнлаб видеофильмлар учун сценарийлар яратган. Унинг таржимачилик фаолияти ҳам эътиборли: Жон Пристлининг «Хазина», Агата Кристининг «Копқон», Азиз Несиннинг «Яшасин, сарғиши пушти ранг» драматик асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Поетик ва драматик асарлари учун унга халқаро мукофотлар, «Амир Темур» ҳамда «Амир Темур ва Тўхтамишхон» драмалари учун эса халқаро Фирдавсий мукофоти берилган.

**Салоҳиддин Сирожиддинов** Андижон вилоят Балиқчи туман Чинобод қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти ҳаваскорлик жамоалари режисорлиги бўлимида (1975—1979), М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг икки йиллик драматурглик курсида (2001) таҳсил кўрган. Тошкентдаги Ойбек номли маданият уйи директори, Республика Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти бошқармаси ва «Ўзбектелефильм»да муҳаррирлик лавозимларида ишлаган. Ҳозирги кунда Республика радиосида театр эшиттиришлари бўлимида муҳаррир вазифасида ишлаб келади.

Унинг «Беозор лайлакларга тегманг» деган биринчи песаси 1980-йили Республика Ёш томошабинлар театрида қойилган. Шундан сўнгги йилларда ўндан ортиқ песа ёзди ва улар пойтахт ҳамда қатор вилоят театрлари репертуарига киритилди. Шулардан учтаси «Тўмарис» (1990, режиссор Р. Ҳамидов), «Фифон» (1992, режиссор М. Азимов), «Ҳаёт эшик ортида» (режиссор Ё. Саъдиев) «Миллий» академик драма театрида қойилган. «Соҳибқирон Темур» (Бухоро), «Тунда учган турналар» (Андижон), «Калаванинг учи кампирда» (Жиззах), «Дод, хотинлар дастидан», «Уйингизга совчи келди» асарлари қатор вилоят театрларида саҳналаштирилган. «Қор бобо ва қор момо», «Ўрмон машмашаси», «Ертаклар ўлкаси» песалари Ёш томошабинлар театридан ўрин олган. «Еттинчи фалакдан келган овоз» (режиссор Ш. Жунайдуллаев) ва «Чорраҳа» (режиссёр М. Мирзааҳмедов) асарлари асосида кўп серияли телефильмлар яратилган.

С. Сирожиддинов газета ва журналларда Т. Рўзиева, С. Зоҳидова, М. Азимов, Р. Иброҳимова, М. Ҳамидов, Б. Маматхонов каби санъаткорлар ҳақида мақолалар эълон қилган.

**Еркин Хушвақтов** Шаҳрисабзининг Чамбил қишлоғида шофёр оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, бир муддат ўз қишлоғида ишлаб, сўнг 1978-йили М. Уйғур номидаги санъат институти актёрлик санъати бойича тайёрлов бўлимида таҳсил олган.

Е. Хушвақтов А. Ҳидоятов номидаги театрга чироқ ёритувчи сифатида ишга киради, 1987-йилдан ҳозиргacha «Миллий» академик драма театрида шу вазифада ишлаб келади. Унинг драматургия соҳасидаги илк қадами А. Қодирийнинг «Мехробдан чаён» романини инссенировка қилишдан

бошланди. Ушбу асар 1994-йили академик театрда Т. Азизов томонидан саҳнага қойилди. 1995-йили «Чимилдиқ» асарининг илк нусхаси М. Уйғур номидаги санъат институтида диплом спектакли (режиссор Ш. Ҳамидова) тарзида яратилди. 1996-йили эса унинг қайта ишланган нусхаси Т. Азизов, М. Абдуллаева томонидан «Миллий» театрда саҳнага қойилади. 1997-йили академик театр репертуарида «Машраб» асари (режиссор Т. Азизов) пайдо бўлади.

Е. Хушвақтов 1998—2000-йиллари М. Уйғур номидаги санъат институти олий драматурглик курсида таҳсил қўради ва «Қирмизи олма» песаси (М. Абдуллаева томонидан ўша йили диплом спектакли тарзида яратилган) билан таълим жараёнини якунлайди. 2002-йилнинг 16-февралида академик драма театрида унинг «Қаллиқ ойин» (режиссор Т. Азизов) асари премераси ўтказилди.

Еркин Хушвақтов 2002-йили Президентимизнинг Фармони билан «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган.

Театр фикрлаш ва тарбия ўчоғи мавқени кулгили, томошага бериб қўймаяптими деганҳаёл туғилади. Театрларнинг кассабоп асарларга кучли эҳтиёж сезаётгани аччиқ ҳақиқатдир.

Ижод эркинлиги театр соҳасига мустақиллик билан кириб келди.. Ўтган давр ичидаги театр фаолиятига назар ташлаб, бугун ҳар бир ўзбекистонликнинг маънавий эҳтиёжини қондиришга камарбаста бўлган саҳна санъати ҳақида ҳам илиқ, ҳам танқидий фикрлар билдириш мумкин. Тўғри, жуда кўп, сон жиҳатидан кўп, сифат жиҳатидан етарли асарлар ёзилди ва саҳалаштирилди. Аммо шу даврда халқимизнинг маънавий бойлиги ошдими, ҳа ошди. Бу ўринда Республикализнинг Биринчи Президентининг сўзларини эслайлик. “Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш - одамзоднинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон десақ, ҳеч қандай хато бўлмайди” (Ислом Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч”, “Маънавият”, 2008 й., 25-бет).

Бугунги кунгача ижод эркинлиги деган сўзнинг кўпчилигимиз тўғри тушиниб етмаётгандакмиз. Театр танқидчилиги ҳам ўз вазифасини тўла бажара олмаётиди, дейишга асос бор. Театр энг аввало томошабинларни маънавиятини шакллантиришда катта куч эканини эсидан чиқармаслиги лозим. Худди шу масалада Республикализнинг Биринчи Президенти “...маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-еътиқодини бутун қиласиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”... деган фикрни бежиз билдирамаганлар. (шу асарда, 19-бет).

Демак аввало драматургия режиссёрларни фикрлашга ундаши керак. Чуқур фикрлайдиган режиссёр эса ўз мақсадига тез етишади. Уактёрларни

ҳам ишга солади, қизиқарли характер яратишларига илҳомлантира олади. Режиссёр аввало буюк рухшунос бўлиши лозим. У томошабинни ҳам кулдириб, ҳам зарур бўлганда йиғлатиш орқали фикрлашга ўргатадиган қобилиятга эга бўлиши керак.

Миллий драматургиямизнинг атоқли арбобларидан бири Комил Яшин адабиётнинг ҳеч бир тури оммабопликда, ўкувчига таъсир қилишда пеша билан тенглаша олмаслигини, драматургия энг ўткир қурол экани ҳақида кўп марта айтган.

Томошабинлар баъзи театрлардаги актёларда адабий тил ва талаффуз нормаси, гавда ифодасида, шевалардан бемаврид фойдаланиш давом этаётганидан ранжишмоқда. Чунки актёлар намуна бўлиш ўрнига тўпори сўзлардан шевалардан саводсизларча фойдаланишмоқда. Хусусан театр, кино ва телевидениеда Тошкент ва бошқа вилоят шевалари, афсуски, кўп ишлатиляпти.

Шу ўринда театр танқидчилигига ҳам эътиrozлар билдириш ўринли бўлса керак. Аммо катта ҳурмат билан театршунос танқидчиларимиз Мамажон Раҳмонов (марҳум), Ҳафиз Абдусаматов, Баҳридин Насридинов, Тошпўлат Турсунов (марҳум), Муҳсин Қодиров, Тешабой Баяндиев, Сотимбой Турсунбоев, эркин Исмоилов (марҳум), Бердиали Имомов, Шуҳрат Ризаев, Марфуа Ҳамирова, Муҳаббат Тўлахўжаева, Ҳамиджон Икромов, Тоир Исломов, Омонулла Ризаев, Сарвиноз Қодирова, элдор Мухторов, Дилфуз Раҳматуллаева, Муқаддас Аҳмаджоноваларни хизмати улканлигини эътироф этиш лозим. Бу соҳада ҳам катта ўзгаришлар бўлишини истардик. Тақризлар мақтов даражасида эмас, талаб даражасида ёзилишига эришишимиз лозим.

Театр саҳналарида замонамиз қаҳрамонлари образини тўлиқ очиб беролдикми? Бизда бугун кучли драматургия борми? Бунинг даражасини ким ҳал қилиши керак, ўйлаб кўрайлик. Натижада қуйидаги саволлар жавоб кутади.

Театр учун бадиий жиҳатдан баркамол асарлар яратилдими? Ҳа ёки йўқ деб жавоб қилиш мумкин. Аммо унинг ҳақиқий жавобини томошабинлар беради.

Театр миллий комедияни хуш кўради. Шундай асарлар кўпми? Ҳа, ҳам йўқ. Бу қайси қарич билан ўлчашга боғлик.

Драматургиямиз санъат асари даражасидами? Бу бахсли муаммо ҳам ўз ечимини топиши зарур.

Бугун “шекспирона” асарлар яратиляптими? Айтиш қийин. Жавоб бериш оғир.

Ўзбек театр танқидчилиги савияси талаб даражасидами? Бемалол “йўқ” дейиш ўринли бўлади. Миллий режиссура Маннон Уйғур даври режиссураси даражасига етдими? Ҳа, етди дейиш балки мумкиндир. Аввало мезон даражасини белгилаб олишишиш зарур бўлса керак.

Театр санъати ҳақида сўз борганда шу саволларга жавоб беришга тўғри келади. Жавоблар савияси театр савияси жаражасидан юқори бўлолмайди-ку. Демак, олдимизда ечимини кутаётган жуда муҳим вазифалар турибди.

Биринчидан, театрлар саҳналаштираётан асарлар сонини кўпайтиришгина эмас, балки савиясини ҳам ошириш керак. Республика театрлар савияси вилоят театрлари савиясидан баланд бўлиши лозим. Театр фаолиятида рақобат пайдо қилиш керак.

Иккинчидан, драматурглар манфаатини уларга тўланадиган қалам ҳақи даражасини кўпайтирмасдан ва асар қўйилиши билан қалам ҳақини тезкор тўламасдан ҳамда бошқа руҳлантириш масалаларини ижобий ҳал қилмасдан мақсадга эришиш анча кечроқ амалга ошади.

Учинчидан, талафот драматургик асарларга қанчалик кучли бўлса, уларга ёрдам ҳажми ҳам худди шундай меёрда бўлиши зарур.

Тўртинчидан, театр драматург+ режиссёр+актёрлар иттифоқини ўзида тузиши ва шу аснода спектакл саҳнада яратилишига эришиш зарур.

Бешинчидан, драматургиямизга ҳамда режиссурамизга ёшларни кўпроқ жалб қилиш, уларга барча имкониятларни яратиш масаласи бўйича қарорлар қабул қилиш вақти келди.

Олтинчидан, Ўзбекистон санъат ва маданият инсититутида режиссура ва драматургия бўлимларига кирувчилар ишлаб чиқаришда ишламасликлари қатъий қилиб қўйилиши ҳам умумий ишимизга ижобий таъсир кўрсатади.

Ва ниҳоят еттинчидан, Ўзбекистон санъат ва маданият институти “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедрасида театр танқидчилиги бўлимига ҳар йили қабул эълон қилиш керак. Уни ҳам тезлик билан ҳал қилиш фойдадан ҳоли эмас.

### **3.2. Спектаклинг бадиий яхлитлиги**

Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилиниши туфайли мамлакатда ижтимоий ҳаёт янги тараққиёт йўлига кирди. Миллий давлатчилик ақидалари қайта тикланди, рад этилган, қувғиндаги дину диёнат ўз ўрнига қайтди. Қораланган буюк сиймоларнинг муборак номлари оқланди. Ўтмиш ва мавжуд ҳаётни адолат ва ҳақиқат назари билан баҳолашга барча имконият яратилди.

Мустақиллик шарофати билан миллий драматургия ўзининг янги тарихини яратишга ўтди; иккинчидан, драматургия буюртма асосида мажбурий ижод усулларидан халос бўлди; учинчидан, саҳна асарлари қадриялар, миллий урф-одат ва маросимлар талаблари асосида яратила бошланди; тўртинчидан, асоссиз қораланган шахслар оқланди ва улар ҳақида асарлар яратиш мумкин бўлди; бешинчидан, ўзбек тили давлат тили мақомига эришди, олтинчидан, халқимиз эркин ижод қилиш хуқуқига эга бўлди.

Драматургларимиз энг аввало улуғ сиймолар ижодига бағишенгандан мавзуларда сахна асар яратиш хуқуқини қўлга киритди. Натижада жанр турлари ва хусусиятларида ҳам янгиланиш қўрина бошлади. Театрларимиздаги ўзгаришлар, хусусан янги сахна кошоналарининг бунёд бўлиши, эскиларини замон талаблари асосида таъмирлаш ва жиҳозлаш, авлодлар алмашишидан иборат бўлди. Бу ишлар билан бир қаторда театр ходимларининг янгиликка интилиши, драматург, режиссёр ва актёрларнинг фаоллиги ва уларнинг бирлиги сезила бошлади.

Турли танловлар, ижодий изланишлар, фестиваллар драматургияга ва сахна санъатига таъсирини қўрсатди. Натижада театрлар миллатнинг табаррук жойига айланди. Унда олим ҳам, олимликка давогар бўлмаганлар ҳам, жинсидан ва ёшидан қатъий назар кўзи очиқ, қулоғи эшитадиган барча тоифа одамлар эстетик завқ оладиган бўлди. Театрлар томошабинларни янги замон руҳида тарбиялайдиган маънавият маскани ролини тўла бажариш имкониятига эга бўлди. Спектакл яратишида драматург, режиссёр, композитор, рассом, актёрлар қаторида чироқ устаси ҳам, пардозловчи ҳам, декоратсия устаси ҳам, тикувчию овоз режиссёри ҳам фаол қатнаша бошлади. Бу санъат ситези ҳосиласи бўлиб спектакл туғилади. Спектакл ўз навбатида олиму савдогарга, шоиру ҳаммолга, фаррошу учувчига, қўйингки, турли касб эгаларига хизмат қиласи, уларнинг руҳини кўтаради.

Шу ўринда ўзбек театрининг пойдеворини қурган сиймолардан бири жадидчи маърифатпарвар Мунаввар қори Абдурашидхонов (1878-1931)нинг юз йил аввал айтган муборак сўzlари эсга келади: “Туркистон тилида ҳануз бир театр ўйналмағонлиги барчамизга маълумдир. Шул сабабли баъзи кишиларимиз театрга эҳтимолки, ўйинбозлик ёхуд масхарабозлик кўзи ила боқурлар. Ҳолбуки, театрнинг маъноси “ибратхона” ёки “улуғлар мактаби” деган сўздир. Театр сахнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинғон бир уйга ўхшайдирки, унга ҳар ким кирса, ўзининг ҳусни ва қабиқини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур”. (“Театр” журнали, 2007 йил, 1-сон, 25-бет).

Истиқлоннинг илк кунидан бошлаб ўзбек драматургиясида кетма-кет буюк аждодларимиз ҳаёти, фаолиятини ёритувчи песа ва спектакллар юзага келди. Улар орасида Соҳибқирон Амир Темур, унинг давлат бошқаришда тутган сиёсати, маънавий дунёсини очишга жазм этиб ёзилган асарлар етакчи ўринга чиқди. Мустақилликнинг дастлабки йилиёқ Қашқадарё театри сахнасида Тўра Мирзонинг «Амир Темур» (реж. Б.Назаров, 1991), шу муаллифнинг Фаргона театри сахнасида «Амир Темур ва Тўхтамиш» (реж. М.Юсупов, 1996), А.Ориповнинг Миллий академик драма театрида «Соҳибқирон» (реж. О.Салимов, 1996), Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрида А.Икромовнинг «Амир Темур» бир пардали операси (1996), шу композиторнинг «Тановар» ракс театрининг бадиий раҳбари Й.Исматова билан ҳамкорликда яратган «Темурий маликалар» хореографик лирик қисса, Аброр Ҳидоятов номидаги драма театри сахнасида Муртазо

Бафоев мусиқаси асосида Б.Йўлдошев, Г.Брим саҳналаштирган «Ипак йўли» пластик спектакл, Сурхондарё театрида Қилич Абдунабиевнинг «Амир Темур ва Йилдирим Боязид» (реж. М.Равшанов, 1995), Жиззах театрида О.Ёқубовнинг «Фотиҳи Музаффар» асарларининг саҳналаштирилиши вилоят театрларимиз билан бирга қўшни давлат театрларини ҳам Темур ва темурийлар мавзусига эътиборини кучайтириб юборди. Мавжуд ҳодисани эътиборга олган республикамиз ҳукумат идоралари Президентимиз И.Каримовнинг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш ҳақидаги фармонига ҳамоҳанг «Наврӯз-67» Ўзбекистон театр санъати фестивалини ўтказишга қарор қиласидар.

Мустақилликнинг ўн беш йиллик қисқа тарихи давомида республика театрлари, шу жумладан, Миллий академик драма театри репертуаридан тарихий мавзудаги асарлар муттасил ўрин олиб келди. Ана шундайлардан бири Й.Муқимов, Ҳ.Расулнинг македониялик Искандарнинг юртимизга бостириб келиши ва унга қарши Спитамен бошлиқ тарихий ҳалқ қўзғалонини ривоятнамо романтик рух билан саҳналаштирилган «Муқаддас Тахтизар» спектакли (реж. А.Исмоилов, 2003) пухтагина режиссёрлик ечими асосида тимсолларнинг жонли ижросида эришилган ютуқларга бой бўлди.

Республика театрлари репертуаридан ўрин олган ҳам тарихий, ҳам замонавий мавзуларда ёзилиб саҳналаштирилаётган асарлар орасида ғоявий ва бадиий жиҳатдан хом-хаталалари ҳийлагина бўлса-да, мавзулар хилма-хиллиги кўзни қувонтиради. Бунинг устига мустақиллик йиллари драматургияга қўплаб янги умидли муаллифларнинг кириб келганлиги ҳам қувонарли ҳол. Масалан, У.Азимов ва унинг «Алпомишининг қайтиши», «Кундузсиз кечалар», «Бир қадам йўл», э.Хушвақтов ва унинг «Чимилдиқ», «Машраб», «Қаллиқ ўйин», «Қирмизи олма», С.Сирожиддиновнинг «Фифон» (Нодирабегим), «Ҳаёт эшик ортида», Т.Юнуснинг «Қор одам воқеаси», М.Бобоевнинг «Ўлим ҳалқаси», К.Авазнинг «Марварид таққан аёл», «Ташкилдаги ҳангома», «Жобби Жўжакнинг хийласи», «Жавлон жўрра», «Авесто – меҳр фарзанди» сингари, Ҳ.Хурсандовнинг «Кампир топайми дадажон», «Бир ўлиб кўрайчи», С.Имомовнинг «Суперқайнона», «Ергинамнинг орзуси», «Дада демайман», И.Турсуновнинг «Бир қанотлилар», П.Қодировнинг «Уч кунли дунё» сингари қўплаб асарлар шулар жумласига киради.

Муҳими мустақиллик узоқ ўтмиш ва ҳозир, буюк тарихий шахслару адабий-маданий меросимиздан тортиб, ҳалқ удумларигача янги назар билан идрок этиш имкониятини берди. Ана шу яратилган имкониятлардан саҳна санъатига алоқадор ижодкор ва театр жамоалари унумли фойдаланиш йўлига ўтдилар. Чунончи, Миллий театр саҳнасида пайдо бўлган э.Хушвақтовнинг «Чимилдиқ», (реж. Т.Азизов, М.Абдуллаева, 1996), «Қаллиқ ўйин», (реж. Т.Азизов, 2002) спектакллари театр ҳаётида кутилмаган натижаларни берди. Масалан, «Чимилдиқ» премера кунидан бошлаб 2000 йилгача, яъни тўрт йил

иичида икки юз йигирма тўрт маротаба томоша зали тирбанд ҳолда ижро этилди.

Бу этнографик манба асосига қурилган бадиий импровизатсия спектакли мисолида ўзбек томошабини ўзининг яхши, ибратли удумларига ҳурмат ва эҳтиром ҳисси жўш урди. Спектакл тасир кучининг сиру асрори шунда. Спектаклдаги ҳар бир рол ижроси самимият ва илҳом маҳсули эди. Масалан, Дилбар Икромова меҳр ва юмор билан барча тажриба ва маҳоратини ишга солиб, қалби дарё, идроки теран, турмуш ва рўзғорнинг турли икирчикирларини, одамлар табиати ва одатларини кўравериб кўзи пишган, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотмайдиган, доим яхшиликка қўл уришга тайёр Момо образини яратди.

Саида Раметова ижросидаги ўланчи – соф ўзбек аёли, инсонларга жонини фидо этишга тайёр, яхши ниятли ёш оналаримизнинг тимсоли. Келин образи, айниқса, унинг талқини мисолида меҳр ва камолотнинг улғайиш сехрини гувоҳи бўламиз. Қиз аввал кўрмаган, ёши ўтинқираган, чиройи унча кўзга ташланмайдиган, аммо чимилдиқдаги қатор синоатдан кейин дили пок, ақли расо, оқибатда маъқул тушиб қолган тенгини топади. Бу ролни ижро этган М.Мухторова қалбидаги ғурур, хаёлидаги олам-олам режалар ўрнини қандай қилиб, кўнглига ўтирмаган, никоҳ туфайлигина рўпара бўлган йигитнинг муҳаббати эгаллай олишини юморга йўғрилган кечинма аралаш нозик саҳналарда ўзига хос, ярашиб турадиган «қилиқлар», ифода усуллари билан баён этади.

Куёв ролининг ижрочиси ҳам А.Абдуваҳобов талқинида ўзига хос. У куёвнинг фазилатлари сиртига нисбатан, фаросати етук йигитлигига эканини ўрни билан очади. Оқибатда келинни ўзига ром қилувчи хатти-ҳаракатлар топиб, ақлини забт этувчи сухбатлар қуради.

Бу ролни Р.Жўраев ҳам ижро этади. У А.Абдуваҳобовга ўхшамайди, ўзига хос талқин ва таъриф жилоларини топади.

Спектаклинг ҳаётийлигини оширадиган асосий аломатларидан бири ундаги оммавий саҳналарни тафсилотли майда ҳодисаларга бойлигига ҳам кўринади. Саҳна безакларию, кийим-кечаклар турфа ранги қўшилиб, чинакамига импровизатсия асосига қурилган бадиий этнографик театр томошаси таассуротини ҳосил қиласди.

«Чимилдик» театрнинг томошабоп асари бўлиши билан бирга, омади юришган спектакли ҳам бўлди. Ўша йилнинг ўзида театр шу спектаклини Қоҳирада ўтказилган Жаҳон экспериментал театрлари фестивалида муваффақият билан намойиш этди. Бу театрнинг тарихида узоқ чет эл сафарига биринчи бор чиқиши эди.

«Чимилдик»нинг кенг томошабинлар доирасига хуш келганидан муаллиф ва театр жамоасининг ғайрати жўшиб, чимилдик мавзусининг давоми сифатида «Қаллик ўйини» лирик комедиясини юзага чиқаришди.

Спектаклда этнографик тафсилотлардан кўра характерларнинг очилиши жараёни, айниқса, кечинмалар силсиласига эътибор кучайтирилди. Режиссёрнинг ижро чиларни имкон ва хоҳишлигини яхши ўзлаштиргани, уларнинг изланишларига кенг йўл очиб бергани, қиз ролини ижро этган М.Холиқова, Йигит ролидаги Т.Сайдов, Муллабобо ролининг ижро чилиси З.Муҳаммаджоновларнинг яратган образларида ўз аксини топди.

Песа матнидаги асосдан мустасно, спектаклнинг қаҳрамони, кўрки сифатида М.Холиқованинг қаҳрамони ўзининг бадий тугал тимсоллиги билан томошабин эътиборини забт этди. Актрисанинг кўринишидан эркакшода, дўлвор қизнинг ўзига хос жозибасини оча билиш маҳорати кишига алоҳида завқ бағишлийди. Унинг саҳнада яшаш усувларида театр саҳна усталари анъаналарининг яхши амаллари ўз аксини топди. Актриса нимаики қилмасин, ўзига ярашади, образ табиати, тароватини бойитади.

З.Муҳаммаджоновнинг Муллабобоси саҳнага бир онга чиқади-ю, кириб кетади. Шу ташрифида ундан бир саҳоватпеша, қувноқ кексанинг битмас-туганмас файз нурига тўла самимияти кишиларга кўтаринки кайфият улашади.

XXI асрнинг бошидан эътиборан Ўзбекистон театрлари саҳнасида янги бозор иқтисодиёти шароитида юз кўрсатаётган ижтимоий ҳаёт, инсонлар турмуш тарзида пайдо бўлаётган ўзгаришни акс эттиришга қизиқиш ортди. Ана шу мавзулар атрофида баҳс юритувчи асарлар сони қўпая борди. Миллий театр саҳнасида амалга оширилган О.Ёқубовнинг «Бир кошона сирлари» (реж. Т.Азизов, Н.Маҳмудова, 2000), У.Азимнинг «Бир қадам йўл» (реж. В.Умаров, 2002), Ж.Жабборовнинг «Нексия», песаларининг спектакллари шулар жумласига киради.

«Бир қадам йўл» асар ғоясининг теранлиги, бадий етуклиги билан ажralиб туради. Драма жон томирини белгилайдиган ғоя инсон поклигию, имон бутунлиги билан фожиавий оқибатларга олиб келадиган худбинлик ва лоқайдлик орасидаги курашдир. Яхшилик билан ёмонлик, савоб билан гуноҳ, тўғрилик билан жиноят, орзудаги режани амалга ошмай аттангга айланиб қолиши сингари муаммоларнинг ораси бир қадам йўлга қиёс. Бинобарин драма воқеаси кекса Отанинг умри фарзандлардан тортиб набираларигача ундириб-ўстириб, бутун бир қишлоқни боғу бўстонга айлантириб, кучдан қолган умри шомида бир қадам масофадаги Самарқандни зиёрат қилиш орзуси фарзандларига боғлиқ бўлиб, уни ҳам амалга ошмай қолганидагина эмас. Драма мазмун-моҳияти ўқувчи ва томошабин хаёлини бошқа қатор ҳаётий-ахлоқий мавзуларга жалб этишида кўринади. Драмада содир бўладиган сир-синоатлар ҳар қандай ижтимоий шароитда ҳам юз бериши мумкин. Сабаби, кўп нарса аввало инсоннинг ўзига боғлиқ. Қолгани, баҳонаи сабабдан бўлак нарса эмас, деган ғояни муаллиф илгари суради. Шунинг учун ҳам песадаги уч оға-ини Жўра, Шокир, Қосим уч олам. Гарчи улар бир оиласда тарбия топиб, нафас олаётган муҳит ҳаммасига баробардек бир хил

бўлса ҳам. Жўра аввалига колхоз, мустақилликдан кейин жамоа хўжалиги раиси лавозимида хаёли аввал ҳам, ҳозир ҳам халқ оғирини енгил қилиш билан банд кимса. Ўзгаси, ҳатто оила рўзгорининг бутунлиги ҳам қўзга кўринмайди.

Шокир эса ёшлигиданоқ қалбига шайтоний ҳис оралаган устомон фирибгар ва сохта валламат. Севгилиси, бир гўзал қизни пайт пойлаб, номусига тажовузлик билан хотинликка олиб, бир умрга бебаҳт қилган номуссиз. Охир-оқибатда ўғиллари вояга етиб қолган хотини овсини – Саодатга дардини қуийдагича ошкор қилади.

Бунинг устига Шокир иштаҳаси чегара билмайдиган топармон аждаҳо. Пулининг кучи билан имони сустларни ўзига қул қилаолиш имконига эга жиноятчи ҳам. Наркобизнес билан савдо қилувчиларнинг орқа тоғига айланган бу кимса жиноятларини ниқоблаш йўлида шўро даврида ҳам, ҳозир ҳам қингир йўл билан яшаб келаётган туман ҳокими эшмаматов, милитсия идорасининг бошлиғи Болтабоевни қўлга олади. Юртга ёрдам бериш баҳонасида улар билан ҳамтовоқлиқда «Ҳорижлик дўстлари билан» мармар заводи ва бошқа иншоотлар қуришни режалаштиради.

Кенжа ўғил Қосим замон бошига солган қисматнинг жабрдийдаси. Афғон урушига жўнатилиб, эрга бериб юборилган севгилисидан жудо бўлгани, устига ярадорлиги оқибатида уйлана олмайдиган бўлиб қолган навқирон қурбон.

Театр жамоаси драмани катта эътибор билан саҳналаштириди. Спектаклда тимсолларнинг, айниқса, ота билан болаларнинг бир-бирларига муомала масаласига алоҳида эътибор бериб иш тутилди. Ҳамманинг оғзида кекса отани Самарқанд зиёратига олиб бориш режаси бўлгани билан ҳеч ким бу масалага ҳам, Чолнинг хатти-ҳаракати-ю ҳолатига эътибор бериш у ёқда турсин, гапларига охиригача қулоқ солмайдилар. Ҳамма ўзи билан ўзи овора.

Спектаклнинг бошида Чол умрида сўнгги ниҳолни қўкартириш нияти билан эшик олдининг ёнгинасига олиб чиқиб қўйган мевали дарахт кўчати бечора отанинг мажоли етмагани сабабли томошанинг охиригача ўтказилмай қолиб, чукур маънавий рамз кашф этади.

Мустақиллик берган имкониятлардан Муқимий номидаги мусиқий театри ҳам унумли фойдаланди. Айниқса илгари саҳнага олиб чиқиши мумкин бўлмаган диний эътиқод, унинг буюк устунлари, ёрқин тарихий шахслар сиймолари мавзуларига бу театрда ҳам қизиқиши ортди. Шунинг оқибатида машҳур «Авесто» хусусида баҳс юритувчи Й.Муқимов, Б.Лутфуллаевнинг «Мангу машъал», Н.Қобил, Т.Қурбонов-ларнинг Иброҳим алайҳассаломнинг таваллудлари хусусидаги «Намруд», Х.Даврон, Б.Лутфуллаевнинг «Бобиршоҳ», Н.Қобил, Ф.Олимовнинг «На малакман, на фаришта» (Машраб) тарихий ва тарихий ривоят мусиқали драмалари вужудга келиб, саҳна юзини кўрди. Айни вақтда театр анъанавий мусиқали достончилик йўлидаги

изланишларини давом эттириб, У.Азим ва Б.Лутфуллаевнинг «Алпомишнинг қайтиши» мусиқали драмасини тамошабинга кўрсатишга қарор қилди.

«Мангу машъал» пессасининг бадиий қиймати мақтанаарли бўлмаса-да, маърифий жиҳатдан аҳамиятли, томошабинни «Авесто» билан яқиндан танишишга даъвати билан аҳамиятли бўлди. Шунинг билан бирга унинг спектаклида (реж. Р.Маъдиев, дир. Э.Тошматов, 1999) роллар ижросида кўзни қувонтиарли ижодий меҳнат самараси мавжуд бўлиб, Ф.Аҳмедов ва Н.Рустамовнинг элдониш, Т.Бекназаров ва А.Рўзиевнинг Ерўғлон, С.Пўлатов ва Х.Носировнинг Ота, Д.Сафаева ва Г.Рустамованинг Она ролларининг эркин импровизатсия йўли билан амалга оширилган талқинлари спектаклнинг арзигулик ютуқлари сирасига киради. Айниқса бир ролни икки ижрочи томондан сезиларли даражада фарқ билан ижро этилиши ҳар бир ижрочининг ўз қаҳрамони ижросига мустақил муносабатидан гувоҳлик бериб турарди.

«Намруд» (реж. Б.Назаров, дир. Ж.Ортиқов, 2001) саҳнада исломият тарихидан сўз очишга бағишлиб ёзилган асарлар орасида мавзуга аниқ, ишонарли далиллар билан ёндашув – матн ва мусиқада бир-бирини тўлдирувчи ўзаро уйғун бадиий самарага эришувда мукаммалроқ бўлиб чиқди.

Мустақиллик даврида кечган йиллар давомида замонавий мавзуда ёзилган тажрибали ва ёш муаллифларнинг кўпгина мусиқали драма ва комедиялари саҳна юзини кўрди. Булар Шукрулло, Н.Норхўжаевнинг «Тўйдан кейин томоша», К.Авазнинг «Диёнатга хиёнат», Р.Маъдиев, Ф.Олимовнинг «Тақдир», «Девона», «Бахтли бўл дугонажон», Х.Хурсандов, Ф.Олимовларнинг «Топталган туйғу», «Ўлдинг азиз бўлдинг», яна Х.Хурсандовнинг композитор Қ.Комилов билан ҳамкорликдаги «Мұхаббатим қисматим», С.Имомов, Ф.Олимов-нинг «Суперқайнона», «Суперқайнона-2», С.Сирожиддинов, О.Абдуллаеванинг «Осмоннинг бағри кенг», «Не бўлди менга», Н.Аббосхон, Ф.Олимовнинг «Жайдари келин», Ф.Шермуҳаммад Б.Лутфиллаевнинг «Қудук тубидаги фарёд», Р.Азизхўжаев, Ҳ.Раҳимовнинг «Келин танлов», Н.Қобил, Б.Лутфиллаевнинг «Тўда» сингари асарларининг спектакллариdir.

Бу асарларнинг кўпчилигига оила, ахлоқий маънавий муаммолар ота-она ва фарзандлар, келин-куёв ва қайнона, эски урф-одатларнинг зарарли оқибатлари муҳокамадан ўтказилади.

Мазкур асарларнинг бадиий даражаси турлича, айримлари хом-хатала, шошма-шошарлик билан ёзилганига қарамай, мавзунинг ҳамон долзарблиги йўқолмаганлиги туфайли томошабинларнинг каттагина қатлами, кўплаб хонадон соҳиб-соҳибалари эътиборини ўзига жалб этгани жўнидан театр уларни саҳналаштириб, кўпроқ талқинда эркин йўл билан ижобий натижаларга эришди. Айни вақтда меёрдан ошириб юбориш ҳолларига ҳам йўл қўйилди.

Ижобий натижалар «Тўйдан кейин томоша», «Диёнатга хиёнат», «Тақдир», «Топталган туйғу», «Осмоннинг бағри кенг», «Қудуқ тубидаги фарёд», «Ўлдинг азиз бўлдинг», «Девона» сингари спектакларнинг саҳналаштириш маданиятида кўзга кўпроқ ташланди.

«Тўйдан кейин томошада» (реж. Н.Отабоев, дир. Э.Тошматов, 1991) куёв бўлмиш ўғил – Мўмин ролини Д.Узоқов, келин – Холидани М.Умарова, Ота ўлимига сабабчи, дабдабали тўй ташаббускори она – Чамандахонни Н.Пўлатова ва М.Бекжонова, ота – Фозилхўжани Р.Солиҳов; «Девона»да (реж. Р.Маъдиев, дир. Н.Халилов, 1999) Ориф ролини Н.Рустамов, Зубайдани Ф.Рахматова, Чол ролини С.Пўлатов, Ф.Аҳмедовлар олиб чиқиши. Жамила ролининг ижросида эса Н.Пўлатова мислсиз ютуққа эриши. У ижодий йўналишига тамомила зид телба аёл кўргиликларини катта маҳорат билан таърифлаб, муҳлислар таҳсинига сазовор бўлди.

Театр С.Сирожиддинов, О.Абдуллаеванинг «Осмоннинг бағри кенг»идан бошлаб (реж. Б.Холмирзаев, дир. Э.Тошматов, 2003), ёшлар орасида безорилик, гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш мавзусига багишланган спектакллар яратишга алоҳида эътибор бериб иш кўришга кириши. Мазкур асарда Ҳуринисо исмли аёл қимор ва ўғриликка ўрганганд, ҳеч кими йўқ етим Жамшидни ўз тарбиясига олиб, хатарли йўлдан қайтаради. Аммо уни шу йўлга бошлаган Бек бошлиқ қиморбоз безорилар Жамшидни зўрлаб, ўз ошиёнларига олиб кетадилар. Жамшид бу ерда Бекнинг тузогига илинган, қоровул Қоравойнинг хушвоз, қўхлик қизи Баҳтигул билан танишиб, бир-бирларига қўнгил қўйиб, тутқунликдан қутулиш чорасини излайди. Синоатни зимдан сезган Бек Жамшидни қиморда ютиб, эвазига Ҳуринисонинг сигирини ўғирлаб келишни талаб қиласди. Ноилож қолган Жамшид талабни бажариб, Баҳтигулни бу даргоҳдан олиб кетмоқчи бўлади. Бек қиморда ютса, эвазига қизни олиб кетишига розилик беради. Жамшид ютади. Бироқ Бек ваъдасини бажариш ўрнига уни пичоқлаб ўлдириб, пичоқни Қоравойнинг қўлига тутқазиб, қотилликни унинг бўйнига ағдарар экан, қизнинг отаси аввалги ва ҳозирги безориликларнинг гувоҳи, иштирокчиси сифатида «Уни ҳаммамиз ўлдирдик» деган тагдор жавобни қиласди. Анча пишиқ ёзилган песанинг спектаклида Ҳуринисо ролини Д.Сафаева, Жамшид ролини Д.Узоқов, Баҳтигулни М.Алимбоева, Бекни И.Ошиков, Қоравойни С.Пўлатов билан Р.Солиҳов ижро этиши.

Н.Қобил, Б.Лутфиллаеванинг «Тўда» мусиқали песаси ва унинг спектакли (реж. М.Азизов, дир. О.Комилжонов, 2005) юқоридаги спектакл саҳнага олиб чиқсан мавзунинг давоми бўлди.

Асарнинг бош мавзуи «инсон ва гиёҳванд»лик муаммосидир. Ёруғ дунёга келган мурғак инсон боласи ҳар қандай нуқсондан холи бўлади. Эсини таниб, улғаяр экан, унинг ким бўлиши, аввало, инсоннинг ўзига боғлиқ, демоқчи бўлади муаллиф. Мухими ҳар қандай шароитда қалбини поклик тарк этмаган, бошқаларга нисбатан меҳр ва муруватли бўлишга

қодир кимсагина инсон деган номга лойиқ. Шароит ва имкон бу инсон учун оғир синов эканлиги асарда ёрқин намоён бўлади.

Мусиқали комедия яъни қулгили ҳажвий мазмун асосида яратилган саҳна асарлари драма талаблари ва ҳажвий муносабат билан ажралиб туради. Бу жанр XX асрнинг иккинчи ўн йиллиги охирида дунёга келди ва 1940 йил охирида мустақил жанрга айланди. Бугун мусиқани драма асарларимизда Ватанга муҳаббат туйғуларидек покиза ният бош ғоя қилиб олинаётгани, мавзуларнинг қамрови кенглиги қувонарли ҳол.

Мустақиллик шарофати билан ёшларимиз орзуси ҳам ушалди. Тошкент шаҳрида ва бир нечта вилоятларда болалар учун хизмат қиласиган янги қўғирчоқ театрлари очилди. Хусусан, Қорақалпоқ Республикаси қўғирчоқ театри мустақиллик арафасида очилган бўлиб, у иш фаолиятини 1991 йилдан бошлади. Унинг дастлабки спектакли К.Каримовнинг “Оғриқ мерган” асари бўлди. Шу йили Тошкентда “Қорақалпогистон маданият кунлари” ўтказилганда қўғирчоқ театри усталари пойтахт болаларига ўзларининг “Ўғирликнинг охири хўрлик” спектаклини кўрсатишади. Самарқандда ўтказилган қўғирчоқ театрлари фестивалида иккита: “Оғриқ мерган” ва “Оқ такача билан кўк такача” асарлари намойиш қилинда. Икки йил ўтгач, Андижондаги фестивалда “Керак бўлганинг керак”, яна икки йил ўтиб, Тошкент фестивалида “Шум эшак” спектаклини намойиш қилишди.

1993 йили иккита вилоядада: Фарғона ва Хоразмда вилоят қўғирчоқ театрлари тузилиб, иш бошлади. Фарғонадаги қўғирчоқ театри Ғайратийнинг “Қўғирчоқбозлар”, Хоразм театри Хивада М.Курёзовнинг “Афанди ҳангомалари” спектакли билан ўз фаолиятларини бошлашди.

1994 йили яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Қашқадарёда 15 март куни Шомурод Юсупов режиссёrlиги ва Владимир Акудин мусиқаси билан яратилган “Дангасанинг ҳоливой” асари намойиш қилиниб, болалар ўз қўғирчоқ театрлари спектаклларини кўришга мұяссар бўлишди.

Бу тадбирлар Республикализнинг Биринчи Президентининг болалар ва ёшлар тарбиясига нечоғлик катта аҳамият билан қараётганлиги натижасидир. Чунки, келажак тарбияланган болаларники эканини, яқин йилларда худди ўша болалар давлатни бошқаришини мухтарам Республикализнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов кўра билди ва қўғирчоқ театрларига алоҳида аҳамият берди.

Тошкент театрларида “Қабоҳат тузоғи - XXI”, ”Осмоннинг бағри кенг”, “Устаси фаранг”, “Ўлдинг азиз бўлдинг”, “Захарли томчилар”, ”Адашганлар” каби замонавий мавзудаги асарлар билан бирга, “Жабби жўжакнинг ҳийласи”, “Чимилдиқ”, “Андишалик келинчак”, “Кампир топайми, дадажон”, “Супер қайнона” сингари майший, урф-одатларимизга бағишлиланган спектакллар ҳам пайдо бўлди. Улар томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди ва танқидчиларимиз, томошабинлар томонидан матбуотда эълон қилинди.

Замонавий мавзулардаги асарларда, хусусан, эркин Хушвақтовнинг “Чимилдиқ” мелодрамаси, Санжарали Имомовнинг “Фаришта ва шайтон” сатирик комедияси, Ҳолиқ Хурсандовнинг “Ўлдинг азиз бўлдинг” трагикомедияси, Усмон Азимнинг “Бир қадам йўл” психологик драмасида ифодавий усуллар ва воситалар хилма-хиллигини кўрамиз.

Халқ оғзаки ижодига таалуқли асарларда, хусусан, Усмон Азимнинг “Алпомиш” инсенировкасида янги жанрий шакллар изланиши мавжуд бўлса, спектаклда қаҳрамонлик, романтиклик синтезини кўрамиз.

Ўзбек прозаси инсенировкасида Тоғай Муроднинг “От кишинаган оқшомда”, “Ойдинда юрган одамлар”, Абдулла Қодирийнинг “Оқ қушлар, оппоқ қушлар” асосидаги спектаклларда ижтимоий-психологик мотивлар билан бирга ахлоқ муаммолари ва характерларнинг психологик ифодаси, қаҳрамон руҳий оламининг ички қарама-қаршиликларини очиш содир бўлди.

Бу даврда “Ҳамлет” икки бора янги талқинда намойиш қилинди. Бу вазифани пойтахтимиздаги “Илҳом” театр-студияси ва Миллий театр амалга ошириди. Бу асарни саҳналаштирувчи режиссёр Авлиёқули Хўжақули ва Турғун Азизов эди. “Ҳамлет” ўзбек саҳнасидаги янги талқинларибуюк-хамон муносиб ўрин олиб келмоқда.

Театрларимиз яна қуйидаги янги мавзулар билан бойиди. Жумладан, Ш.Нуралиевнинг “Актёр тақдири”, Дилбар ва Тилаб Маҳмудовларнинг “Тортадурман жабрини”, М.Хўжанованинг “Паризоднинг ташвиши” Фарида Бобожонованинг “Офтоб”, Хайитмат Расулнинг “Дилрабонинг она тумори”, “Сайдинг қўябер сайёд”, Олимжон Холдорнинг “Уч кунлик келин”, А.Лорентиснинг “Вестсайдская история” ва бошқа асарлар саҳна юзини кўрди.

Таниқли режиссёр Мансур Равшановнинг “Шоҳ ва Шоир” асарини саҳна талқинига кўра, ривоятлар аслида ҳаёт ҳақиқати эканига урғу берилади. Спектаклдаги қуйидаги жумлаларга эътибор қаратинг:

Шоир Ҳазратга қарат: “Тахт баҳт эмас, озод руҳдир арши аъло”, кейинроқ, “...биз худойимнинг қафасдаги какликларимиз, сайраб-сайраб бу оламдан ўтамиш!” дейди. Бу ажойиб, фалсафий саҳна асари Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида саҳналаштирилди.

Мустақилликнинг иккинчи ўн йиллиги ҳам драматик асарларга бой бўлди. Сурхондарёда болаларимиз учун қўғирчоқ театри барпо бўлди. Бу театр 2001 йилда ўзининг биринчи спектакли Пўлат Мўминнинг “Туяқуш-боёқуш” асари билан очилди.

Мамлакатимиз театрларининг дарғаси бўлиб келган Миллий Академик театrimизда Одил Ёқубовнинг “Бир кошона сирлари” (постановкаи режиссёр Турғун Азизов), Шукруллонинг “Ҳасрат боғи” (режиссёр Тожибой Исроилов), Нурилло Аббосхоннинг “Ўзбекча ракс” (режиссёр Турғун Азизов) асарлари саҳналаштирилди. Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ артисти, таниқли режиссёр

Баҳодир Йўлдошев драматург Туроб Тўланинг “Нодирабегим” песаси асосида “Бу юрт муқаддас тупроғимдир” спектаклини саҳнага қўйди.

XX1 асрнинг биринчи ўн йиллиги даврида ҳам ҳар қачонгидек, жаҳон ва буюк драматурглар яратган асарларга эътибор пасаймади. М умтоз драматургия асосида саҳналаштирилган спектакллар актёрлар ва режиссёrlар учун деярли мактаб ролини бажарганлиги ҳаммага маълум. Жумладан, “Макр ва Муҳаббат”, “Отелло”, “Қирол Лир”, “Ҳамлет”, “Ёз куни ғаройиботлари”, “Донишманд Натан”, “Етти фарёд”, “Дараҳтлар тик туриб жон беради”, “Маликаи Турондот”, ”Зўраки табиб”, “Тартюф”, “Сичуванлик меҳрибон”, “Искандар”, “Чин маликаси” билан бир қаторда “Хобил ва Қобил”, “Рақсу самў”, “Алишер Навоий”, “Мирзо Улуғбек”, “Падаркуш”, “Адвокатли осонми”, “Бахтсиз куёв”, “Туркистон табиби”, ”Гўзал дунё зулмати” каби спектакллар яратилди.

Охирги ўн йилликда республикадаги барча мусиқали драма театрларида ажойиб асарлар саҳналаштирилди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Наманганд вилоят мусиқали драма ва комедия театрида “Олтин қафас ичра”, “Адолат куни, “Ал- кабир”, “Ёр истаб”, “Мехр қуёши”, “Муноқаша”, “Балои нафс”, “Бедаволар” каби ижтимоий-маиший мавзудаги замонавий асарлар саҳналаштирилди. Бундай мисолларни барча вилоят театрлари репертуарларидан билиб олсак бўлади.

Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги “Қашқадарё” вилоят мусиқали драма театрининг ижодий изланишлари ўзига хос. Театр саҳналаштирган ва намойиш қилган Н.Шодмоновнинг “Нуҳ кемаси” (саҳналаштирувчи режиссёр Ф.Жумаев) фалсафий драмасида саҳна декоратсияси, ижролардаги пластика ва темпо-ритм, саҳнавий хатти-харакат қонун-қоидалари меёрда намоён бўлган.

XX асрнинг охирги ўн йиллиги давомида ҳамда XXII асрнинг 13 йили орасидаги вақт давомида театрларимиз қуидаги драматик асарларни томошибинларга ҳавола қилишди: “Ҳар кимки вафо қилса” (Ҳайдар Муҳаммад), “Бобуршоҳ” (Хуршид Даврон), “Соҳибқирон” (Абдулла Орипов), “Жалолиддин Мангуберди” (Еркин Самандар), “Авесто - эл фарзанди”, “Феруз” (Комил Аваз), “Собир Термизий” (Низом Парда), “Ал-Фарғоний” (Йўлдош Сулаймон), “Кундузсиз кечалар” (Усмон Азим), “Занжирманд шер” (Зиё Нажмий), “Усмон Носир” (Нодира Раширова), “Беҳбудий” (Б.Исмоилов), “Ўтган замон ҳангомалари”, “Ҳасан кайфий”, “Адибнинг умри” (Усмон Азим), эркин Воҳидовнинг “Руҳлар исёни” (режиссёр эргаш Масафоев), “Қуш тили” (режиссёр Авлиёқули Хўжақулиев А.Навоийнинг “Лисонут-тайр” ва Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут-тайр” асарига асосланган ҳолда саҳналаштирган асари), “Усмон Носир қаерда?”, “Мадаминбек”, “Салом ёки хайр”, “Боғ”, “Армонлар исканжасида”, “Захарли томчилар”, “Ўзлигини излаган ва топган ёки Алишер Навоий”, Александра Касонанинг “Дараҳтлар тик туриб жон беради” (режиссёр Валижон Умаров),

Қорақалпоқ театри сахналаштирган “Алпомиши” (режиссёр Нажмиддин Аنسатбоев) каби драма ва мусиқали драмалари яратилди. Улар давр руҳи билан суғорилган тарихий ва замонавий асарлар экани қувонарли ҳолдир.

Маннон Уйғур номидаги Сурхандаё вилоят мусиқали драма театри сахнасида туғилган “Қамалған күзлар” (И.Отақулов) “Адиб Собир Термизий” (Н.Парда), “Олифта” (Ф.Мусажонов), “Узоқдан келған күёв” (Хайитмат Расул), “Ақа-ука совчилар” (Р.Мұхаммаджонов), “Темир хотин” (Ш.Бошбеков), “Хотинлар ҳазили”, “Алпомишнинг ёшлиги” (Хайдар Мұхаммад), “Кампир топайми, дадажон?”, (Х.Хурсандов), “Бир қадам йўл” (Усмон Азим) каби ва бошқа асарлардаги муваффақиятларда таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мансур Равшановнинг хизматлари ҳар бир театр режиссёри ва раҳбари учун ибрат бўладиган намунаидир.

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида охирги 10 йил орасида “Наманган алласи”, “Алпомишнинг ўқ-ёйи”, “Иккинчи тумор”, “Қирол Лирнинг сўнги набиралари”, “Тобутдан товуш”, “Иффатини асрраган аёл”, “Аяжонларим”, “Бехато отилган ўқ”, “Фолбин”, “Оқила”, “Ёлғонлар чув тушган кун”, ”Бедаволар” каби асарлар саҳнада муваффақият билан намойиш этилди ва томошабинлар олқишини олди.

Пойтахтимиз театрларида Жуманиёз Жабборовнинг “Нексия”, Ҳайитмат Расулнинг “Олтин қиз”, Рихсивой Мұхаммаджоновнинг “Хаёт барибир гўзал”, Шуҳрат Ризаевнинг “Дискотека”, Насрулло Қобилнинг “Тўда”, Шукруллонинг “Ҳасрат боғи”, “Тўйдан кейин томоша”, Тилаб Маҳмудовнинг “Омонат дунё”, эркин Аъзамнинг “Талваса”, Тўлқин Мухиддиннинг “Адашганлар”, Санжарали Имомовнинг “Сойибхўжа оператсияси”, “Суперқайнона”, Ҳолиқ Хурсандовнинг “Ўлдинг азиз бўлдинг”, Ҳайдар Мұхаммаднинг “Амир Темурнинг туғилиши”, Салоҳиддин Сирожиддиновнинг “Осмоннинг бағри кенг”, Иномжон Турсуновнинг “Тузок”, Усмон Азимнинг “Синфдош”, эркин Хушвақтовнинг “Чимилдиқ”, “Қирмизи олма” ва бошқа саҳна асарлари асосида сахналаштирилган спектаклларни айтиб ўтиш мумкин.

**Шароф Бошбеков** «Темир хотин» ва бошқа песалари билан халқимиз орасида довруғ таратган драматурглардандир. У Самарқанд вилоят Булунғур туман Ғубир қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. М. Уйғур номидаги санъат институти мусиқали драма бўлимида таҳсил кўрган, институтни битиргач, 1974—1985-йиллари Олим Хўжаев номидаги Сирдарё, сўнг Муқимий номидаги мусиқали театрларда актёр сифатида фаолият кўрсатган. Қатор йиллар Республика Ёш томошабинлар театрида адабий эмакдош сифатида ишлаган. Адабий ижодни ҳажвий ҳикоялар ёзишдан бошлаган.

«Тақдир эшиги» (1980) унинг драматургиядаги илк қадамларидан бири бўлди. Ш. Бошбеков песалари шахс эркинлиги, ўзлигини англаш, қадр-қиммат, виждон, эзгулик муаммоларига бағишиланган. «Тикансиз типратиканлар» (1981), «Тушов узган тулпорлар» (1982), «Музика сайёраси»

(1984), «Ески шаҳар гаврошлари» (1987), «Темир хотин» (1988), «Ешик қоққан ким бўлди?» (1989), «Тентак фаришталар» (1995) каби песалар шу мавзуларда бўлиб, уларда драматург услубига хос тимсолий ифода, образларни ғалати (породаксал) ҳолатларга солиш тасвирий омиллари яққол қўзга ташланиб туради.

Унинг ижоди кино ва телевидение билан ҳам боғлик. «Шариф ва Маъриф», «Юзсиз» (1993), «Тилла бола» (1994) каби фильмлар сценарийларини ёзишда «Масхарабоз» (1996) фильмни яратишда ҳам сценарий муаллифи ва режиссор сифатида қатнашди. Томошабинлар орасида шов-шувга сабаб бўлган кўп серияли «Чархпалак» телефилми сценарийси ҳам Ш. Бошбеков қаламига мансуб.

Франсуз адабаси Ж. Сааранинг «Маъмура кампир», Молернинг «Учар табиб» асарлари унинг эркин таржимасида А. Хидоятов ва Ёш томошабинлар театрларида сахна юзини кўрган.

Ш. Бошбеков песалари театрларимиз репертуарида фаол ўрин тутиб келади. «Тақдир эшиги» 1987-йили «Миллий» театрда режиссор Т. Истроилов томонидан саҳналаштирилди. «Ески шаҳар гаврошлари» Ёш томошабинлар театрида. Улар 1988-йили Республика театрлари «Наврӯз» фестивалида юқори баҳо олган. Лекин ўша йили олий мукофот Фарғона вилоят театрининг «Темир хотин» (режиссор О. Салимов) спектаклига насиб этди.

Спектакл Ўрта Осиё ва Қозогистон театрларининг 1989-йили Бишкекда ўтган «Наврӯз» фестивалида олий мукофотга, унда Кўчкор ролини ойнаган М. Юсупов энг яхши эркак роли учун совринини олишга мувофиқ бўлди.

Ш. Бошбеков шу асари учун 1989-йили Ўзбекистон Ёзувчилар юшумасининг М. Шайхзода мукофотига сазовор бўлди.

1990-йили у Республика Давлат мукофоти, 2001-йили эса «Мехнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

**Ҳайитмат Расул** 1939-йилнинг 23-мартида Хоразм вилоят Гурлан туман, Боголон қишлоғида чўпон оиласида туғилган. Ўрта мактаб таълим мини олгач, ҳозирги М. Уйғур номидаги санъат институтининг мусиқали драма бўлимида ўқиган. Мехнат фаолиятини «Миллий» академик театрда актёрликдан (1966—1970) бошлаб, сўнг Республика телевидениесида драматургия бойича бош муҳаррир (1970—1989), 1989-йилдан буён ҳозирга қадар «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси репертуар бўлимида бош муҳаррир вазифасида ишлаб келади.

Ҳайитмат Расул 1968-йилдан драматургия соҳасида қалам тебратиб келади. Унда бадиий ижодга қизиқиши бобоси — таниқли бахши шоир Мулла Матчон Маҳаммадрасул таъсирида шаклланган. Ҳайитмат Расул ўттизга яқин пеша ёзган. Уларнинг бир қисми драма, яна бир қисми мусиқали драма жанрига оид.

Ўзбек Давлат академик театри репертуаридан унинг «Муҳаббат султони» (1994, режиссор М. Азимов), «Пири коинот» (1997, режиссор В. Умаров), «Боши қотган ошиқлар» (1998, режиссор М. Хачатуров) драмалари ўрин олган бўлса, Муқимий номли мусиқали театрдан «Муқаддас диёр» (1975, режиссор Р. Ҳамроев), «Хўжайин» (1978, режиссор

Н. Сайдхонов) А. Ҳидоятов номли драма театридан «Узоқ қишлоқ» (1988, режиссер Б. Йўлдошев), Оғаҳий номидаги Хоразм театридан «Нилуфар» (1988, режиссер И. Ниёзматов), «Темир қафас» (1992, реж Ж. Душанов), «Орзу» (1993, режиссер Ж. Душанов) песалари ўрин олган. «Суюнчи беринг, одамлар», «Вахима», «Тили асалим» каби песалари ҳам турли вилоят театрларида саҳна юзини кўрган.

Ҳ. Расулнинг М. Муқимов билан ҳамкорликда яратилган сўнгги «Муқаддас тахтизар» асари 2003-йил Миллий академик театрда (режиссер Арсен Исмоилов) саҳнага қойилди.

**Абдулла Орипов** Қашқадарё вилоят Косон туманидаги Некўз қишлоғида туғилган. 1963-йили Тошкент Давлат университетининг журналистика факултетини тугатади, сўнг «Ёш гвардия» (1963—1969), Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат (1969—1974) нашриётларида ишлайди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида котиб, 1995-йилдан ҳозирга қадар уюшма раиси вазифасида хизмат қилиб келади.

Халқимизнинг ардоқли шоирларидан Абдулла Ориповнинг поетик ижодига хос шоирона фалсафий мушоҳадалар унинг драматургиясида ҳам теран ифода топган.

Дантенинг «Илоҳий комедияси»ни ўзбек тилига таржима қилгач, драматик достон шаклидан фойдаланиб, 1978-йили «Жаннатга йўл», 1988-йили «Ранжком» асарларини яратади. Уларда ўткир ҳажвий фош қилишлик усули яққол бўртиб туради. Ёруғ дунёning сарсон-саргардонликлари, эзгулик ва инсон қадр-қимматининг оёқ ости бўлиши муаллифни қайғуга солган эди.

**Усмон Азим** Сурхондарё вилоят Бойсун туман Газа қишлоғида таваллуд топган. Ўрта мактаб таълимини олгач, Тошкент Давлат университетига ўқишга кириб, 1972-йили журналистика бўлимини тугатади. Дастлаб Республика радиосида, газета ва журналлар тахририятларида, кейинроқ Республика Президенти девонида Давлат маслаҳатчиси сифатида ишлаган. Ҳозирда «Савдогар» газетаси бош муҳаррир муовини, Миллий академик театрда адабий бўлим раҳбари сифатида ишлаб келади.

Усмон Азим «Инсонни тушуниш», «Оқибат», «Сурат парчалари» каби шеърий тўпламлари чоп этилиб, поэзияда анча тажриба орттиргач, драматургияга кириб келган. Драматургияга қизиқиш унда радиода ишлаб, «Бир қадам» радиопесаси, «Гаройиб аждаҳо», «Боғдаги боғча» каби эртаклари эфирга узатилган кезлари пайдо бўлган. Қайта ишланиб дастлаб Сурхондарё театри репертуаридан ўрин олган «Бир қадам» унинг саҳна юзини кўрган илк песаси ҳисобланади.

1997-йили Миллий академик театрда саҳналаштирилган «Кундузсиз кечалар» (режиссер Валижон Умаров) асари Усмон Азимнинг драматурглик фаолиятида муҳим воқеага айланди. 1998-йили «Алломишининг қайтиши» асари Андижон, кейинроқ Муқимий номли мусиқали (ҳар икки спектакл режиссори В. Умаров), Сурхондарё театр (режиссер М. Равшанов)ларида саҳна юзини кўради. 2002-йили эса «Бир қадам» песаси «Миллий» театр (режиссер Валижон Умаров) репертуаридан ўрин олди.

Тўра Мирзо (Тўрамирзо Жабборали Дадамирзо ўғли) Наманган вилоят Чорток туманининг Пешқўрғон қишлоғида туғилган. Мактаб таълим мини олгандан сўнг 1979-йили Маннон Уйғур номидаги санъат институтининг театршунослик бўлимида таҳсил кўрган. Кейинроқ Москвадаги олий адабиёт курсида ўқиган. Бадиий ижодиётга 1970-йиллари шоир сифатида кириб келди ва ўтган давр ичидаги ўнга яқин шеърий тўпламлар чоп эттириди. Бир неча мажмуалари рус ва турк тилларида нашр этилган.

**Тўра Мирзо** 1980-йиллардан драматургия соҳасида фаол қалам тебратади. «Аҳмад ила Оқбилак» (1984, Хоразм театри), «Сочидан салом» (1985, Самарқанд ва А. Ҳидоятов номли театрлар) «Пойтахт латифалари» (1985—1986, Жиззах ва Бухоро театрлари) «Қовурилган ўрдак парвози» (1987, Республика Сатира ва Қашқадарё театрлари), «Муҳаббатга ўқ теккан кун» (1988, Каттакўрғон театри) каби асарлари қатор театрлар репертуаридан ўрин олди. 1989—1999-йиллари Тўра Мирзо Амир Темур образи устида кўламли изланишлар олиб борди. Амир Темур ҳақидаги асарларининг биринчиси, Қашқадарё театрида режиссор Б. Назаров, иккинчиси 1996-йили Юсуф қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона театрида режиссор М. Юсупов томонидан саҳнага қойилди.

Тўра Мирзо санъат институтини тугатгач, қатор газета ва журналлар таҳририятида ишлаб, театр спектакллари, санъаткорлар ҳақида кўплаб тақриз ва мақолалар ёзган. 1999—2001-йиллар давомида Ўзбекистон телевидениесида ишлаб, ўнлаб видеофильмлар учун сценарийлар яратган. Унинг таржимачилик фаолияти ҳам эътиборли: Жон Пристлининг «Хазина», Агата Кристининг «Қопқон», Азиз Несиннинг «Яшасин, сарғиш пушти ранг» драматик асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Поетик ва драматик асарлари учун ўнга халқаро мукофотлар, «Амир Темур» ҳамда «Амир Темур ва Тўхтамишхон» драмалари учун эса халқаро Фирдавсий мукофоти берилган.

**Салоҳиддин Сирожиддинов** Андижон вилоят Балиқчи туман Чинобод қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти ҳаваскорлик жамоалари режиссорлиги бўлимида (1975—1979), М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг икки йиллик драматурглик курсида (2001) таҳсил кўрган. Тошкентдаги Ойбек номли маданият уйи директори, Республика Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти бошқармаси ва «Ўзбектелефильм»да муҳаррирлик лавозимларида ишлаган. Ҳозирги кунда Республика радиосида театр эшиттиришлари бўлимида муҳаррир вазифасида ишлаб келади.

Унинг «Беозор лайлакларга тегманг» деган биринчи песаси 1980-йили Республика Ёш томошабинлар театрида қойилган. Шундан сўнгги йилларда ўндан ортиқ песа ёзди ва улар пойтахт ҳамда қатор вилоят театрлари репертуарига киритилди. Шулардан учтаси «Тўмарис» (1990, режиссор Р. Ҳамидов), «Фигон» (1992, режиссор М. Азимов), «Ҳаёт эшик ортида» (режиссор Ё. Саъдиев) «Миллий» академик драма театрида қойилган. «Соҳибқирон Темур» (Бухоро), «Тунда учган турналар» (Андижон), «Калаванинг учи кампирда» (Жиззах), «Дод, хотинлар дастидан», «Уйингизга совчи келди» асарлари қатор вилоят театрларида

саҳналаштирилган. «Қор бобо ва қор момо», «Үрмон машмашаси», «Ертаклар ўлкаси» песалари Ёш томошабинлар театридан ўрин олган. «Еттинчи фалақдан келган овоз» (режиссор Ш. Жунайдуллаев) ва «Чорраҳа» (режиссёр М. Мирзаахмедов) асарлари асосида кўп серияли телефилмлар яратилган.

С. Сирожиддинов газета ва журналларда Т. Рўзиева, С. Зоҳидова, М. Азимов, Р. Иброҳимова, М. Ҳамидов, Б. Маматхонов каби санъаткорлар ҳақида мақолалар эълон қилган.

**Еркин Хушвақтов** Шаҳрисабзнинг Чамбил қишлоғида шофёр оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, бир муддат ўз қишлоғида ишлаб, сўнг 1978-йили М. Уйғур номидаги санъат институти актёрлик санъати бойича тайёрлов бўлимида таҳсил олган.

Е. Хушвақтов А. Ҳидоятов номидаги театрга чироқ ёритувчи сифатида ишга киради, 1987-йилдан ҳозиргacha «Миллий» академик драма театрида шу вазифада ишлаб келади. Унинг драматургия соҳасидаги илк қадами А. Қодирийнинг «Мехробдан чаён» романини инссенировка қилишдан бошланди. Ушбу асар 1994-йили академик театрда Т. Азизов томонидан саҳнага қойилди. 1995-йили «Чимилдиқ» асарининг илк нусхаси М. Уйғур номидаги санъат институтида диплом спектакли (режиссор Ш. Ҳамидова) тарзида яратилди. 1996-йили эса унинг қайта ишланган нусхаси Т. Азизов, М. Абдуллаева томонидан «Миллий» театрда саҳнага қойилади. 1997-йили академик театр репертуарида «Машраб» асари (режиссор Т. Азизов) пайдо бўлади.

Е. Хушвақтов 1998—2000-йиллари М. Уйғур номидаги санъат институти олий драматурглик курсида таҳсил кўради ва «Қирмизи олма» песаси (М. Абдуллаева томонидан ўша йили диплом спектакли тарзида яратилган) билан таълим жараёнини якунлайди. 2002-йилнинг 16-февралида академик драма театрида унинг «Қаллиқ ойин» (режиссор Т. Азизов) асари премераси ўтказилди.

Еркин Хушвақтов 2002-йили Президентимизнинг Фармони билан «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган.

Театр фикрлаш ва тарбия ўчоғи мавқени кулгили, томошага бериб қўймаяптими деганҳаёл туғилади. Театрларнинг кассабоп асарларга кучли эҳтиёж сезаётгани аччиқ ҳақиқатdir.

Ижод эркинлиги театр соҳасига мустақиллик билан кириб келди.. Ўтган давр ичидаги театр фаолиятига назар ташлаб, бугун ҳар бир ўзбекистонликнинг маънавий эҳтиёжини қондиришга камарбаста бўлган саҳна санъати ҳақида ҳам илиқ, ҳам танқидий фикрлар билдириш мумкин. Тўғри, жуда кўп, сон жиҳатидан кўп, сифат жиҳатидан етарли асарлар ёзилди ва саҳналаштирилди. Аммо шу даврда халқимизнинг маънавий бойлиги ошдими, ҳа ошди. Бу ўринда Республикализнинг Биринчи Президентининг сўзларини эслайлик. “Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай

хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш - одамзоднинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон десак, ҳеч қандай хато бўлмайди” (Ислом Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч”, “Маънавият”, 2008 й., 25-бет).

Бугунги кунгача ижод эркинлиги деган сўзнинг кўпчилигимиз тўғри тушиниб етмаётгандакмиз. Театр танқидчилиги ҳам ўз вазифасини тўла бажара олмаётибди, дейишга асос бор. Театр энг аввало томошабинларни маънавиятини шакллантиришда катта куч эканини эсидан чиқармаслиги лозим. Худди шу масалада Республикализнинг Биринчи Президенти “...маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-еътиқодини бутун қиласидиган, вижданини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”... деган фикрни бежиз билдирамаганлар. (шу асарда, 19-бет).

Демак аввало драматургия режиссёрларни фикрлашга ундаши керак. Чуқур фикрлайдиган режиссёр эса ўз мақсадига тез етишади. Уактёрларни ҳам ишга солади, қизиқарли характер яратишлирига илҳомлантира олади. Режиссёр аввало буюк руҳшунос бўлиши лозим. У томошабинни ҳам кулдириб, ҳам зарур бўлганда йиғлатиш орқали фикрлашга ўргатадиган қобилиятга эга бўлиши керак.

Миллий драматургиямизнинг атоқли арбобларидан бири Комил Яшин адабиётнинг ҳеч бир тури оммабопликда, ўқувчига таъсир қилишда песа билан тенглаша олмаслигини, драматургия энг ўтқир қурол экани ҳақида кўп марта айтган.

Томошабинлар баъзи театрлардаги актёрларда адабий тил ва талафуз нормаси, гавда ифодасида, шевалардан бемаврид фойдаланиш давом этаётганидан ранжишмоқда. Чунки актёрлар намуна бўлиш ўрнига тўпори сўзлардан шевалардан саводсизларча фойдаланишмоқда. Хусусан театр, кино ва телевидениеда Тошкент ва бошқа вилоят шевалари, афсуски, кўп ишлатиляпти.

Шу ўринда театр танқидчилигига ҳам эътиrozлар билдириш ўринли бўлса керак. Аммо катта хурмат билан театршунос танқидчиларимиз Мамажон Раҳмонов (марҳум), Ҳафиз Абдусаматов, Баҳриддин Насридинов, Тошпўлат Турсунов (марҳум), Муҳсин Қодиров, Тешабой Баяндиеv, Сотимбой Турсунбоев, эркин Исмоилов (марҳум), Бердиали Имомов, Шуҳрат Ризаев, Марфуа Ҳамирова, Мухаббат Тўлаҳўжаева, Ҳамиджон Икромов, Тоир Исломов, Омонулла Ризаев, Сарвиноз Қодирова, элдор Мухторов, Дилфуз Раҳматуллаева, Муқаддас Аҳмаджоноваларни хизмати улканлигини эътироф этиш лозим. Бу соҳада ҳам катта ўзгаришлар бўлишини истардик. Тақризлар мақтов даражасида эмас, талаб даражасида ёзилишига эришишимиз лозим.

Театр саҳналарида замонамиз қаҳрамонлари образини тўлиқ очиб бераолдикми? Бизда бугун кучли драматургия борми? Бунинг даражасини

ким ҳал қилиши керак, ўйлаб кўрайлик. Натижада қуйидаги саволлар жавоб кутади.

Театр учун бадий жиҳатдан баркамол асарлар яратилдими? Ҳа ёки йўқ деб жавоб қилиш мумкин. Аммо унинг ҳақиқий жавобини томошабинлар беради.

Театр миллий комедияни хуш кўради. Шундай асарлар кўпми? Ҳа, ҳам йўқ. Бу қайси қарич билан ўлчашга боғлиқ.

Драматургиямиз санъат асари даражасидами? Бу бахсли муаммо ҳам ўз ечимини топиши зарур.

Бугун “шекспирона” асарлар яратиляптими? Айтиш қийин. Жавоб бериш оғир.

Ўзбек театр танқидчилиги савияси талаб даражасидами? Бемалол “йўқ” дейиш ўринли бўлади. Миллий режиссура Маннон Уйғур даври режиссураси даражасига етдими? Ҳа, етди дейиш балки мумкинdir. Аввало мезон даражасини белгилаб олишимиш зарур бўлса керак.

Театр санъати ҳақида сўз борганда шу саволларга жавоб беришга тўғри келади. Жавоблар савияси театр савияси жаражасидан юқори бўлолмайди-ку. Демак, олдимизда ечимини кутаётган жуда муҳим вазифалар турибди.

Биринчидан, театрлар саҳналаштираётан асарлар сонини кўпайтиришгина эмас, балки савиясини ҳам ошириш керак. Республика театрлар савияси вилоят театрлари савиясидан баланд бўлиши лозим. Театр фаолиятида рақобат пайдо қилиш керак.

Иккинчидан, драматурглар манфаатини уларга тўланадиган қалам ҳақи даражасини кўпайтирмасдан ва асар қўйилиши билан қалам ҳақини тезкор тўламасдан ҳамда бошқа руҳлантириш масалаларини ижобий ҳал қилмасдан мақсадга эришиш анча кечроқ амалга ошади.

Учинчидан, талаб драматургик асарларга қанчалик кучли бўлса, уларга ёрдам ҳажми ҳам худди шундай меёрда бўлиши зарур.

Тўртинчидан, театр драматург+ режиссёр+актёrlар иттифоқини ўзида тузиши ва шу аснода спектакл саҳнада яратилишига эришиш зарур.

Бешинчидан, драматургиямизга ҳамда режиссурасига ёшларни кўпроқ жалб қилиш, уларга барча имкониятларни яратиш масаласи бўйича қарорлар қабул қилиш вақти келди.

Олтинчидан, Ўзбекистон санъат ва маданият инсититутида режиссура ва драматургия бўлимларига кирувчилар ишлаб чиқаришда ишламасликлари қатъий қилиб қўйилиши ҳам умумий ишимизга ижобий таъсир кўрсатади.

Ва ниҳоят еттинчидан, Ўзбекистон санъат ва маданият институти “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедрасида театр танқидчилиги бўлимига ҳар йили қабул эълон қилиш керак. Уни ҳам тезлик билан ҳал қилиш фойдадан ҳоли эмас.

### *Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар*

1. *Мустақиллик ўзбек миллий драматургиямизга нима берди?*

2. Театр фаолиятидаги ютуқ- камчиликлар ва уларнинг ечими.
3. Драматик асарларимизнинг бош гоясини айтинг.
4. Мустақиллик шарофати билан қайси вилоятларда қўғирчоқ театрлари иши бошлади?
5. Мустақиллик даврида яратилган майиий спектаклар ҳақида ўз қараашларингизни сўзлаб беринг.

## **Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари\***

### **Асосий адабиётлар**

1. Махмудов Ж. Актёрлик маҳорати (ўқув қўлланма). – Т., 2005.
2. Умаров М. Маннон Уйғур эстетикаси. – Т.: Мусиқа, 2007.
3. Махмудов Ж., Махмудова Х. Режиссура асослари. – Т.: Мусиқа, 2008.
4. Раҳматуллаева Д., Шодиев Б. Байрам томошалари – Ўзбекистон санъати: 1991-2001 й.й. – Т.: Шарқ, 2001

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. 2017 йил
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.
3. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг муҳим пойдеворидир. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги маърузаси.”Халқсўзи” газетаси, 2017 йил, 4 август, 153-сон
4. Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ”Халқсўзи” газетаси, 2017 йил, 17 феврал, 35-сон.
5. Раҳмонов М. Ўзбек театр тарихи. – Т., 1982.
6. Исломилов э. Маннон Уйғур. – Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
7. Захава Б. Мастерство режиссёра и актёра. – М.: Просвещение, 1978.
8. Товstonогов Г. Зеркало сцени. т. 1-2. – Л.: Искусство, 1980.

### **Электрон таълим ресурслари**


1. [www.Ziyo.net](http://www.Ziyo.net)
2. [kitobxon.uz](http://kitobxon.uz)
3. <http://www.teatr.ru>
4. <http://www.uzbekteatr.skm.uz>
5. <http://stanislavskiy.by.ru>
6. <http://www.teatr-estrada.ru>
7. [teatr.com](http://teatr.com)
8. <http://www.mxat.ru>

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-Амалий машғулот. Драматургиядаги янги ижодий изланиш масалалари

*Вазифа 1.* Драматургия ва режиссуранинг умумий ва бир биридан фарқловчи томонларини “Венн диаграммаси” орқали тасвирлаб беринг

Венн диаграммаси



*Вазифа 2.* “Тушунчалар таҳлили” методи орқали таянч тушунчаларни изохланг.

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<i>Сценарийнавислик</i>		
<i>Сахна</i>		
<i>Режиссура</i>		
<i>Драматургия</i>		
<i>Комедия</i>		
<i>Сценарий</i>		
<i>Спектакль</i>		
<i>Бадиий образ</i>		
<i>Декорация</i>		
<i>Драма</i>		

## **2-Амалий машғулот. Саҳнавий асарнинг режиссёрлик таҳлили**

**Вазифа 1.**Саҳна асарларининг бадиий ечимини таҳлил қилиш. Режиссёр ёндашувини таҳлил этиш. Асарининг замон талаблари даражасида саҳна асарига айланиш босқичларини аниқлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар томонидан кичик гурухларга бўлинниб, улар ҳар бир вазифа бўйича берилган саволлардан жавоб олиш ва шарҳлаб бериш керак.

### **Ишни бажариш учун намуна**

Тингловчилар 3-гурухга бўлинади. Маъruzachi томонидан мавзу бўйича тайёрланган топшириқлар тарқатилади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтиб ўтилади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот берилади. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гурухларда иш бошлиш вақти эълон қилинади.

Рахбар гурухлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясади.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек талabalар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги талabalар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

### **Гурухда ишлаш қоидалари**

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гурух иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- Бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- Кемага тушганинг жони бир: ё бирга қутиламиш ёки бирга чўкамиз.

**Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.**

1. Индивидуал ўқиши-2 минут.
2. Мұхокама қилиш –3 минут.
3. Презентация (тәқдимот) варагини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (тәқдимот) қилиш –5 минут.
5. Гурұхлар бошқа гурұхларни презентация (тәқдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

**1-илова**

**Биринчи гурұх учун вазифа.**

Саволлар.	Түшүнчө ва шарх	Изох
Драматургия нима?		
Бадий образ деб нимани тушунасиз?		

**Иккінчи гурұх учун вазифа.**

Саволлар.	Түшүнчө ва шарх	Изох
Режиссура бўйича илмий тушунчалар билдиринг		
Сценография нима?		

**Учинчи гурұх учун вазифа.**

Саволлар.	Түшүнчө ва шарх	Изох
Драма турларини санаб ўтинг		
Миллий ўзига хослик ва интеграция деганда нимани тушунасиз?		

**2-илова**

**Гурұхни баҳолаш жадвали.**

Гурұх-лар	Жавобларнинг аник, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гурұх аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гурұх					
2-гурұх					
3-гурұх					

### **3-Амалий машғулот. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ДРАМАТУРГИЯСИ ВА РЕЖИССУРАСИ**

#### **Вазифа 1. «ЎЙЛАНГ-ЖУФТЛИКДА ИШЛАНГ-ФИКР АЛМАШИНГ»**

Ушбу техника биргаликдаги фаолият бўлиб, тингловчиларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради.

**Ишдан мақсад:** Молиялаштиришнинг замонавий шаклларининг таҳлили. Молиялаштириш режасини амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш.

«Ўйланг-Жуфтликда ишланг-Фикр алмашинг» техникасидан фойдаланган ҳолда гурухларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. Ўқитувчи савол ва топшириқ беради: олдин ўйлаб чиқиш, сўнг қисқа жавоблар ёзиш тартибида.



2. Тингловчилар жуфтликларга бўлиниб, бир-бири билан фикр алмашадилар ва иккала жавобни мужассам этган умумий жавобни ишлаб чиқишига ҳаракат қиласидилар.



3. Ўқитувчи бир неча жуфтликларга ўттиз секунд давомида аудиторияга ўз ишининг қисқа якунини ифодалаб беришини таклиф қиласиди.

#### **Матн**

“Холливуд Киноиндустрия кино ишлаб чиқариш тизими сфатида бошқаларга намуна бўлишини унда банк капитали ва диверсификациялаштирилган капитал билан қўшилиб кетган қудратли хусусий киностудиялар, кучли агентлар, фаол профессионал гильдиялар, жаҳон кинопрокати, ривожланган иккиласми бозорларнинг мавжудлиги билан таъкидлаш мумкин. Ҳозирча бизда бундай тизим деярли йўқ. Замонавий кинобизнес структурасидаги базавий элементлар барча ривожланган мамлакатлар учун бир хил. Бу ерда алоҳида молиялаштириш механизмига эътибор қаратиш лозим.

Кино ишлаб чиқариш молиялаштириши юқори рискли ҳисобланади, чунки харажатлар нисбатан қисқа муддатда сарфланишни талаб этиб, кўзланган даромадни олиш учун эса узокроқ вақт керак бўлади. Кино ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг узоқ муддатли омили бўлиб капитал билан бетўхтов таъминлаб боришидир. Кино ишлаб чиқаришни молиялаштириш ва кинопрокат учун катта микдорда ва доимо ўсиб борувчи пул маблағлари керак. Уларни топиш учун продюсерлар томонидан турли молиявий схемалар, воситалар ва усуслар қўлланилади. Масалан фильм бюджетига кенг истемолдаги товарлар, либослар ва зеб зийнат буюмларнинг яширин рекламасидан келган маблағлар тушади. Яъни фильм қахрамонлари фойдаланган автомобиллар маркаси, либосларнинг ишлаб чиқарувчи

фирмалар номи ва ҳ.з.лар атайин ушбу фирмалар манфаатида фильмда намойиш этилади ва улар томонидан пул ажратилади.

Америкалик эксперталар фикрича қўшимча кредитлаш манбааларига мурожжаат қилинмаганлигига, кино лойиҳаларига маблағларни жалб этишининг уддабурон усуллари қўлламаганлигига, ҳамда тадбиркорлик ва ижтимоий капитал бозорига кенг йўл очилмаганида АҚШнинг кинобизнеси бундай шиддат билан ривожланмаган бўлар эди. Молиялаштириш -бу фильмнинг яратилишида муҳим босқичdir.”

## **Вазифа 2.ЭССЕ**

«Киноиндустриядаги тадбиркор инсонларнинг орасида ёрқин исьедодли шахсларнинг қўплиги бежис эмас: уларнинг маҳорати капитални жалб этиб, кинематография ҳаёти гирдобига олиб кетиш ва муваффақиятга ишонтира олишга қаратилади. Ижодкорликка нисбатан кинобизнеснинг ўзи ижод ва қизғинликдан қолишмайдиган фаолият эканлигига улар ишонч ҳосил қилганлар. Дарҳақиқат, ғояга қизиқиш, унга мувофиқ ижодкорларни топиш, уларга ишона олиш, ушбу фильм учун ишлаб чиқаришнинг мураккаб бирлигини яратиш, миллионлари билан риск қилишга тайёр одамларни топиб олиш, бўлғуси томошабинларни аниқлаш, вақт ва жойни белгилаш, бир куни қашшоқقا ёки машхур ва бадавлатга айланиб қолиш тавакқали остида жамоани ўз ихтиёри билан бирлаштира олиш —буларнинг барчаси ҳар қандай ижодий ва қизғин ишдан қолишмайди. Менинг фикримча, кинобизнесни молиялаштириш масаласига келтирилган ушбу далилга қўшиламан /қўшилмайман, чунки.....» мавзууда далилланган эссе ёзинг.

**Эссе ҳажми таклиф қилинган мавзудаги 1000 сўзгача тузиш.**

**Далилланган эссе нинг тузилиши:**

Масала юзасидан муаллифнинг нисбий нуқтаи назарини билдириш  
(1 хатбоши).

Айтилган позициянинг далилланиши – муаллифнинг шу позицияни қўллаш учун ишонарли далиллари айни позицияни қабул қилишга ишонтиради.

Холоса – резюме (1 хатбоши).



*Далилланган эссени баҳолаши кўрсаткичлари ва мезонлари: мазмуннинг мавзуга мувофиқлиги;*  
*муаммони кўриши, унга муносабат, ўзининг нуқтаи назари,*  
*далилларнинг ишончлилиги;*

*услуб: баённинг аниқлиги, очиқ-равишанлиги;*

*ёзии қоидаларига риоя қилиши.*

## V. ТЕСТЛАР

1	2	2	<b>Ёзувчига бадиий образ яратиш учун манба бўлган шахс, тимсол нима деб аталади?</b>	*прототип	образ	тип	Персонаж
1	2	2	<b>“Скетч” нимани англатади?</b>	*Кичик ҳажвий пеша тури	Кичик пеша тури	Алоҳида мустақил номерлардан ташкил топган томоша	Театрда кино элементлари билан намойиш этилувчи томоша
1	2	2	<b>Софоклнинг эдинга бағишланган трилогияси қайси асарлардан иборат?</b>	* “Шоҳ эдип”, “Антигона”, “Едип Колонда”	“Шоҳ эдип”, “Тиресей”, “Антигона”	“Едипнинг туғилиши”, “Шоҳ эдип”, “Едип Колонда”	“Шоҳ эдип”, “Едип Колонда”, “Креонт”
1	2	2	<b>Европеднинг “Медея” асарида перипетияни топинг</b>	*Егейнинг Медея ёнига келиши	Ясоннинг Медея билан хайрлашуви	Креонтнинг Медеяга бир кун муҳлат бериши	Креонт қизининг ўлими
1	2	2	<b>“Антик” тушунчасини изохланг</b>	*қадимги	намунали	қадрли	умрибоқий
1	2	2	<b>Дастлабки театр томошалари Юнонистонда қайси маъбуд шарафига атаб ўтказилган?</b>	*Дионис	Гермес	Зевс	Ахилл
1	2	2	<b>“Драматургия” номли назарий асар яратган рус олими ким?</b>	*Волкенштейн	Аникст	Баяджиев	Сахновский-Панкеев
1	2	2	<b>Ўзбек театри 2700 йиллик тарихга эга эканини асослаб берган Ўзбек олими ким?</b>	*М.Рахмонов	Т.Баяндиеев	М.Қодиров	Т.Турсунов
1	2	2	<b>Трилогия нима?</b>	*Мазмуна н бир-бирини давом эттирувчи уч асар мажмуюи	Фожеа	Бир қанча драматурглар нинг битта асар устида ишлиши	Мавжуд песани янги замонга мослаштирган ҳолда қайта ишлаш

1	2	2	<b>Табдил нима?</b>	*Ески асарни бугунги күн театрига мослаштириб таржима қилиш	Асар шархи.	Асар тахлили.	Асарга муносабат билдириш.
2	2	2	<b>“Отелло” песасининг мавзусини аникланг</b>	*Алданган ишонч фожеаси	Муҳаббат ва нафрат орасидаги инсон тақдирини	Алданган инсон фожеаси	Ёвузликниң яхшилик устидан ғалабаси
2	2	2	<b>Қўйидаги асарлардан қайси бири мешчанлик фожеаси хисобланади?</b>	* “Макр ва муҳаббат”	“Сид”	“Отелло”	“Федра”
2	2	2	<b>Молернинг тўлик исмини аникланг</b>	* Жан Батист Поклен Молер	Жак Батист Поклен Молер	Жан Баптист Поклен Молер	Жак Баптист Поклен Молер
2	2	2	<b>Испан драматургиясида энг кўп асар яратган драматург берилган қатор қайси?</b>	* Лопе де Вега	Мигел Сервантес	Мигел Алкасар	Лопе де Руида
2	2	2	<b>Дастлабки драматург номи</b>	*Феспид	Софокл	Еврипид	Есхил
2	2	2	<b>Нуқталар ўрнига тўғри жавобни қўйинг: “... – муайян ҳажмли, турли қисмлари турлича сайқалланган тил ёрдамида; баён воситасида эмас, балки хатти-харакат орқали кўрсатиладиган ва изтироб билан инсон руҳини покловчи муҳим ва тугал воқеа тасвиридир”</b>	* трагедия	Драма	комедия	мелодрама
2	2	2	<b>Платон санъатни неча турга бўлган эди?</b>	* 2	3	4	5

2	2	2	<b>Биринчи ўзбек песаси бўлмиш “Падаркуш”нинг муаллифини кўрсатинг</b>	*Беҳбудий	Чўлпон	Авлоний	Хамза
2	2	2	<b>Ўзбек театрида Ягони бош қаҳрамон сифатида акс эттириб “Отелло” спектаклини саҳналаштирган режиссёр ким эди?</b>	* Б.Абдуразз оков	А.Гинзбург	Р.Ҳамидов	Б.Йўлдошев
2	2	2	<b>“Темир хотин” асарида кулминатсия тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг</b>	*Гипноз саҳнаси	Никоҳ саҳнаси	Тақиқланган дискнинг қўйилиши	Олимтойни нг Аломатни олиб келиш саҳнаси
2	2	2	<b>“Темир хотин” асарида перипетия тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг</b>	*Тақиқлан ган дискнинг қўйилиши	Никоҳ саҳнаси	Олимтойнинг Аломатни олиб келиш саҳнаси	Гипноз саҳнаси
3	3	2	<b>Ш.Бошбековнинг қайси песасида бош қаҳрамон асарнинг сўнги кўринишидагина иштирок этади?</b>	* “Ешик қоққан ким бўлди?”	“Ески шаҳар гаврошлари”	“Тақдир эшиги”	“Тикансиз типратикан лар”
3	3	2	<b>“Гурунг” асарининг муаллифи ким?</b>	* М.Бобоев	У.Азим	Ш.Бошбеков	Ш.Холмир заев
3	3	2	<b>Қадимги Юнон мифологиясига кўра ҳосилдорлик маъбути ким эди?</b>	* Дионис	Аид	Зевс	Посейдон
3	3	2	<b>Қайси рус драматургининг асарлари номидан унинг мавзусини билиб олиш мумкин?</b>	* Островски й	Толстой	Чехов	Гогол
3	3	2	<b>Бродвей театрлари қаерда?</b>	* АҚШда	Норвегияда	Англияда	Канадада
3	3	2	<b>“Имон” песасининг муаллифи ким?</b>	* Иззат Султон	Уйғун	Бахром Рахмонов	Абдулла Қаҳхор

3	3	2	“Оғриқ тишлар” песасининг муаллифи ким?	*Абдулла Қаҳхор	Иzzат Султон	Баҳром Раҳмонов	Уйғун
3	3	2	“Юрак сирлари” песасининг муаллифи ким?	*Баҳром Раҳмонов	Иzzат Султон	Уйғун	Абдулла Қаҳхор
3	3	2	“Зебунисо” песасининг муаллифи ким?	*Уйғун	Иzzат Султон	Баҳром Раҳмонов	Абдулла Қаҳхор
3	3	2	“Муқанна” песасининг муаллифи ким?	*Х.Олимжон	М.Шайхзода	Ү.Умарбеков	Уйғун
3	3	2	“Мирзо Улуғбек” песасининг муаллифи ким?	*М.Шайхзода	Х.Олимжон	Ү.Умарбеков	Уйғун
3	3	2	“Киёмат қарз” песасининг муаллифи ким?	*Ү.Умарбеков	Х.Олимжон	М.Шайхзода	Уйғун
3	3	2	“Парвона” песасининг муаллифи ким?	*Уйғун	Х.Олимжон	Ү.Умарбеков	М.Шайхзода
3	3	2	Қайси Юонон драматургининг кабрига унинг жангчи бўлгани ёзилган эди?	*Есхил	Софокл	Еврипид	Аристофан
3	3	2	Драматурглар орасида ўтказилган мусобақаларда энг кўп ғолиб бўлган Юонон драматурги ким эди?	*Софокл	Есхил	Еврипид	Аристофан
3	3	2	Қайси Юонон драматурги тириклигига шухрат қозонмай, вафотидан кейин мислсиз машҳурликка эришган?	*Еврипид	Софокл	Есхил	Аристофан
3	3	2	Қуйидагилардан қайси бири асосан комедиялар ёзган ва “Комедиянинг отаси” деган ном олган?	*Аристофа н	Софокл	Еврипид	Есхил
3	3	2	Ким биринчилардан бўлиб класситсизм	*Д.Дидро	Н.Буало	Корнел	Волтер

			<b>жанрини табақаларга бўлинишига карши чиқди?</b>				
3	3	2	<b>Қайси назариётчи драма композитсиясини беш қисмга бўлиб, Аристотел қоидаларига тузатиш киритишни таклиф этди?</b>	*Фрейтаг	Лессинг	Волтер	Дидро
3	3	2	<b>Шекспирнинг “Отелло” трагедияси қайси жанрга мансуб?</b>	*Романтик трагедия	Фалсафий трагедия	Лирик трагедия	Тарихий трагедия
3	3	2	<b>Молернинг “Тартюоф” комедияси қайси жанрга мансуб?</b>	*Сатирик комедия	Екзентрик комедия	Лирик комедия	Маиший комедия
3	3	2	<b>Адабий тур ва жанрлардан театр санъатига алоқадори қайси?</b>	*драма	лирика	Епос	роман
3	3	2	<b>“Чимилдиқ” асарининг муаллифи ким?</b>	*Е.Хушвақт тов	Е.Норсафар	О.Ҳакимов	Х.Хурсанд ов
3	3	2	<b>“Ўлдинг, азиз бўлдинг” песасининг муаллифи ким?</b>	*Х.Хурсан дов	Е.Норсафар	О.Ҳакимов	Е.Хушвақт ов
3	3	2	<b>“Шайтон ва фаришта” песасининг муаллифи ким?</b>	*С.Имомо в	Н.Қобул	Н.Аббосхон	У.Азим
3	3	2	<b>“Ўзбекча рақс” асарининг муаллифи ким?</b>	*Н.Аббосх он	С.Имомов	Н.Қобул	У.Азим
3	3	2	<b>“Кундузсиз кечалар” песасининг муаллифи ким?</b>	*У.Азим	С.Имомов	Н.Аббосхон	Н.Қобул
3	3	2	<b>“На малакман, на фаришта” песасининг муаллифи ким?</b>	*Н.Қобул	С.Имомов	Н.Аббосхон	У.Азим
3	3	2	<b>“Шошма, қуёш” песасининг композитсияси қайси турга mansub?</b>	*ёпик	Очик	Бир йўналиши	Кўп йўналиши

3	3	2	<b>Либретто нима?</b>	*Опера учун ёзилган асар	Оперетта учун ёзилган асар	Балет учун ёзилган асар	Концерт дастури
3	3	2	<b>“Олтин девор” песасининг муаллифи ким?</b>	*Е.Вохидов	Ў.Хошимов	О.Ёкубов	Ҳ.Расул
3	3	2	<b>“Қатағон” песасининг муаллифи ким?</b>	*Ў.Хошимов	О.Ёкубов	Е.Вохидов	Ҳ.Расул
3	3	2	<b>“Олма гуллаганда” песасининг муаллифи ким?</b>	*О.Ёкубов	Ў.Хошимов	Е.Вохидов	Ҳ.Расул
3	3	2	<b>“Пири коинот” песасининг муаллифи ким?</b>	*Ҳ.Расул	Ў.Хошимов	Е.Вохидов	О.Ёкубов
3	3	2	<b>“Курслар” песасининг муаллифи ким?</b>	*Е.Ионеско	С.Беккет	К.Чапек	Ж.Ануй
3	3	2	<b>“Годони кутиш” песасининг муаллифи ким?</b>	*С.Беккет	Е.Ионеско	К.Чапек	Ж.Ануй
3	3	2	<b>“Она” песасининг муаллифи ким?</b>	*К.Чапек	С.Беккет	Е.Ионеско	Ж.Ануй
3	3	2	<b>“Антигона” номли пеша ёзгандраматург?</b>	*Ж.Ануй	С.Беккет	К.Чапек	Е.Ионеско
3	3	2	<b>Туроб Тўланинг “Нодирабегим” песасининг дастлабки номи қандай бўлган?</b>	*“Қувваи қаҳқаҳа”	“Қувваи ҳофиза”	“Қувваи жаҳон”	“Қувваи шеърият”
3	3	2	<b>“Оперетта” атамасининг лугавий маъноси келтирилган қаторни аниқланг</b>	*италиянчадан, “кичик опера”	франсуздадан, “кичик опера”	франсуздадан, “операга тақлид”	италиянчадан, “операга тақлид”
3	3	2	<b>“Пародия” атамасининг лугавий маъноси келтирилган қаторни аниқланг</b>	*юончадан, “зид кўшиқ”	франсуздадан, “зид кўшиқ”	италиянчадан, “зид кўшиқ”	латинчадан, “зид кўшиқ”
3	3	2	<b>“Трагедия” атамасининг лугавий маъноси келтирилган қаторни аниқланг</b>	* юончадан, “така кўшиғи”	латинчадан, “фожий асар”	юончадан, “фожий асар”	латинчадан, “така кўшиғи”
3	3	3	<b>“Комедия” атамасининг лугавий маъноси келтирилган</b>	* юончадан, “хушчақча	юончадан, “хазил, мазах”	юончадан, “хушчақчақ қўшиқ”	юончадан, “кулгили қўшиқ”

			<b>қаторни аниқланг</b>	қ тўда қўшифи”			
3	3	3	<b>“Либретто” атамасининг лугавий маъноси келтирилган қаторни аниқланг</b>	* италянчада н, “китобча” “китобча”	франсузчада н, “китобча”	испанчадан, “китобча”	каталончад ан, “китобча”
3	3	3	<b>“Классика” атамасининг лугавий маъноси келтирилган қаторни аниқланг</b>	* латинча, “намунали ”	латинча, “ноёб”	латинча, “умрибокий”	латинча, “қадимий”
3	3	3	<b>“Импровизатсия” атамасининг лугавий маъноси келтирилган қаторни аниқланг</b>	* италянча ва латинча, “олдиндан кутилмага н, тўсатдан”	италянча ва франсузча, “олдиндан кутилмаган, тўсатдан”	юонча ва латинча, “олдиндан кутилмаган, тўсатдан”	франсузча ва латинча, “олдиндан кутилмаган , тўсатдан”
3	3	3	<b>Санъат соҳасида ҳаваскорлик, соҳани чуқур ўзлаштирмай туриб ўзини кўрсатишга ҳаракат қилишга нисбатан қандай атама кўлланилади?</b>	*дилетантл ик	Дифирамба	артист	дублёр
3	3	3	<b>Театрда ролни ижро этувчи актёрни алмаштирувчи актёр ёки бир ролни навбат билин бажарувчи икки актёрдан бири қандай аталади?</b>	*дублёр	партнёр	Пародия	прототип
3	3	3	<b>“Юрак ёнмоғи керак” песасининг муаллифи қайси қаторда тўғри берилган?</b>	*Одил Ёқубов	Асқад Мухтор	Ғафур Ғулом	Бахром Рахмонов
3	3	3	<b>“Шоҳ эдип” трагедиясини ўзбек тилига ўгирган ўзбек ёзувчиси ким эди?</b>	*Асқад Мухтор	Одил Ёқубов	Ғафур Ғулом	Бахром Рахмонов
3	3	3	<b>Қайси қаторда Ў.Умарбеков асарлари тўғри</b>	*“Киёмат қарз”, “Комиссия	“Киёмат қарз”, “Садоқат”,	“Киёмат қарз”, “Садоқат”,	“Ўз аризасига кўра”,,

			<b>берилган?</b>	”, “Ўз аризасига кўра”	“Ўз аризасига кўра”	“Комиссия”	“Садоқат”, “Комиссия ”
3	3	3	<b>“Ҳаёт шоми” песасининг муаллифи ким?</b>	*Г.Гауптман	Г.Ибсен	Б.Шоу	Н.Погодин
3	3	3	<b>О.Ёқубов песалари тўғри кўрсатилган қаторни аниқланг</b>	**“Олма гуллагандада”, “Садоқат”, “Юрак ёнмоғи керак”	“Олма гуллагандада”, “Садоқат”, “Юрак ёнмоғи кирар”, “Юрак ёнмоғи керак”	“Олма гуллагандада”, “Юрак сирлари”, “Юрак ёнмоғи керак”	“Юрак сирлари”, “Садоқат”, “Юрак ёнмоғи керак”
3	3	2	<b>“Ҳасрат боғи” песасининг муаллифи ким?</b>	*Шукрулло	Сайд Аҳмад	О.Ёқубов	А.Иброҳимов
3	3	2	<b>“Келинлар кўзғолони” песасининг муаллифи тўғри кўрсатилган жавобни топинг</b>	*Сайд Аҳмад	О.Ёқубов	Шукрулло	А.Иброҳимов
3	3	2	<b>Усмон Азим песалари тўғри кўрсатилган қаторни аниқланг</b>	*“Кундузси з кечалар”, “Адибнинг умри”, “Бир қадам йўл”	“Кундузси з кечалар”, “Усмон Носир”, “Адибнинг умри”, “Бир қадам йўл”	“Усмон Носир”, “Адибнинг умри”, “Бир қадам йўл”	“Кундузси з кечалар”, “Адибнинг умри”, “Усмон Носир”
3	3	3	<b>“Тусмол” (“Сенга бир гап айтаман”) асари муаллифи қайси қаторда берилган?</b>	*А.Иброҳимов	Сайд Аҳмад	Шукрулло	О.Ёқубов
3	3	3	<b>“Тақдир синовлари” песасининг муаллифи қайси қаторда берилган?</b>	*Қ.Норқобил	Р.Муҳаммад-жонов	Ҳ.Расул	У.Азим
3	3	3	<b>“Давлат болалари” песасининг муаллифи қайси қаторда берилган?</b>	*Р.Муҳаммад-жонов	Қ.Норқобил	Ҳ.Расул	У.Азим
3	3	3	<b>“Муҳаббат сultonи” песасининг муаллифи қайси қаторда берилган?</b>	*Ҳ.Расул	Р.Муҳаммад-жонов	Қ.Норқобил	У.Азим
3	3	3	<b>“Бир қадам йўл” песасининг</b>	*У.Азим	Р.Муҳаммад-жонов	Ҳ.Расул	Қ.Норқобил

			<b>муаллифи қайси қаторда берилган?</b>				
3	3	3	<b>У.Шекспир асарлари түғри күрсатилган қаторни күрсатинг</b>	*“Бехуда шов-шув”, “Кийик қизнинг қуиилиши”, “Венетсия савдогари”	“Бехуда шов-шув”, “Макр ва муҳаббат”, “Венетсия савдогари”	“Бехуда шов-шув”, “Кийик қизнинг қуиилиши”, “Макр ва муҳаббат”	“Макр ва муҳаббат”, “Кийик қизнинг қуиилиши”, “Венетсия савдогари”
3	3	3	<b>Ж.Молер асарлари түғри күрсатилган қаторни күрсатинг</b>	*“Скапенниңг найранглари”, “Зўраки табиб”, “Тартюф”, “Тартюф”	“Икки бойга бир малай”, “Зўраки табиб”, “Тартюф”	“Скапенниңг найранглари”, “Икки бойга бир малай”, “Тартюф”	“Скапенниңг найранглари”, “Зўраки табиб”, “Икки бойга бир малай”
3	3	3	<b>Аброр Ҳидоятов қайси ролидан кейин рус танқидчилари келажакда ундан буюк санъаткор чиқишини “башорат” қилишган?</b>	*Вурм (“Макр ва муҳаббат”)	Навоий (“Алишер Навоий”)	Отелло (“Отелло”)	Фоифир (“Бой ила хизматчи”)
3	3	3	<b>Ўзбек театрида Яго ролининг биринчи ижрочиси ким?</b>	*Олим Хўжаев	Наби Раҳимов	Тўлқин Тожиев	Афзал Рафиқов
3	3	3	<b>Қуйидагилардан қайси бири Маннон Уйғур томонидан ёзилган пеша?</b>	*“Туркистон табиби”	“Халима”	“Бой ила хизматчи”	“Ўлимдан кучли”
3	3	3	<b>Аристотел қачон яшаган?</b>	*Ерамиздан аввалги ВИ асрда	Ерамизнинг ИВ асирида	Ерамизнинг ВИ асирида	Ерамиздан аввалги ВИ асрда
3	3	2	<b>Шекспирни танқид қилган рус ёзувчisi</b>	*Л.Толстой	Н.Гогол	М.Булгаков	А.Чехов
3	3	2	<b>Қайси давр драматургиясида фақат оқсуяқ, ҳукмдорлар бош қаҳрамон сифатида тасвирланган?</b>	*класситсизм	символизм	романтизм	реализм
3	3	2	<b>Асосида</b>	*	класситсизм	романтизм	абсурд

			<b>рамзийлик турувчи санъат йўналиши</b>	СИМВОЛИЗМ			
3	3	3	<b>Хаётни қандай бўлса шундайлигига тасвирловчи ижодий йўналиш</b>	*натурализм	реализм	романтизм	абсурд
3	3	3	<b>Қадимги Юнонистонда спектаклларни кимлар саҳналаштирган?</b>	*драматурглар	режиссёrlар	етакчи актёрлар	интерпритёrlар
3	3	3	<b>Амир Темур хақида пеша яратган инглиз драматурги ким?</b>	*К.Марло	У.Шекспир	Е.Кин	У.Жонсон
3	3	3	<b>Қўйидагилардан қайси бири италян драматурги?</b>	*Пиранделло	У.Сааян	Ж.Молер	Лопе де Вега
3	3	3	<b>“Гурунг” пешасининг иккинчи номи нима?</b>	*“Тошкентдан келган меҳмон”	“Тошкентга саёҳат”	“Хотинлар гапидан чиқсан ҳангома”	“Ешик қоқкан ким бўлди?”
3	3	3	<b>“Шоҳона ишрат” пешасининг иккинчи номи нима?</b>	*“Қиролни нг дилхуши”	“Меҳмонхона бекаси”	“Икки бойга бир малай”	“Тартюф”
3	3	3	<b>А.Чехов ўз пешаларини қайси жанрга мансуб этиб белгилаган?</b>	*комедия	драма	трагедия	мелодрама
3	3	3	<b>Н.Гогол асарлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг</b>	* “Уйланиш”, “Ревизор”, “Ўлик жонлар”	“Уйланиш”, “Ревизор”, “Зулмат қаърида”	“Уйланиш”, “Зулмат қаърида”, “Ўлик жонлар”	“Зулмат қаърида”, “Ревизор”, “Ўлик жонлар”
3	3	3	<b>Қўйидаги пешаларнинг қайси бири томоша ичida томоша шаклида яратилган</b>	* “Кийик қизнинг куйилиши”	“Вероналик икки йигит”	“Венетсия савдогари”	“Бехуда шов-шув”
3	3	3	<b>У.Шекспирнинг “Бехуда шов-шув” пешасини ўзбек тилига таржима қилган таржимон ким?</b>	* Мирзакалон Исмоилий	Қодир Мирмуҳаммадов	Иброҳим Faфуров	Жамол Камол

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
  - тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
  - автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
  - маҳсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлик бўлган модуль бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Мустақи таълим мавзулари**

1. Томоша санъатида драматургиянинг тутган ўрни.
2. Ўзбек драматурглари ижоди.
3. Режиссёрнинг асар яралишидаги ижодий фаолияти.
4. Замонавий режиссура ривожи ва муаммолар ечими
5. Замонавий таълим методларидан самарали фойдаланиш усуллари

## VII. ГЛОССАРИЙ

**Сценарий** – италянча сўз бўлиб, кинода, телевидениеда театрларда қўйиладиган песалар оммавий томошалар дастури, режаси, сюжет, схемаси. Кириш пайти, чиқиши вазиятидир.

**Сценарийнавислик** - “Ссенарий” сўзига форсча “Нависанд”-ёзувчи, адаб маъносидан “навис” олиниб, “Ссенарийнавис” атамаси яратилган ва жорий қилинганди.

**Бадиий образ** – реал воқеликнинг яхлит конкрет акси шаклида ўзига хос эстетик сифатларида намоён бўла олиши.

**Буффонада** – аслида италиянча буффоната – тегажаклик, ҳазиломуз сўзидан олинган бўлиб, воқеан жиддий равишда ошириб юборилган холатда тасвирлаш маъносини англатади. Буффонада дастлаб очиқ майдонда ижро этиладиган қадимги ҳалқ театрларидан келиб чиқкан.

**Гипербола** – атамасининг туб илдизи грек ҳалқ сўзига мансуб бўлиб, ҳуперболе – муболаға маъносини англатади. Гипербола у ёки бу нарса, хусусият, воқеа ва белгини ўта кучайтириб, орттириб тасвирлаш воситаси ҳисобланади. Муболаға воситасида ижодкор тасвирлаётган обектни бошқа обектлардан ажратиб, бўрттириб кўрсатиш, уни гоҳ макташ; гоҳ масхаралашга эришади.

**Санъат** – борлиқни бадиий образлар орқали акс эттириш.

**Театр** – борлиқни бадиий акс эттириш воситаларидан бири. Ибратхона.

**Саҳна** – саҳна асарлари намоиши учун маҳсус жой.

**Спектакл** – драматург асарини саҳнавий талқини.

**Декоратсия** – декоратив жиҳозда мужассам бўлган фикрнинг муаллиф стилистикасига, асарнинг характеристири ва жанрига мослиги

**Перипетия** – сюжетда усталик билан ясалган қалтис-бадиий эффектли хатти-ҳаракатларнинг ривожланиш шакли.

**Режиссура** – спектакл яратиш санъати.

**Режиссёр** – театр жамоасининг раҳбари. барча ижодий ходимларнинг меҳнатини ягона ғоявий - бадиий фикр атрофида мужассам этиб саҳна ёки экран асари яратувчи ижодкор раҳбар.

**Актёр** – спектаклда марказий фигура.

**Драматургия** – театр санъатининг асоси.

**Сценарий** – италянча сўз бўлиб, кинода, телевидениеда театрларда қўйиладиган песалар оммавий томошалар дастури, режаси, сюжет, схемаси.

**Жанр** – асарда акс эттирилаётган воқеликни ўзига хослиги ва унга нисбатан муаллиф (драматург, бастакор, композитор, рассом ва ҳоказо) муносабатининг характеристири билан шартланган композитсион тизим бирлиги.

**Драма** – грек ҳалқ иборасига мансуб, унинг асил маъноси “ҳаракат” демакдир. Жиддий, мураккаб ва ўткир характерлар конфликти.

**Трагедия** – грекча трагос-ечки ва оде- қўшиқ сўзларидан олинган бўлиб, фожеа маъносини англатади. Келиштириб бўлмас кучлар ўртасидаги конфликтга асосланиб, қахрамоннинг ўлими ёки кескин мағлубияти билан тугаши.

**Комедия** – грекча *сомос* – хушчақчақ оломон ва *оиде* – қўшиқ сўзларидан олинган бўлиб, драматик турга мансуб жанрлардан бири. Асосан бутун воқеалар, характерлар, коллизия кулги фонида тасвиранади. Кулги, комизм инсон ва жамият ҳётидаги зиддиятлар устидан ҳажв қилиш ёки енгил юмор воситаларидан биридир.

**Гротеск** – италианча (гротто- ер ости сўзидан олинган бўлиб) образни ҳаддан ташқари муболағали тасвираш усулини англатади. Комедияда ҳам, эпик асарларда ҳам образ шу қадар ортирилган муболаға билан тасвиранади, у ўзининг реал қиёфасини йўқотиб, фантастик қиёфа касб этишгача боради

**Воқеа** – санъат асарларидаги, жумладан драматургиядаги структура(тузим)ни юзага келтирувчи асос.

**Воқеалар ривожи** – тугун бўлиб қолган муаммоларни ҳал бўлиши йўлидаги ҳатти-ҳаракат ва курашлар бу воқеаларнинг ривожидир.

**Мавзу** – замонавий ёки тарихий воқеалар асосида жамият ҳёти, воқеликни акс эттиришга қаратилган муаллиф фикри - ғояларидир. Айнан шу воқелик асосида мавзу ривожлантирилади.

**Материал** – танланган мавзуга дахлдор аниқ ҳётий ҳодисаларнинг муаллиф томонидан бадиий умумлашма, типиклаштириш ёхуд асл ҳолича (тарихий хужжат сифатида) ўз асарига киритиши.

**Мизансена** – мизансаҳналар. Режиссёр асосий фикрини томошабинга етказилишига хизмат қилувчи ифода воситаларидан бири.

**Ғоя** – асарнинг бош фикри. Асарнинг ғоявийлиги тушунчаси.

**Сюжет** – франсузча сўз бўлиб, адабий асарнинг асосий мазмуни: бадиий асар мазмуни ва ундаги қахрамонлар характерини очиб беридиган ўз аро узвий боғланган воқеалар, ҳодисалар тизмаси

**Стил** - песанинг ғоявий бадиий ўзига хосликларининг йифиндиси

**Сўз** - драматург учун якка-ю ягона ифода ва бадиий воситадир. Адабиётнинг эпос, лирика, драма каби турларининг қиёсий характеристикаси.

**Инссенировка** –

**Конфликт** – драматик ёки бошқа турдаги барча санъат асарларининг ўзаги, уни ҳаракатга келтирувчи куч.

**Кулминатсия** – лотинча чўққи. Конфликт ва сюжетнинг ривожи алангланиб, энг жуда қалтис, юқори даражасига келиши. Кулминатсия воқеалар билан характерлар тўқнашуви энг ўткир, ҳал қилувчи ҳолати.

**Драматик коллизия** – драматик конфликт юзага келгунга қадар кечувчи вазият (ситуатсия).

**Ремарка** – песада ссенарийда бир қанча функсияларни бажаради. Драматургни бевосита ўз фикрини билдирадиган бирдан-бир манба,

ремаркадир. Биринчидан ремаркаларда персонажларга қандайдир таъриф берилади. Уларнинг вазияти, қилмиши, бошқа шахсларга ва юз берган воқеаларга муносабати ҳам изҳор этилади.

**Репертуар** – театр жамоасининг ғоявий ҳамда ижодий ҳаётини ифодаловчи ойна.

**Пролог** – ёзилган асар ҳақида муқадимма.

**Епилог** – хотима. Мазмунни тўлалиги учун керакли баъзи қўшимча маълумотни томошибинга етказиш учун ёзилган қисм. Ёзилган асар ҳақидаги хуроса.

**Експозитсия** – конфликт бошланиши олдидан келадиган муқадимма.

**Епизод** – у ёки бу даражада воқеанинг тугаллаган қисми. Алоҳида воқеанинг кичик бир бўлаги.

**Эпиграф** – юонча “ёзув” деган маънони англатади. Топиб қўлланилган эпиграф асарнинг туб моҳиятини англатади ва асар сарлавҳасидан кейин ёзилади.

**Композитсия** – асосий воқеалар ва уларда бетўхтов ривожланувчи ҳаракат босқичлари.

**Кураш ва қаршиликларни енгиш** - ҳаракатни ривожлантириш учун зарур шарт –шароит.

**Тугун** – асарнинг асосий зиддияти яъни (конфликт)нинг юзага келиш лаҳзаси. Кулминатсия хатти-ҳаракат, воқеа ва ҳодисаларнинг энг кучайган конфликтнинг ниҳоятда ўткирлашган лаҳзаси.

**Ечим** – асар конфликтининг ҳал бўлиш лаҳзаси. Якун (финал) - асардаги асосий конфликт ечимини топгандан кейин қаҳрамонлар янги мақом, янги ўринларини ўзида акс эттирган ҳиссий мазмундор хуроса. Якун – драматик асарнинг композитсион бутунлиги мезони сифатида.

**Ҳаракат** – саҳна санъатининг асоси. Бирор мақсадни амалга оширилишига қаратилган "органик психофизик протсесс".

**Хатти – ҳаракат** – драматик асар қаҳрамони қилмишидаги маълум иродавий акт (яъни ҳаракат).

**Инттрига** –

**Импровизатсия** – бадиҳавий қобилият.

**Мусиқали драма** – айтилмоқчи бўлган фикр, фалсафа ва ғоя аниқлиги муаллифнинг шеърий матнида (Ария, ариоза, речитатив, хор, дует) ифода этилади. Мусиқали асарда образлар характерлари, тўқнашув (конфликт), дил-изҳорларини баён қилишлар драматургнинг шеърларида композитор басталаган мусиқаларда ўз аксини топади.

**Монолог** – персонажни ҳаёт ҳақидаги энг муҳим ўйлари бир жойга йиғиб, ёрқин ифода этиш, персонаж томонидан бошқаларни йўқлигига ёки уларни жим турган ҳолда айтилган катта нутқ “монолог”деб аталади. (Монолог “юонча”-“битта нутқ”, “якка нутқ” демакдир) Монолог персонажни ички дунёсини, уни ўз тили билан батафсил ва ҳаяжонли тарзда очиб беради.

**Тарихий драма** – драматик асарда диалоглар, воқеалар, образлар силсиласи, хатти-ҳаракат манбаларига таянган ҳолда ўтмишни, ўтмиш шахслар ҳаётини акс эттирган сахна асари тарихий мавзуда яратилган драма деб аташга асос бўла олади. Тарихий драма драма қонуниятларининг барча компанентларига таянган ҳолда, ўша ҳаётнинг кескин тўқнашувлар, ранг-баранг ҳаётий томошалар, узликсиз курашлари сахнавий талқин орқали, қисқа ва лўнда жонли воқеалар орқали ҳал этилади.

**Диолог** – икки ва ундан ортиқ персонаж ўртасида бўлган сухбат. Диологларни энг характерли ҳусусияти сўзлашувчи персонажлар орасида қизғин фикрий тортишув мавжудлигидир. (Диолог лотинчада “Суҳбат”, “Баҳс” “тортишув”) маъносини англатади.

**Образ** – ижодкор - муаллифнинг ижодий тафаккурининг тавсифи сифати.

**Символизм** – (юнон тилидан олинган бўлиб, белги, рамз, тимсол ёки уларнинг мажмуи) XIX аср охири – XX асрнинг бошларида вужудга келган адабий-фалсафий оқим.

**Тил** – талаффуз ўзида оҳангдорлик, маънавий бутунлик, характери, ҳусусиятлар билан бирга муҳим аҳамиятга касб этади. Персонажлар шароитга қараб, керакли онда шундай луқма ташлашлари керакки, улар шу вазиятда бундан бошқача гапира олишлари мумкин эмас деган холосага келишлари керак.

**Характер** – юонча ҳусусият, сифат, белги маъносини англатади. Характер кенг қамровли атама бўлиб, ўз ичига катта маънони олади. Қаҳрамон ҳам, образ ҳам, персонаж ҳам ўз моҳиятлари билан характерга бориб боғланади ва унинг туб маъносини билдиради.

**Финал** – (хотима, якуний) воқеани етакчи хатти - ҳаракат бўйича курашларнинг якунланишини билдирувчилик ҳусусияти.

**Фабула** – сценарий сюжетни ташкил қилувчи бадиий синтез материаллардир. Бадиий асарда тасиврланган воқеани изчил баёни, воқеаларни ривожланиш схемаси

**Реплика** – персонажни хатти - ҳаракат фаоллигига олиб келади.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Асосий адабиётлар

1. Аристотел. Поетисс. – Нешбайпорт: Фосус публишинг, 2006
2. Усмонов Р. Режиссура. – Т: Фан, 1997.
3. Исломов Т. Тарих ва саҳна. – Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.
4. Ризаев Ш. Саҳна маънавияти. – Т.: Маънавият, 2000.
5. Абдусаматов X. Драма назарияси. – Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
6. Махмудов Ж. Актёрлик маҳорати (ўқув қўлланма). – Т., 2005.
7. Умаров М. Маннон Уйғур эстетикаси. – Т.: Мусиқа, 2007.
8. Махмудов Ж., Махмудова X. Режиссура асослари. – Т.: Мусиқа, 2008.
9. Раҳматуллаева Д., Шодиев Б. Байрам томошалари – Ўзбекистон санъати: 1991-2001 й.й. – Т.: Шарқ, 2001

### Кўшимча адабиётлар

10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январ, №11.
11. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. 2017 йил
12. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. 2017 йил
13. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда қурамиз.2017 йил
14. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.
15. Мирзиёев Ш.М. Танқидийтаҳлил, қатъийтартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак.Тошкент: Ўзбекистон, 2016
16. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг муҳим пойдеворидир. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан учрашувдаги маъruzаси.”Халқсўзи” газетаси, 2017 йил, 4 август, 153-сон
17. Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ”Халқсўзи” газетаси, 2017 йил,17 феврал, 35-сон.
18. Раҳмонов М. Ўзбек театр тарихи. – Т., 1982.

19. Исмоилов э. Маннон Уйғур. – Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
20. Захава Б. Мастерство режиссёра и актёра. – М.: Просвещение, 1978.
21. Товстоногов Г. Зеркало сцени. т. 1-2. – Л.: Искусство, 1980.
22. Хўжаев Қ. Сахнага йўл. – Т., 1974.
23. Жўраев Ф. Обид Жалилов. – Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1968.
24. Фелдман Й. Олим Хўжаев. – Т.: Ўзадабийнашр, 1962.
25. Қодиров М. Сойиб Хўжаев. – Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
26. Ризаев О. Наби Раҳимов. – Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
27. Раҳмонов М. Ҳамза. (Ўзбек давлат академик драма театри тарихи.) Биринчи китоб (1914 – 1960 йиллар). – Т.: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
28. Раҳмонов М., Тўлахўжаева М. Т., Мухторов И. А. Ўзбек миллий академик драма театри тарихи. – Т., 2003.
29. Турсунбоев С. Театр тарихи. – Т.: Билим, 2005.

#### **Электрон таълим ресурслари**

30. [www.Ziyo.net](http://www.Ziyo.net)
31. [kitobxon.uz](http://kitobxon.uz)
32. <http://www.teatr.ru>
33. <http://www.uzbekteatr.skm.uz>
34. <http://stanislavskiy.by.ru>
35. <http://www.teatr-estrada.ru>
36. [teatr.com](http://teatr.com)
37. <http://www.mxat.ru>